МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ
ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ

# UZBRIDGE ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ





## 2022 ЙИЛ
## I СОН


Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй

uzbridge@eyuf.uz

www.uzbridge.eyuf.uz

## МУНДАРИЖА


| № | Муаллиф | Мақола номи | Саҳифа |
|---|---|---|---|
| 1. | Ахмедов Ж.Ж., Абдуллаева А.Э. | “Эл-юрт умиди” жамғармаси мамлакатимиздаги иқтидорли ва истиқболли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда | 4 |
| 2. | Абдуғаниев О.А. | Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш | 9 |
| 3. | Салохожаева Ф.А. | Исследование педагогическихи методологических аспектов в процессе развития коммуникативных компетенций студентов | 18 |
| 4. | Khodjimatova (Fakhrutdinova) Albina Askarovna | Integration of flipped classroom technology in the English language teaching | 24 |
| 5. | Бекмурадова Г.А. | Иқтисодий ўсиш ва ивестицион жозибадорликка халқаро иқтисодий индексларнинг таъсири. (ривожланган давлатлар тажрибаси) | 29 |
| 6. | Мухамеджанов Ш.С. | Особености формирования кадрового резерва в государственной службе в Республике Узбекистан | 38 |
| 7. | Ахмедов Ж.Ж., Абдуллаева А.Э. | Чет эл инвестициялари – фармацевтика тармоғи корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор омили | 44 |
| 8. | Авезова Ш.М. | Оценка эффективности системы управления трудовыми ресурсами в бухарской области | 50 |
| 9. | Норов А.Р. | Тижорат банклари амалиётида кредит таъминотига нисбатан табақалашган ёндашув механизмларини такомиллаштириш | 58 |
| 10. | Турсунов У.А. | Мамлакат экспорти ҳажми ўсиши ҳамда экспорт диверсификациясининг иқтисодий ўсишда таъсирини эконометрик моделлаштириш | 70 |
| 11. | Хўжаматова Х.М. | Мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий онгни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари | 76 |
| 12. | Исмаилов Д., Утбасаров О. | Банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш-инвестицион фаолликни янада ривожлантиришнинг муҳим омили | 81 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 13. | Talipdjanov A.A. | Innovative prospects of information technologies in the system of physical education | 86 |
| 14. | Мирзакаримов Ю.А. | Кекса одамларда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия | 90 |
| 15. | Хожаев А.С. | Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари | 95 |
| 16. | Шарипова Н. | Электрон тўлов тизимларини такомиллаштиришнинг корреляцион таҳлили | 103 |
| 17. | Тўрақулов З.А. | "Рақамли авлод":Инсон камолотига виртуал олам таъсири | 111 |
| 18. | Эрназаров Г.Б. | Уй-жой коммунал хўжалик статистикаси, ҳисоботлар, таҳлиллар ва истиқболлар. | 116 |

"UzBridge" электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
4–8
САҲИФАЛАР

# "ЭЛ-ЮРТ УМИДИ" ЖАМҒАРМАСИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА

**Ахмедов Жавохир Жамолович**
"Эл-юрт умиди" жамғармаси ижрочи директор ўринбосари
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: j.ahmedov0401@gmail.com
Тел:+99897-441-15-11
**Абдуллаева Альбина Эргашевна**
Тошкент фармацевтика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири
E-mail: abdullaeva1586@gmail.com
Тел:+99897-714-50-57

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг кўлами, шиддати ва кенг қамрови билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сиёсатчи ва мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти "Янги Ўзбекистон" деган иборани тилга олмоқда. Бундай эътироф ҳеч муболағасиз юртимиздаги шиддатли ўзгаришларга берилган муносиб баҳодир.

2018-2020 йиллар мобайнида жами **1002 нафар** иқтидорли ва истиқболли ёшларимиз "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиати деган юксак мақомга эга бўлишди. Стипендиантларнинг барчаси Жамғарма томонидан хориждаги ривожланган давлатларнинг таълим муассасалари ва илғор компанияларида таълим олиши ва стажировка ўташи ташкил этилди.

Стипендиатлар дунёнинг **жами 40 га яқин** давлатларида, жумладан **АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Россия** каби илғор мамлакатларнинг **240 дан зиёд** университетлари, илмий марказлари ва нуфузли компанияларида таълим олишиб, бугунги кунда **955 нафари** мамлакатимизга қайтиб келиб турли соҳаларда, хусусан таълим, илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларда самарали фаолият олиб бормоқдалар.




**1-расм. 2018-2020 йиллар мобайнида "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиати бўлган иқтидорли ва истиқболли ёшлар тўғрисида маълумот.**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгашининг 2021 йил 30 **сентябрдаги қарорига мувофиқ 272 ўринга** мўлжалланган навбатдаги 3-стипендия танловида **141** номзодлар стипендиат деб эътироф этилди.

Жамғарманинг 2021 йилдаги 3-стипендия танлови натижаларига кўра **141 нафар** номзод, жумладан, **56 нафари** бакалавриат, **67 нафари** магистратура ва **18 нафари** докторантура таълим дастурлари бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Бугунги кунда уларнинг **40 нафаридан ортиғи** хорижий давлатларда ўқишини бошлаган. Бакалавриат дастури бўйича **9 нафари**, магистратура дастури бўйича **26 нафари ва** докторантура таълим дастурлари бўйича **10 нафари** АҚШ, Буюк Британия, Япония, Италия, Россия каби илғор давлатлар **18 дан зиёд** университетларига таълим олиш учун юборилган.




**2-расм. Жамғарманинг 2021 йилдаги учинчи стипендия танлови ғолибларининг таълим дастурлари кесимида маълумот.**

Бугунги кунда стипендиатлар таълим олиши режалаштирилган **70 ортиқ** хорижий нуфузли университетларга Жамғарма номидан ўқиш харажатлари билан боғлиқ чегирмалар олиш учун расмий мурожаатлар қилинди. Бакалавриат дастури бўйича хорижий олий таълим ташкилотларидан стипендиатлар ва Жамғарма томонидан **жами 560,700** АҚШ доллари, магистратура дастури бўйича **195,600** АҚШ доллари, докторантура таълим дастурлари бўйича **60,000 АҚШ доллари** миқдорида чегирмалар олинди.




**3-расм. Жамғарманинг 2021 йилдаги стипендия танлови ғолиблари танлаган таълим муассасаларидан олинган чегирмалар.**

Шунингдек, магистратура ва докторантура таълим дастурлари бўйича **16 нафар** Жамғарма стипендиатларини ўқиши тўлиқ грант асосида бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар бир стипендиатдан **25,000 АҚШ долларидан жами 400,000 АҚШ доллари** миқдорида давлат бюджетдан ажратилиши режалаштирилган маблағлар иқтисод қилинмоқда.




**4-расм. Жамғарманинг 272 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танлови 2-босқичи натижаларининг жинслар кесимида маълумот.**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2021 йилда ўтказилган стипендия танловларидан келиб чиқиб стипендия танловларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Бугунги кунда Жамғарманинг 2021 йилдаги танловларида ғолиб бўлган **жами 371 нафар** стипендиатларнинг **254 нафари** хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари, илмий марказлари ва етакчи компанияларида Жамғарма таълим дастурлари асосида таълим олмоқдалар, қолган стипендиатларни юбориш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарма томонидан нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инноватцион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида **110 дан ортиқ етакчи** университетларга расмий мурожаат қилинди ҳамда қуйидаги университетлар билан жумладан, Queen Mary University, Colorado State University, University of Arizona, The European Institute for Asian Studies (EIAS), German Committee for Eastern Economic Relations, Malaya University, University of Missouri, Binary University of Management and Entrepreneurship ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **жорий йил 9 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-3-сон Фармони** қабул қилинди, мазкур Фармон билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6168-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, жумладан:

**а) 6-бандининг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилди:**

стипендиат узрсиз сабабга кўра таълим дастурларидан четлаштирилган тақдирда ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалланганидан сўнг меҳнат фаолиятини вазирликлар, идоралар ёки бошқа давлат ташкилотларида давом эттиришдан бош тортган ҳолларда, Жамғарма томонидан стипендиатнинг таълим олиши учун сарфланган барча молиявий харажатлар у билан имзоланган шартнома шартларига мувофиқ унинг молиявий

кафиллари (**юридик ва жисмоний шахслар**) ва унинг ўзи томонидан солидар тартибда қопланади.

**4-илованинг 4-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилди:**

Шу билан бирга, қоидага кўра, ўз назарий билим ва/ёки амалий тажрибалари натижасида хорижда таълим олиш учун хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса томонидан номзодга таклиф этилган **грант (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз)лар миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги танлов жараёнида устунлик берувчи ҳолат сифатида эътиборга олинади.**

**4-илованинг 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилди:**

Жамғарма стипендиялари белгиланган тартибда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган таълим дастурларига мувофиқ етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда қуйидаги дастурлар бўйича таълим олиш учун ажратилади:

**докторантура (аспирантура)да — 3-4 йилга қадар;**

**магистратура — 1-2 йилга қадар;**

**бакалавриат— 3-4 йилга қадар.**

Айрим ривожланган давлатлар таълим муассасаларида бир йилгача бакалавриатга тайёрлов курслари (Foundation year/course) харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилиши мумкин. Бунда тайёрлов курси ва бакалавриатда ўқишнинг умумий муддати 4 йилдан ошмаслиги лозим.

**4-илованинг 10-“г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилди:**

узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини (ўтган йиллар давомида истеъмол нархлари индексининг ўртача йиллик даражасига тенг жарима билан) қоплаш тўғрисида манфаатдор вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар – **юридик шахслар ва жисмоний шахслар** (устувор равишда Стипендиатнинг ота-онаси, ака-укаси ёки опа-синглиси, улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўла олмаган тақдирда уларга тенглаштирилган бошқа шахслар) томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси (танлов ғолиблари учун).

Бунда, номзод тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига тўлиқ киритилиши таъминланиши шарт.

**4-илова 16-банднинг 4-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилди:**

2-босқичда номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши, миллий ва умуминсоний қадриятларни, шунингдек, давлат тилини билиш даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида суҳбат ўтказилиши кўзда тутилади.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ташаббуси билан 2019 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда фойдаланиб келинаётган Давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган, хорижий мамлакатлар ва мутахассисликлар кесимида каталоглаштирилган, бой илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларнинг электрон реестрини юритиш ишлари Жамғарма томонидан доимий маълумотлар киритиш орқали бойитиб келинмоқда. Ҳозирги кунга келиб, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ва фаолият олиб бораётган **6000 минга** яқин ватандошлар маълумотлари электрон реестрга киритилган.

**Жамғарма томонидан 2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор вазифалар:**

Катта илмий ва амалий тажрибага эга бўлган хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирокида чет элда Ватандошлар илмий ва амалий анжуманини ўтказиш.

Хориждаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан алоқаларни ўрнатиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Хорижий давлатларда ватандошлар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имижини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ватандошларни турли йўналишлардаги номинациялар (“Энг фаол ватандош”, “Хориждаги энг фаол миллий маданий марказ” ва б.) билан тақдирлаш тизимини жорий қилиш.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан мулоқотларни ташкил этиш ва улар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш каби вазифалар режалаштирилган.

Республика вазирлик, идора ва ташкилотларнинг хорижда тайёрланган кадрлар, шунингдек, республика ёшларининг хорижда таълим олишга бўлган эҳтиёжи йилдан йилга ошиб бормоқда.

2022-2026 йиллар давомида Жамғарма таълим дастурлари бўйича хорижга таълим олиш учун юбориладиган ёшлар ва мутахассислар сони йилдан-йилга оширилиб, 2021 йилдаги **350 нафар ўриндан** 2026 йилга келиб **700 нафарга етказиш** белгиланмоқда.

**“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали, уларни нуфузли хорижий олийгоҳлардаги бакалавриат, магистратура ва докторантурага юбориш кўламини 2 мартага ошириш бўйича режа-график**

| | Таълим дастури | 2021 йилда ажратил-ган квоталар сони | 2022-2026 йиллар давомида Жамғарма таълим дастурлари бўйича ажратилиши режалаштирилган квоталар сони | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда | 2026 йилда | Жами |
| | Бакалавриат | 100 | 120 | 140 | 160 | 180 | 200 | 800 |
| | Магистратура | 150 | 180 | 210 | 240 | 270 | 300 | 1200 |
| | Докторантура | 100 | 120 | 140 | 160 | 180 | 200 | 800 |
| **Жами** | | **350** | **420** | **490** | **560** | **630** | **700** | **2800** |

Шунингдек, Жамғарма танловларини ўтказишда, 2021 йилда орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, 2022 йилдан бошлаб стипендия танловларини етакчи хорижий давлатларнинг таълим тизими, қабул ва ўқув жараёнларига мос даврларда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик, идора, ташкилотлар ҳамда таълим муассасаларининг мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларни хорижга малака ошириш ва стажировкадан ўтишга юборишда, вазирлик, идора, ташкилотлар ва таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, буюртмачи ташкилотларнинг мақсадли буюртмасига асосан мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни хорижда тайёрлашни ташкил этиш режалаштирилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан мулоқотларни ташкил этиш ва улар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш каби вазифалар режалаштирилган.

UzBridge
“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
9–17 САҲИФАЛАР

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Абдуғаниев Отабек Аллажонович**
Термиз давлат университети
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: genius7722@mail.ru
Тел: +99890-644-11-22

***Аннотация:*** *Мақола Ўзбекистон Республикаси мисолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш масалаларига бағишланган. Шунингдек, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *қишлоқ хўжалиги, эконометрик моделлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, эконометрик таҳлил, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ARIMA модели.*

***Аннотация:*** *Статья посвящена вопросам эконометрического моделирования сельскохозяйственного производства в Республике Узбекистан. А также разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по обеспечению продуктовой безопасности в регионах.*

***Ключевые слова:*** *сельское хозяйство, эконометрические модели, продовольственная безопасность, эконометрический анализ, сельскохозяйственная продукция, модель ARIMA.*

***Annotation:*** *The article is devoted to the issues of econometric modeling of agricultural production in the Republic of Uzbekistan. It also developed scientifically based proposals and recommendations for ensuring food safety in the regions.*

***Key words:*** *agriculture, econometric models, food security, econometric analysis, agricultural products, ARIMA model.*

## Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётининг очиқлигини янада оширишда иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Хавфсизликнинг озиқ-овқат жиҳати алоҳида аҳамиятга эга. Бу биринчи навбатда, аҳолини озиқ-овқат истеъмол қилиши асосий ҳаётий заруратдир, чунки унинг сифатини тегишли миқдорда ва қулай нархларда етказиб бериш учун шароит яратиш - барча даражадаги ҳокимият органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан биридир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ишончли прогнозларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу ўрганилаётган иқтисодий кўрсаткичнинг статистик боғлиқликларини тавсифловчи иқтисодий - статистик моделларга асосланиб, унга таъсир кўрсатадиган асосий омиллар бўйича аниқланади.

Статистик моделлаштириш кўламини кенгайтириш технологияси, айниқса, кўп марталик ҳисоблаш тизимларининг жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, кўплаб мустақил статистик тажрибаларни симуляция қилиш имконини беради. Бошқа томондан, ўрганилаётган ҳодисаларни мураккаб математик моделларини ўрганиш учун классик

ҳисоблаш усуллари кўп ҳолларда қониқарсиздир. Бу эса ўз навбатида муаммонинг ўлчамлари ва геометрик тафсилотларига жуда кам боғлиқ бўлган иқтисодий-статистик моделлаштириш ролини оширади (Т.И.Мирзаева, 2013).

**Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Иқтисодиёт тармоқларида минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини эконометрик моделларини тузиш ва истиқболларини прогнозлаш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Буларга мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Ф.М.Фазилов, Б.Э.Мамарахимов ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, таниқли иқтисодчи олим, академик С.С.Ғуломов аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратилиб, бу ҳолатни мамлакатда инновациялар ролини ривожлантириш орқали таъминлаш мумкин деган хулосани беради (С.С.Ғуломов, 2020).

Ф.М.Фазилов тадқиқотида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босишга қаратилган стратегияларнинг уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши, мамлакатда аҳолини истеъмол саватига кирувчи товарлар билан таъминлашда ижобий таъсир кўрсатилиши келтирган (Ф.М.Фазилов, 2008).

Б.Э.Мамарахимов ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш масалаларини ўрганиб чиққан бўлиб, унинг фикрича, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ҳисобига амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган (Б.Э.Мамарахимов, 2016).

Хорижлик олимлардан Н.Г.Пасюкова, А.С.Кукушкинлар эса ўз тадқиқотларида минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги соҳасини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган (Н.Г.Пасюкова ва бошқ., 2011).

Аммо юқорида номлари қайд этилган олимларнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштириш, прогнозлаш ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш етарли даражада ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини моделлаштириш, мазкур соҳанинг ҳудудлардаги ривожланиши, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва истиқболини прогнозлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатда яратилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини 2025 йилгача бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий-статистик усулларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида мамлакатимизда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўп вариантли прогнозлари ишлаб чиқилган ва бу кўрсаткични янада яхшилаш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизда олиб борилаётган озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш сиёсатини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Таҳлил ва натижалар**

Таҳлиллар бизга ҳозирда давлат ва шаҳар бошқаруви амалиётида қўлланадиган воситаларини Ўзбекистонда аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда бутунлай қабул қилинадиган даражасини бермаслигини кўрсатади.

Баъзи озиқ-овқат маҳсулотлар бўйича талабнинг бир қисми ташқаридан етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳисобидан қондирилади. Бинобарин, ички бозорда рақобатни ривожлантириш, божхона ва тарифларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштиришда ўсишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар импортнинг қисқариши натижасида озиқ-овқат етишмаслиги хавфини камайтиришга ҳар доим ҳам имкон бермайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг иқтисодий жиҳатдан мавжудлиги умуман паст даражада қолмоқда. Бу, асосан, аҳоли реал пул даромадлари ўсиш суръатларига нисбатан нарх ўсиш суръатлари юқорилигига боғлиқ бўлиб, бу уларни сотиб олиш қобилияти пасайишига олиб келади. Бинобарин, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг яқин келажакда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш масаласини ҳал қилишлари керак (Д.Н.Саидова ва бошқалар, 2015).

Мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашнинг бошқа муаммолари ҳам мавжуд, бу эса барча даражадаги ҳокимият органларидан зарур ва ўз вақтида йўл харитасини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Шу билан бирга, минтақавий даражада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича яна бир долзарб муаммо - унинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилишнинг мукаммал математик моделлари яратилмаганлиги, бунда минтақавий озиқ-овқат бозорида таклиф ва талаб омиллари ҳисобга олинишини тақозо этади.

Илмий изланишлар асосида Ўзбекистонда минтақавий даражада аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланадиган шароитлар мажмуини аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, булар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдо тизимини йил давомида барқарор ва бир текис аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари эҳтиёжларини илмий жиҳатдан асосланган сифатли, тиббий стандартларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, муҳим аҳамиятга эга бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлари кенгайтириладиган репродуктив режимда ишлаши керак.

Бизга маълумки, минтақада аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашнинг энг муҳим талаби асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етарлилиги ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бу даража минтақада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рационал меъёрларга мос келадиган ҳажмда етиштириш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган кўрсаткичлар қийматларидан фойдаланган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни прогноз қилиш, уни кўпайтириш учун захираларни аниқлаш мумкин.

Одатда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш анча мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омиллар маҳсулот миқдори ва сифатига таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва нархларининг келгуси давр учун прогноз қийматларини ишлаб чиқиш маҳсулот етиштирувчилар, агрофирмалар ва ҳукумат учун муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади. Озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бозордаги ўзгаришлар мамлакат хавфсизлиги учун алоҳида мавқега эга бўлганлиги сабабли, ҳукумат доиралари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари прогнозларини асосий етказиб берувчиси ва фойдаланувчисига айланади (P. Geoffrey, 2013).

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар натижаларига кўра агар нотўғри прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилса ёки улар тўғри талқин қилинмаса улар асосида ишлаб чиқилган қарорларни самарасиз бўлиши ва таваккалчилик даражасини ошиши аниқланди. Аммо шуни таъкидлаш мумкинки, прогноз қийматларини тўғри талқин қилиш ва улардан фермер хўжаликларини бошқаришда оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳисобда яхшиланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва экологик барқарорликка катта фойда келтиради (Phillips ва Jennifer, 2001).

Юқорида келтириб ўтилганларга асосланган ҳолда минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, маҳсулот

етиштирувчиларнинг фаолиятини режалаштиришдаги таваккалчилик даражасини пасайтириш, озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг кейинги беш йил учун прогноз қийматларини ишлаб чиқишга қарор қилдик. Прогноз қийматларини ишлаб чиқишда кенг тарқалган усуллардан бири бу тренд усули ҳисобланади, бироқ у фақат вақтга боғлиқ бўлиб, ўзгаришларни тўлиқ ифодалаш имкониятига эга эмас, бундан ташқари кўрсаткичга мос модел турини аниқлаш ҳам мураккаблик касб этади. Бундан ташқари таъсир қилувчи омиллар асосида кўп омилли ишлаб чиқариш функциясини аниқлаш ҳамда омиллар ўзгаришига боғлиқ ҳолда прогноз кўрсаткичлари ҳам амалиётда кенг қўлланилади.

Бироқ эконометрик таҳлилни амалга оширишда энг аввало маълумотлар турига ва уларга мос усуллардан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиш талаб қилинади. Тадқиқотда вақтли қаторлардан фойдаланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда ARIMA моделларидан фойдаланишга қарор қилдик. Тадқиқот доирасида мамлакатда яратилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини 2025 йилгача бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Бунинг учун 2000-2020 йиллар маълумотларидан фойдаланилди. Маълумотлар қиймат кўринишида бўлганлиги сабабли уларни реал қийматлари аниқланди, яъни барчаси 2000 йил нархларига ўтказилди.

Аниқланган маълумотларни стационарликка текшириш учун Gretl дастуридан фойдаландик. Натижаларга кўра барча ҳолатларда биринчи даражали фарқи стационар эканлиги аниқланди. Шу сабабдан прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқишда ARIMA (0 1 1) кўринишидаги моделнинг натижалари бошқаларга нисбатан адекват эканлиги аниқланди.

Аввало жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини прогноз қийматларини ишлаб чиқиш учун тузилган модел натижаларига эътиборни қаратиб ўтамиз (1-жадвал). Мазкур моделнинг математик кўринишини қуйидагича ёзиш мумкин.

$$\Delta \boldsymbol{Agprod} = \mathbf{123.8} + \mathbf{0.67} * \boldsymbol{\varepsilon_{t-1}}$$

Бу ерда: $\boldsymbol{Agprod}$ – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзгармас нархлардаги қиймати (2000 йил нархларида).

**1-жадвал**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели натижалари**

| | *Коэффициент* | *Ст. ошибка* | *z* | *P-значение* | |
|---|---|---|---|---|---|
| const | 123,835 | 16,4110 | 7,546 | <0,0001 | *** |
| theta_1 | 0,673694 | 0,176426 | 3,819 | 0,0001 | *** |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Среднее зав. перемен | 126,8021 | | Ст. откл. зав. перемен | 55,88030 |
| Среднее инноваций | 1,313658 | | Ст. откл. инноваций | 44,72063 |
| R-квадрат | 0,996996 | | Испр. R-квадрат | 0,996996 |
| Лог. правдоподобие | −104,6899 | | Крит. Акаике | 215,3798 |
| Крит. Шварца | 218,3670 | | Крит. Хеннана-Куинна | 215,9630 |

| | | *Действительная часть* | *Мнимая часть* | *Модуль* | *Частота* |
|---|---|---|---|---|---|
| FA | | | | | |
| | Корень 1 | -1,4844 | 0,0000 | 1,4844 | 0,5000 |

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки моделнинг аниқланган барча коэффициентлари адекват. Хусусан, Стьюден мезонига кўра иккала коэффициентнинг ҳам ишончлилиги 99 фоизлик ишонч оралиғига тўғри келади, бундан ташқари детерминация коэффициенти ҳам деярли бирга тенг қийматга эга бўлмоқда.

Келтирилган ижобий натижаларга асосланган ҳолда ушбу модель асосида мамлакатда етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2025 йилга қадар бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқдик (2-жадвал).

**2-жавдал.**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**

| Набл. | Agprod | Предсказание | Ст. ошибка | 95% доверительный интервал |
|---|---|---|---|---|
| 2021 | не определено | 4026,57 | 44,7206 | (3938,92, 4114,23) |
| 2022 | не определено | 4150,41 | 87,1909 | (3979,52, 4321,30) |
| 2023 | не определено | 4274,24 | 114,911 | (4049,02, 4499,47) |
| 2024 | не определено | 4398,08 | 137,138 | (4129,29, 4666,86) |
| 2025 | не определено | 4521,91 | 156,234 | (4215,70, 4828,13) |

Прогноз натижаларига кўра 2025 йилга бориб мамлакатимизда етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзгармас нархлардаги қиймати 4521,9 миллиард сўмни ташкил қилади. Яъни бу дегани, 2020 йилга нисбатан 1,15 баробарга ошгани ҳолда йиллик ўртача ўсиш суръати 2,9 фоизни ташкил қилиши аниқланди. Мазкур прогноз натижаларини қанчалик даражада ишончли эканлигини ифодалаш мақсадида 1-расмда график шаклидаги кўринишини келтириб ўтдик. Унда ҳақиқий қийматлар билан модель асосида баҳоланган қийматларнинг бир бирига яқинлиги прогноз кўрсаткичларини ишончлилигини асослашга хизмат қилади.

Кейинги даврда чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, натижада нархларнинг кўтарилиши, бозорда беқарорликни келиб чиқиши каби жараёнлар маҳсулот истеъмолчилари ҳамда ишлаб чиқарувчилари учун таваккалчилик даражасини ошишига сабаб бўлмоқда. Натижада ушбу соҳа маҳсулотларини етиштиришнинг прогноз қийматларини ишлаб чиқишга бўлган талаб ошиб бормоқда. Бунинг учун ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели натижаларига эътибор қаратиб ўтамиз (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Чорвачилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели**

| | *Коэффициент* | *Ст. ошибка* | *z* | *P-значение* | |
|---|---|---|---|---|---|
| const | 67,8237 | 8,96225 | 7,568 | <0,0001 | *** |
| theta_1 | 0,428128 | 0,213818 | 2,002 | 0,0453 | ** |
| Среднее зав. перемен | 68,48856 | | Ст. откл. зав. перемен | 32,81406 | |
| Среднее инноваций | 0,537626 | | Ст. откл. инноваций | 28,45957 | |
| R-квадрат | 0,996418 | | Испр. R-квадрат | 0,996418 | |
| Лог. правдоподобие | −95,44970 | | Крит. Акаике | 196,8994 | |
| Крит. Шварца | 199,8866 | | Крит. Хеннана-Куинна | 197,4825 | |
| | | *Действительная часть* | *Мнимая часть* | *Модуль* | *Частота* |
| MA | | | | | |
| | Корень 1 | -2,3357 | 0,0000 | 2,3357 | 0,5000 |

Олинган барча натижалар моделнинг адекватлигини асосламоқда, хусусан Стьюдент мезонига кўра озод ҳаднинг ишончлилик даражаси 99 фоиз, тетта бир коэффициентнинг ишончлилик даражаси эса 95 фоиздан юқори бўлмоқда. Детерминация коэффициенти ҳам деярли бирга тенг бўлмоқда. Ушбу натижаларга таянган ҳолда мамлакатда чорвачилик

маҳсулотларини ҳам 2025 йилга қадар бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқдик (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Чорвачилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**

| Набл. | Livestock | Предсказание | Ст. ошибка | 95% доверительный интервал |
|---|---|---|---|---|
| 2021 | не определено | 2127,14 | 28,4596 | (2071,36, 2182,92) |
| 2022 | не определено | 2194,96 | 49,6173 | (2097,71, 2292,21) |
| 2023 | не определено | 2262,79 | 64,1389 | (2137,08, 2388,50) |
| 2024 | не определено | 2330,61 | 75,9324 | (2181,78, 2479,43) |
| 2025 | не определено | 2398,43 | 86,1259 | (2229,63, 2567,24) |

Натижаларга кўра чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми кейинги беш йилда 1,16 баробарга ошиши аниқланди. Мазкур натижага эришиш учун эса маҳсулот етиштиришнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 3,1 фоизни ташкил қилади. Ушбу соҳанинг келгуси даврда нисбатан юқори ўсишга эга бўлишининг муҳим омилларидан бири соҳа ривожини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган чора тадбирлар натижаси ҳисобланади. Хусусан чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, чорвачиликка ихтисослашган ҳудудларни ташкил қилиш, муҳим чорвачилик маҳсулотлари учун ўринбосар бўлган товарларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш кабилар шулар жумласидандир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги муҳим йўналиш сифатида қаралаётган деҳқончилик маҳсулотларини кейинги йилдаги прогноз қийматларини қуйида ишлаб чиқилган модель асосида қараб чиқамиз (5-жадвал). Жадвал маълумотларига кўра иккинчи коэффициентнинг адекватлиги 90 фоиз ишонч оралиғига тўғри келмоқда. Бироқ бошқа кўрсаткичларни юқори қиймати, 3-расмда келтириб ўтилган графикнинг модель асосида аниқланган кўрсаткичларни қанчалик даражада ҳақиқий қийматларга мослигини кўрсатиши ушбу моделдан прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинди.

**5-жадвал**

**Деҳқончилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели**

| | *Коэффициент* | *Ст. ошибка* | *z* | *P-значение* | |
|---|---|---|---|---|---|
| const | 58,8948 | 12,5424 | 4,696 | <0,0001 | *** |
| theta_1 | 0,366217 | 0,218326 | 1,677 | 0,0935 | * |
| Среднее зав. перемен | 59,69466 | | Ст. откл. зав. перемен | 44,67008 | |
| Среднее инноваций | 0,341035 | | Ст. откл. инноваций | 41,55610 | |
| R-квадрат | 0,988275 | | Испр. R-квадрат | 0,988275 | |
| Лог. правдоподобие | −102,9917 | | Крит. Акаике | 211,9833 | |
| Крит. Шварца | 214,9705 | | Крит. Хеннана-Куинна | 212,5664 | |
| | | *Действительная часть* | *Мнимая часть* | *Модуль* | *Частота* |
| A | | | | | |
| | Корень 1 | -2,7306 | 0,0000 | 2,7306 | 0,5000 |

Бевосита келтирилган модель асосида ишлаб чиқилган прогноз натижаларига

тўхталиб ўтадиган бўлсак, 2025 йилга бориб мамлакатда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг ўзгармас нархлардаги қиймати 2178,0 миллиард сўмни ташкил қилади.

**6-жадвал**

**Деҳқончилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**

| Набл. | Crop | Предсказание | Ст. ошибка | 95% доверительный интервал |
|---|---|---|---|---|
| 2021 | не определено | 1942,43 | 41,5561 | (1860,98, 2023,88) |
| 2022 | не определено | 2001,32 | 70,3581 | (1863,42, 2139,22) |
| 2023 | не определено | 2060,22 | 90,4081 | (1883,02, 2237,41) |
| 2024 | не определено | 2119,11 | 106,757 | (1909,87, 2328,35) |
| 2025 | не определено | 2178,01 | 120,915 | (1941,02, 2415,00) |

Яъни бошқача қилиб айтганда 1,15 баробарга ошиши таъминланади ва ўртача йиллик ўсиш суръати 2,9 фоизни ташкил қилади.

Умумий ҳисобда кейинги беш йилликда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини барқарор ўсиш суръатлари кузатилади. Фақат чорвачилик маҳсулотлари нисбатан юқори ўсиш суръатларига эга бўлади. Натижада жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 1,15 баробарга ошади.




**1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**



**2-расм. Чорвачилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**




**3-расм. Деҳқончилик маҳсулотини реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (0 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари**

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳукумат томонидан мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичларини янада ошириш мақсадида хўжалик юритиш шакллари фаолияти билан боғлиқ ҳолда бевосита қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ўзгариши амалга оширилди. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари кенгайиши билан бир қаторда ширкат хўжаликларида экин майдонларининг қисқариши кузатилди.

**Хулоса ва таклифлар**

Ҳисоблаш натижаларидан хулоса қилсак, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимияти органлари иқтисодий имкониятларни оширишга устувор аҳамият беришлари керак деган хулосага келиш мумкин. Бу ҳолатни физиологик меъёрга нисбатан юқори кўрсаткичда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-кувватлаб, кўрилган даромад асосида қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш зарур. Шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни рағбатлантириш, уни жадал ривожланиш йўлларига ўтказиш минтақа аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашнинг зарур шарти ҳисобланади. Барча ҳокимият ва корхоналар аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари  билан таъминлашда комплекс тадбирларини амалга оширганда, истеъмолнинг етарли даражада таъминланиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари иқтисодий мавжудлиги даражасига эришиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини самарали ва ишончли таъминлаш имкониятини яратиш учун хизмат қилади.

Таҳлилларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли ислоҳотларни амалга ошириб мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини самарали ва ишончли таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Республика экин майдонлар ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш;

мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш имконини берувчи замонавий технологияларга эга бўлган корхоналарни кўпайтириш;

мамлакат иқлим шароитидан келиб чиқиб экинларни суғоришда замонавий технологияларни қўллаш ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини янада ошириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

аҳолининг умумий даромадлари ва ички бозорлардаги нарх-наволари ўртасидаги мувозанатни сақлаб турувчи тизимни йўлга қўйиш;

ҳудудларда катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш қувватига эга бўлган омборларни кўпайтириш. Булар орқали ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақлаб, ички бозорлардаги нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1.Т.И.Мирзаева (2013). "Структурное эконометрическое моделирование и обоснование прогнозирования развития животноводства". Монография // Волгоград: ФГБОУ ВПО Волгоградский ГАУ, 132 стр.

2. С.С.Ғуломов, Д.С.Алматова "Минтақалар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг роли." // Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм). Т.: ТДАУ.- 2020 й., 5-февраль. 17-19 бет.

3. Phillips, Jennifer (2001). Forecast applications in agriculture: approaches, issues, and challenges. Vol. 13, No. 4, Secured Commercial Financing, pp. 300-307

4. P. Geoffrey (2013). "Economic forecasting in agriculture." International Journal of Forecasting 10: 81-135.

5. Ф.М.Фазилов (2008). Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш: Иқтисод фан. ном. дис. ...автореф.- Т.: ЖИДУ, 19-бет.

6. М.З.Мухитдинова (2019). Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш: таҳлил ва самара // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 2, 45-55 бетлар.

7. Н.Г.Пасюкова, А.С.Кукушкин (2011). Анализ потребительской корзины продуктов питания// Пищевая промышленность №8, Стр. 42-43.

8. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов (2015). "Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги". Ўқув қўлланма. Тошкент. 90-115 бетлар.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти расмий сайти. www.fao.org

"UzBridge" электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
18 – 23
САҲИФАЛАР

# ИССЛЕДОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ В ПРОЦЕССЕ РАЗВИТИЯ КОММУНИКАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ

**Салохожаева Фарангиз Амонхужаевна**
Ташкентский финансовый институт преподаватель
*E-mail:*furunguz-91@mail.ru
*Тел:+998913360848*

**Аннотация**

Данное исследование посвящено изучению влияния методики преподавателя и педагогических предпосылок на развитие коммуникативных компетенций студентов, В работе рассмотрены педагогические условия для развития языковых навыков студентов и совершенствования уровня компетентности педагога. В статье описана деятельность и качества участников образовательного процесса, необходимые для эффективной работы в условиях инновационной образовательной среды. В материале также рассмотрены психолого-педагогические условия формирования учебных установок, отношения между преподавателями и студентами: общие и дидактические условия, а также закономерности, которые являются устойчивыми звеньями образовательного процесса. Фокусировка направлена на педагогические и методологические аспекты, которые могут помочь или помешать развитию разговорных навыков студентов.

**Ключевые слова:** речевой навык, коммуникативная компетенция, педагогическая деятельность, образовательный процесс, методика преподавания.

**Аннотация**

Ушбу тадқиқот ўқитувчининг методологияси ва педагогик шартлар, ўқувчиларнинг коммуникатив компетенсияларини ривожлантиришга таъсирини ўрганишга бағишланган. Ишда ўқувчиларнинг тил кўникмаларини ривожлантириш ва ўқитувчининг малакаси даражасини оширишнинг педагогик шартлари ўрганилади. Мақолада инновацион таълим муҳитида самарали ишлаш учун зарур бўлган ўқув жараёни иштирокчиларининг фаолияти ва фазилатлари тасвирланган.

Материалда, иммунитет, тарбиявий муносабатларни даволашнинг тиббий-педагогик шароитлари, ўқитувчилар ва талабалар ўзаро муносабатлари: умумий ва дидактик шарт-шароитлар, шунингдек, таълим жараёнининг барқарор бўғинлари бўлган қонуниятлар. Асосий эътибор ўқувчиларнинг нутқларини ривожлантиришга ёрдам беради ёки тўғридан-тўғри педагогик ва услубий ўзгартиришга қаратилади.

**Калит сўзлар:** нутқ маҳорати, коммуникатив компетентсия, педагогик фаолият, ўқув жараёни, ўқитиш усуллари.

**Annotation**

This study is devoted to the study of the influence of the teacher's methodology and pedagogical prerequisites on the development of students 'communicative competencies. The work examines the pedagogical conditions for the development of students' language skills and improving the level of teacher competence. The article describes the activities and qualities of participants in the educational process, necessary for effective work in an innovative educational environment. The material also examines the psychological and pedagogical conditions for the formation of educational attitudes, the relationship between teachers and students: general and didactic conditions, as well as patterns that are stable links in the educational process. The focus is on pedagogical and methodological aspects that can help or hinder the development of students' speaking skills.

**Key words:** speech skill, communicative competence, pedagogical activity, educational process, teaching methods.

**Введение**

Изучение русского языка как второго и умение владеть им являются основными целями для многих студентов, которые используют этот язык для разных целей. Это исследование проводилось в трех высших образовательных учреждениях Ташкентской, Самаркандской и Бухарской области.

Между тем апробация результатов исследования в Самаркандском государственном медицинском институте и Бухарском государственном университете была осуществлена во втором семестре этого года.

Тематическое исследование было проведено с точки зрения участия в качественном исследовании. Для сбора данных преимущественно использовались такие инструменты, как интервью, аудиторные наблюдения.

Немногие студенты, поступившие в вуз, могут вести беседу или обсуждать интересующие их темы. Большинству первокурсников сложно поддерживать беседу и давать личную или конкретную информацию из-за недостаточного развития коммуникативных компетенций и разговорных навыков.

Возможно, студенты затрудняются выражать свое мнение перед своими партнерами из-за языкового барьера или из-за отсутствия достаточного знания грамматических структур, лексики и подходящего произношения, которое позволит им выстраивать связные речевые акты, учитывающие контекст и ситуацию, в которой происходит общение.

Есть много причин, по которым устное общение на иностранном языке может быть неудачным. Говорящий может не использовать правильную лексику, грамматику или функциональный язык для данной ситуации или может не иметь правильных культурных или контекстуальных знаний по теме разговора.

Эти и другие обстоятельства способствуют более сложному развитию разговорных навыков и коммуникативных компетенций на занятиях. Кроме того, для большинства студентов занятия по иностранному языку - единственный раз, когда можно познакомиться с изучаемым языком. Как уже упоминалось ранее, существуют различные факторы, которые могут повлиять на соответствующее развитие эффективного коммуникативного процесса студентов в высшем образовательном учреждении, где необходимы люди, которые могут общаться на русском языке свободно. Это требование времени, от которого зависит дальнейшее развитие страны в сфере экономики и туризма.

Есть еще один немаловажный аспект, при котором возникают ряд трудностей у студентов в развитии коммуникативных компетенций. Это связано с отсутствием начальной языковой базы, которая строится в процессе изучения русского языка в школе, где по окончанию изучаемой программы учащиеся должны уметь вести разговор на элементарные темы с партнером в учебном заведении.

**Обзор литературы**

Что касается изучения иностранного языка в раннем возрасте, некоторые авторы считают, что знакомство с иностранным языком в раннем возрасте улучшит произношение объекта и развитие языка личности.

В этом смысле Ояма (1982) заявляет: «Есть некоторый период развития, примерно от 18 месяцев до полового созревания, в течение которого можно освоить фонологию на хотя бы один неродной язык, после которого полное усвоение невозможно или крайне маловероятно» (стр. 21).

Хармер заявляет, что «овладение языком кажется почти гарантированным для детей до шести лет» (2007, с. 46). Он также заявляет, что в этом возрасте у человека есть необычайные способности изучать другие языки.

С другой стороны, Скарселла и Оксфорд (1992) отмечают, что возраст может влиять на обучение взрослых: беглость речи и приобретение некоторых функций, таких как интонация, ударение и другие фонологические характеристики не могут быть приобретены должным образом и могут привести к неэффективному устному общению.

Более того, Патковский (1990), основываясь на нескольких литературных исследованиях, утверждает, что «взрослые менее способны, чем дети, осваивать новые

формы произношения, потому что они прошли «критический» период языка, который определяется неврологическим созреванием или реорганизацией» (стр. 73).

Фледж (1981) утверждает, что между возрастом и снижением способности изучения языкового произношения другие предпосылки не имеют прочной основы для поддержки фонетической обучаемости детей и взрослых. Посередине этого возможного несоответствия между возрастными особенностями в обучении произношению, можно согласится с теми авторами, которые утверждают, что ранний возраст – это фундаментальное время для изучения основ хорошо структурированной системы изучения языка.

Данные утверждения не исключают того, что в осознанном возрасте человеку, знающему структуру своего родного языка, будет легче освоить новый язык, опираясь на уже знакомые грамматические схемы и аналогии.

**Методология исследования**

Методологическая основа исследования заключается в совокупности философских, психологических и педагогических положений ученых. Преимущественно проведен теоретический анализ литературы и научных работ по вопросу исследования, обработка, систематизация и представление данных.

При разработке этого исследования принципы качественного исследования принимались во внимание из-за натуралистической и описательной парадигмы, в которой это исследование проводилось. Качественное исследование показывает некоторые типы методов, такие как этнография, феноменология, обоснованная теория, тематическое исследование и историческое исследование.

В рамках данной статьи тематическое исследование было взято в качестве качественного исследовательского подхода для его проведения. В частности было использованы качественные интервью, основанные на открытых вопросах и предоставляющие качественные данные. Открытые вопросы дают несколько преимуществ в области исследования, поскольку они снижают напряженность в интервью, поощряют сотрудничество и устанавливают взаимопонимание между исследователем и интервьюируемым.

**Результаты исследования**

Результаты, полученные после изучения данных, собраны с помощью качественных инструментов, используемых в этом исследовании. Эти инструменты были разделены на шесть основных категорий: методология преподавателя, взаимодействие, языковые навыки, исправление ошибок, характеристики учащихся и материалы. Под каждой основной категорией сгруппированы несколько подкатегорий, используемых для анализа основных результатов, полученных с помощью инструментов, используемых для сбора данных.

Основная категория «методика преподавателя» относится к некоторым практикам, выполняемым педагогом в аудитории, которые характеризуют каждого и являются важными факторами для улучшения изучения языка и его устных навыков.

Категория «взаимодействие» относится к различным способам, которыми преподаватель и учащиесямогут воспользоваться, способствуя сотрудничеству со сверстниками.

Категория «языковые навыки» относится к навыкам, которые учащиеся должны проявлять в аудитории, чтобы получить желаемый уровень владения русским языком, который они должны иметь по окончании средней школы.

Категория «исправление ошибок» включает различные стратегии, которые преподаватель использует для исправления ошибки студентов, давая им возможность учиться на собственных ошибках. Категория «характеристики учащихся» включает в себя некоторые характеристики, которые определяют отношения и чувства учащихся.

Последняя категория «материалы» включает все ресурсы, которые преподаватели используют для улучшения процесса изучения языка учащимися и развития устных навыков.

После сбора данных с помощью использованных инструментов было определено следующее:

1. Некоторые методологические аспекты способствуют развитию коммуникативных компетенций и речевых навыков, некоторые напротив препятствуют их развитию.

1. Взаимодействие способствует совместному обучению.

2. Привлекательная педагогическая деятельность способствует участливости и активному взаимодействию.

3. Успешному освоению языковой программы высшего образовательного учреждения способствует качественный базовый уровень, получаемый в школе.

4. Наличие познавательных материалов облегчает процесс преподавания и изучения русского языка.

Анализ наблюдений, интервью студентов и преподавателей показал, что некоторые методические аспекты, используемые преподавателями, такие как чрезмерное использование традиционных методов обучения, преимущественное использование грамматических аспектов языка, дедуктивного метода, чтобы представить некоторые особенности языка, немногочисленные возможности для общение на русском языке, а также неиспользование учебных материалов или отсутствие учебных ресурсов могут препятствовать развитию коммуникативных компетенций и разговорных навыков среди студентов.

Использование доступных материалов и корректирующей обратной связи, а также индуктивного метода для ознакомления с языком предоставляет больше возможностей для общения и может способствовать развитию разговорных навыков на аудиторных занятиях.

Результаты также показали, что учащимся нравится выполнять увлекательные занятия, такие как прослушивание песен, просмотр фильмов, общение со своими партнерами и выполнение совместных действий, которые продвигают взаимодействие и командную работу.

Кроме того, по результатам было выявлено, что большинство участников исследования не владеют русским языком на достаточном уровне. Программа русского языка, изучаемая в школе, должна обеспечивать базовый уровень владения языком. Однако, слабая языковая подготовка студентов в школе не позволяет продолжить изучение русского языка по программе высших образовательных учреждений без дополнительных занятий.

Учитывая результаты данного исследования, преподавателям может быть полезно проводить некоторые занятия в качестве фасилитаторов обучения, обеспечивающим успешную групповую коммуникацию. При этом необходимо знать о некоторых методологических аспектах, которые способствуют развитию у студентов навыков владения русским языком, а также проработать план продвижения привлекательности мероприятий по исправлению ошибок и способы положительной обратной связи.

**Обсуждение результатов**

Данные исследования по вопросу влияния методики преподавателя и педагогических предпосылок на развитие коммуникативных компетенций и устного взаимодействия между студентами, а также определения педагогических условий для развития языковых навыков студентов и совершенствования уровня компетентности педагога были подняты на заседании кафедры «Узбекского и русского языков» Ташкентского финансового института и обсуждены профессорско-преподавательским составом.

Анализ полученных данных показал, что большинство методологических аспектов способствует развитию коммуникативных компетенций и разговорных навыков. Основываясь на результатах, можно утверждать, что несмотря на существующее множество недостатков, которые могут повлиять на процесс изучения русского языка, методология, используемая аудитории, может положительно повлиять на развитие коммуникативных компетенций и разговорных навыков среди учащихся.

Было также отмечено, что важным условием в формировании отношения к образовательному процессу служит индивидуализация и дифференциация занятий, которая подразумевает несколько этапов:

- обязательное первоначальное изучение уровня развития студентов, их психосоциальных и познавательных установок;
- распределение студентов по группам по схожим характеристикам (восприятие, понимание, память, мышление, обучение, отношение к обучению);
- разработка и формирование целей обучения в соответствии с особенностями развития каждой группы студентов;

- модификация и адаптация содержания, методов, процедур, формы обучения с учетом индивидуальных особенностей обучаемого, группы студентов;

- необходимо учитывать темпы обучения групп студентов со схожим уровнем развития и каждого по отдельности.

- создание и соблюдение психолого-педагогических условий для обучения студентов, положительного эмоционального фона межличностных отношений, постоянное стимулирование позитивного отношения к процессу обучения;

- постепенное усложнение учебной деятельности, связанное с достижением высоких результатов;

- обучение студентов навыкам обучения и самопознания, самооценки и регуляции познавательной деятельности;

- создание учебного блока и дифференцированного индивидуального пути развития для каждой группы и студента отдельно;

- возможность зачисления или перевода части студентов в группу с высоким показателем эффективности;

- применение модульных технологий в учебном процессе вуза;

- разработка критериев и показателей для мониторинга исследуемого процесса;

- постоянный диагноз успеха студентов, который входит в основу педагогического взаимодействия. Это обязательные меры профилактической деятельности, куда входит наблюдение и документирование, целевые опросы и при необходимости, стандартизованные процедуры, направленные на определение и развитие эмоциональных и социальных навыков обучаемых.

По результатам данного исследования, были выявлены важные аспекты, связанные с методологией педагога используемые в образовательном процессе. Последовательность образовательного процесса позволила учащимся расширить свои знания по изучаемой теме, обмениваться информацией со своими партнерами и педагогом, укрепить свои знания, проясняя возможные сомнения, которые у них могли возникнуть.

Использование индуктивного метода для ознакомления с языком дает учащимся возможность самостоятельно открывать значение слова и использовать некоторые языковые функции. Также стоит выделить использование учебных материалов, которые дают студентам возможность взаимодействовать со своими сверстниками, улучшая их устные навыки и коммуникативные компетенции.

**Заключение**

Проведенное исследование позволило определить насколько методологические аспекты и педагогические предпосылки, применяемые в образовательном процессе, могут способствовать или препятствовать развитию процесса устного взаимодействия учащихся и совершенствованию их коммуникативных компетенций. С полученными данными удалось прийти к следующим выводам.

К методологическим аспектам, которые могут помочь учащимся приобрести желаемый уровень русского языка и развить их коммуникативные компетенции можно отнести: разработку занятий и выбор материалов с опорой на фоновые знания и уже имеющийся языковой опыт студентов; предметное содержание занятий, ориентированное на близкий и понятный студентам контекст; развитие самостоятельности и организованности при изучении языка; применение доступных информационных технологий, способствующее снижению эмоционального давления; адаптация материалов курса в соответствии с нуждами и способностями студентов, а именно, использование визуальных вспомогательных пособий, упрощение инструктивного языка, добавление времени на выполнение задания, в случае необходимости и т. п., чтобы сделать процесс восприятия и порождения высказываний максимально простым.

У каждого учащегося свой подходящий способ обучения и восприятия, несмотря на то, что участники образовательного процесса могут быть из одной группы и одногоучебного заведения. У каждого из них разные интересы, потребности и недостатки. Преподаватели должны учитывать различия учащихся, чтобы предоставить им эффективный и адаптированный под их характеристики способ изученияиностранного языка.

**Список литературы:**

1. Андриенко, А.С. (2009). Развитие иноязычной профессиональной коммуникативной компетентности студентов в условиях применения новых информационных технологий обучения [Текст] / А.С.Андриенко // Известия Южного федерального университета. Технические науки. – 2009. – Т. 93, № 4. – С. 249–256.

2. http://www.t21.rgups.ru/archive/doc2008/4/02.doc

3. Жук О.Л. (2009). Педагогическая подготовка студентов: компетентностный подход. – Минск: РИВШ, 2009. – 336 с.

4. https://elib.bsu.by/bitstream//123456789/4981/4/Жук_педподготовка.pdf

5. Flege, J. (1981). The phonological basis of foreign accent: A hypothesis. TESOL. Quarterly, 15, 443-455.

6. Scarcella, R. & Oxford, R. (1992). The tapestry of language learning: The individual in the communicative classrrom. Boston, MA: Heinle & Heinle

7. Harmer, J. (2007). How to Teach English. Edinburgh: Pearson Education

8. Oyama, S. (1976). A sensitive period for the acquisition of a nonnative phonological system. Journal of Physcholinguistic Research, 5(3), 261-283. Retrieved from: http://dx.doi.org/10.1007/BF0106737

9. Patkowsky, M. (1990). Age and accent in a Second Language: A reply to James Emil Flege. Applied Linguistics, 11(1), 73-89. DOI: https://doi.org/10.1093/applin/11.1.73

"UzBridge" электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
24 – 28
САҲИФАЛАР

# INTEGRATION OF FLIPPED CLASSROOM TECHNOLOGY IN THE ENGLISH LANGUAGE TEACHING

**Khodjimatova (Fakhrutdinova) Albina Askarovna**
English lecturer
Westminster International University, Tashkent
Email: albina.fakhrutdinova@gmail.com
Address: 100047, Tashkent, Istiqbol st., 12

***Annotatsiya:*** *Zamonaviy dunyoda texnologiyaning faol rivojlanishi-fikrlash va ta'lim olish usullarini o'zgartirishga olib keldi. Maqolada "flipped classroom" yoki "o'girilgan sinf" deb nomlangan innovatsion usullardan biri muhokama qilinadi. "o'girilgan sinf" - bu darsda odatda o'rganiladigan barcha narsalarni (qoidalar, lug'at va boshqalar) o'quvchining o'zi, uy vazifasi shaklida o'rganadigan jarayon. Darsda ushbu material birlashtirilgan. Shu bilan birga, darslar faol, dialogik shaklda o'tkaziladi, bu esa kommunikativ kompetentsiyani oshirishga olib keladi. Flipped classroom yondashuvining afzalliklari talabalarni an'anaviy o'qitishdan uzoqlashishga undaydi. Maqola muallifi Toshkent Xalqaro Vestminster universitetida (TXVU) universitetgacha ta'lim (CPFS) dasturida ushbu uslubni amalga oshirish bo'yicha tadqiqot o'tkazdi. Tadqiqot natijalariga ko'ra ushbu texnologiyani joriy etish bo'yicha tavsiyalar berildi.*

***Kalit so'zlar:*** *o'girilgan sinf, innovatsion ta'lim, aralash ta'lim, kommunikativ yondashuv.*

***Аннотация:*** *Активное развитие технологий в современном мире привело к трансформации мышления и способов получения образования. В статье рассматривается одна из инновационных методик, получившая название «перевернутый класс». «Перевернутый класс» - представляет собой процесс, в рамках которого все, что обычно изучается на уроке (правила, лексика, и т.д.) изучается самим учеником самостоятельно, в виде домашнего задания. На уроке происходит закрепление этого материала. При этом занятия проходят в активной, диалогической форме, что приводит к повышению коммуникативной компетенции. Преимущества подхода «перевернутый класс» побуждают учащихся отходить от традиционного обучения. Автором статьи был проведен эксперимент по внедрению данной методики на курсе до университетского обучения (CPFS) в Международном Вестминстерском университете в Ташкенте (МВУТ). По результатам исследования были даны рекомендации по внедрению данной технологии.*

***Ключевые слова:*** *перевернутый класс, инновационное образование, смешанное обучение, коммуникативный подход.*

***Abstract:*** *The active development of technology in the modern world has led to a transformation of thinking and ways of obtaining education. The article discusses one of the innovative techniques called "flipped classroom". "Flipped classroom" is a process in which the material that is usually covered in the classroom (rules, vocabulary, etc.) is given as a homework assignment and studied by the learner independently. This material is consolidated in the lesson. At the same time, the lessons are held in an active, dialogical form, which leads to the improvement of communicative competence. The benefits of "flipped classroom" approach encourage students to move away from traditional learning. The author of the article conducted an experiment on the integration of this methodology at the Course in Pre-Foundation Studies (CPFS) at Westminster International University in Tashkent (WIUT). Based on the results of the study, recommendations were made to intensify this technology.*

***Keywords:*** *flipped classroom, innovative education, blended learning, communicative approach.*

**Introduction**

In the past two decades, one can state large-scale transformations that have covered literally all spheres of life, including education. On the one hand, developing technologies have created unique conditions for the implementation of various forms of education that were not previously available. It is worth mentioning, for example, the emergence and dissemination of programs such as Power Point, which can be used to demonstrate illustrative material with much greater efficiency than previously, or the emergence of a unique form of distance education, which has expanded access to education for the general population.

On the other hand, these technological innovations have led to a change in the very approach to education, the worldview in general, and ways of thinking. In particular, with regard to the study of foreign languages, one can cite as an example the spread of the communication approach as opposed to the previously dominant grammatical one. In the same channel of transformations, there is also a change in the role of the student and the teacher. Previously, in fact, the monologic teaching method dominated, in which the teacher has the main role, and dictates the rules of learning to the students, while the students play a secondary, passive role. Within the framework of the modern teaching paradigm, the dialogical essence of teaching is being introduced more often, in which the student and the teacher are equal. According to the latest methods, the student should be interested in the learning process and take an active part. This influences the formation of student motivation, and, therefore, leads to better learning outcomes.

At the same time, this new paradigm of education transforms the modern system of education in accordance with the latest technological innovations, which are interrelated processes. All this has led to the emergence of new teaching methods, among which the most interesting one is the "flipped classroom". "Flipped classroom" is a process in which everything that is usually studied in the classroom is covered by the pupil autonomously as a part of a homework assignment. This material is revised in the lesson. At the same time, the lessons themselves take place in an active, dialogical form, which leads to the improvement of communicative competence. Updating the implementation of the methodology "flipped classroom", therefore, consists in its advantages over traditional teaching.

The novelty of this topic is that currently in Uzbekistan this technique is used extremely rarely despite its obvious advantages.

The purpose of this article is to identify the specifics of the implementation of the "flipped classroom" technology in English classes at pre-university department. To identify barriers and resources for the implementation of this technique, the author conducted an experiment. 43 high school students took part in it.

**Review of Literature**

The appearance of the flipped classroom technique is usually referred to 2007, when American chemistry teachers from Colorado J. Bergman and A. Sams began recording live lessons and broadcasting them online for pupils who missed classes for various reasons. The essence of flipped classroom is that the student must be prepared for a new topic before the lesson begins. During the lessons, the student consolidates the knowledge he/she has already acquired on his/her own earlier.

Due to its recent existence, large-scale studies of the flipped classroom have not yet been carried out. The overwhelming majority of existing works on this topic are small articles that consider the methodology in some of its parts, and not as a whole. This approach has to be considered because, one way or another, this technology must be adapted to the capabilities of specific classes. At the same time, it makes it difficult to generalize the topic as a whole. In Uzbek practice, unfortunately, this technology is almost never used, and, accordingly, is not studied, so the author relied on the works of foreign authors.

A relatively voluminous study is the work of J. Bishop and M. Verleger. They focus on such an aspect as the interactivity of classes, and consider it necessary to use not ordinary lessons, but lessons-modules for the best implementation of the methodology [Bishop, Verleger, 2012, p. 71]. B. Mull holds the same opinion, adding podcasts and studying scientific articles online to useful tools [Mull, 2013].

On the contrary, N. Milman believes that the main attention should be paid not to online classes, but to face-to-face classes so that the technology is really effective. In particular, he is sure that offline classes should be conducted not through a simple "roll call", but in a discussion mode [Milman, 2012].

Finally, N. Hamdan and his co-authors believe that the flipped classroom technique itself cannot be the main one, but should only be auxiliary and in no case replace classes in the classroom [Hamdan, McKnight, McKnight, Arfstrom, 2013].

Thus, three directions can be seen in the flipped classroom research: in one of them, the emphasis is on online classes, in the second - on face-to-face classes. Scientists belonging to the third direction believe that it is too early to refer "flipped classroom" into a separate technology, and it can only be considered as an aid for offline classes

**Discussion**

In general, flipped classroom implies a methodology in which theoretical material on a new topic is recorded by the teacher in the form of a video. Students watch this video online and learn the rules and vocabulary on a new topic on their own [Sleptereva, 2018]. Practical tasks on the studied material are done in the classroom during the lesson. In other words, homework tasks become a classroom assignment, and the material usually done in class, on the contrary, is done at home. That is why the technology was called "flipped" [Gladkih, 2018]. While working on the topic at home, students can prepare questions if they do not understand something in the rules. Accordingly, group work on finding answers to these questions is welcome in the classroom.

However, these are external manifestations of the implementation of this technology, and it is worth paying attention to its essence: flipped classroom is an approach that shifts responsibility for learning from the teacher to the student. Learning, therefore, focuses on the student, and the teacher plays a guiding role in the classroom [Kuliyeva, 2019]. This radically changes the whole essence of learning in the classroom, as the students become more active and independent. In fact, it can be called autonomous learning since the teacher acts rather not as a teacher in the classical sense of the word, but as a consultant and moderator of discussions in the classroom. That is why one can agree with those scientists who believe that discussion work in the classroom is a priority: interactive activity is extremely important for self-improvement.

To prepare lessons within the "flipped classroom" technology, the teacher can use different technological tools: Power Point, YouTube, learning management systems, etc. In recent years, special educational programs and platforms have also become widespread. One of them is Google Classroom.

As was mentioned earlier, the flipped classroom methodology can and should be modified depending on the capabilities and needs of each specific class. But, these modifications may concern only individual details (the number of online lessons, the specifics of choosing topics, the provision of video materials, etc.). In general, the scheme is the same for all classes: students watch training materials (video or presentation) before each lesson, then, the lesson begins with short questions and answers. Then the students begin to perform exercises to consolidate the learned material [Kuznetsova, 2019].

The main advantage of the flipped classroom is an increase in the time spent on interactivity – the more it is, the more students acquire communicative competence. An additional advantage is that the teacher can spend more time on working individually with each student. Table 1 shows a comparative analysis of the lesson outline using traditional technology and the flipped classroom method.

*Table 1.Comparative analysis of the lesson outline using traditional technology and the "flipped classroom" method.*

| Traditional technique | Time | Flipped classroom | Time |
|---|---|---|---|
| Warm up | 5 min | Warm up | 5 min |
| Checking homework from the previous lesson | 10 min | Answering the questions | 10 min |
| Learning a new topic | 10 min | - | - |
| Exercises | 20 min | Exercises | 30 min |

In addition, a significant advantage is also the access to educational materials on a particular topic at any time convenient for a student. This gives huge opportunities to study remotely considering individual capabilities: each student has his/her own speed to integrate new material into prior knowledge.

However, the flipped classroom technique is not always perceived positively by modern methodologists. There are some negative sides: inability of students to immediately readjust to a new learning model, leading to drop in the level of knowledge; lack of computers, programs; lack of special technological knowledge among teachers, as a result of which they cannot prepare good learning materials [Herreid, Schiller, 2013; Kordyban, Kinash, 2013].

**Analysis and Results**

To test the flipped classroom technology, an empirical study was conducted among BEAP 1(Basics of English for Academic Purposes) students at the Course in Pre-Foundation Studies (CPFS) at WIUT. The following methods were used: testing and statistical analysis. To conduct the research, several lessons were developed and then recorded in the form of a video and distributed using the WIUT Learning Board (Learning Management System). The purpose of the study was to identify barriers and resources of this methodology in real teaching practice. The research hypothesis was based on the assumption of a significant difference between the average scores obtained by students of both experimental groups in English post-tests in favor of a group taught by using flipped classroom technology. Two groups took part in the experiment: control and experimental. One group consisted of 23 students, the second of 20 students. The first group was taught traditionally, the second group was engaged in flipped classroom technology. Both classes did not differ from each other in academic performance.

Table 2 shows the results of the study for both groups.

*Table 2. Comparison of the results of the control and experimental groups*.

| Group | Average score |
|---|---|
| Control (traditional method) | 3,8 |
| Experimental (technology flipped classroom) | 4,3 |

Although the results of the experimental group are higher than the control group, however, this cannot be called a significant difference. Perhaps this is due to the short period of the experiment as the students simply did not have time to get used to the flipped classroom technology.

In addition, we also conducted a small survey among the students of the experimental group. We have developed a separate questionnaire to clarify the attitude to this method of study. The results of the survey are presented in Table 3.

*Table 3. Survey on attutide towards Flipped Classroom*

| Indicator | Number of responses, % |
|---|---|
| **Homework** | |
| The video lessons were useful for my learning | 41 |
| This form of training prompted me to learn more | 64 |
| Flipped classroom allowed me not to depend on classmates, and to learn at my own speed | 13 |

In addition, the following difficulties were listed by the students:

1) frequent appeal to parents to explain incomprehensible parts;

2) difficult search for additional materials – it is unclear what can be taken and what has no value for learning;

3) increase in learning time, sometimes significant.

**Conclusions and Recommendation**

The purpose of the experiment is to introduce the flipped classroom methodology into the practice at pre-university level and to identify barriers and resources of this methodology in

the context of a particular class to make general conclusions. Based on the results of the experiment, the following positive results were identified: increased learning independence, improved communication competence while working in the classroom. However, an increase in independence cannot be the result since this result is only a means not a goal. The goal in this case is to increase motivation to learn. But in the case of increasing motivation, negative results were identified: motivation decreased because, firstly, the students were not able to independently search for the necessary additional educational materials, and secondly, as a result, the time for homework completion significantly increased.

An unexpected positive result was an increase in the effectiveness of group work and the establishment of social interaction in the classroom. Students, in search of the relevant learning material, had to exchange links and materials, which by the very fact encouraged passive classmates to communicate with each other.

To conclude, the controversial positive results of the experiment carried out should in no way lead to a refusal to implement the flipped classroom technique. Obviously, the students are simply not used to the new teaching method due to the short study period. In other words, the experiment should be continued to make final conclusions.

**References**

1. Гладких Д.С. Использование технологии flipped classroom при обучении иноязычной письменной речи в старшей школе // Проблемы романо-германской филологии, педагогики и методики преподавания иностранных языков. 2018. № 14. С. 118-123.

2. Кузнецова М.А. Модель «flipped classroom» как способ обучения иностранным языкам // Студент года 2019: сборник статей Международного научно-исследовательского конкурса. 2019. С. 237-242.

3. Кулиева О.Н. Перевёрнутая классная комната (flipped classroom) как учебная стратегия смешанного обучения // Роль университетского образования и науки в современном обществе: материалы международной научной конференции. 2019. С. 363-369.

4. Слептерёва А.С. «Flipped classroom»: опыт использования педагогической технологии на уроках английского языка // Приоритеты педагогики и современного образования: сборник статей III Международной научно-практической конференции. 2018. С. 40-42.

5. Bishop J. L., Verleger M. A. The Flipped Classroom: A Survey of the Research. 120th ASEE Annual Conference & Exposition. Atlanta: GA, 2013.

6. Google Classroom. https://classroom.google.com/h

7. Hamdan N., McKnight P., McKnight K., Arfstrom K. A review of flipped learning. 2013. http://flippedlearning.org/cms/lib07/VA01923112/

8. Herreid C. F., Schiller N. A. Case Studies and the Flipped Classroom. Journal of College Science Teaching, 2013. 42(5), 62-66.

9. Kordyban R., Kinash S. No more flying on auto pilot: The flipped classroom. Education Technology Solutions, 2013. 56, 54-56.

UzBridge
“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
29 – 37
САҲИФАЛАР

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИККА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНДЕКСЛАРНИНГ ТАЪСИРИ
## (ривожланган давлатлар тажрибаси)

**Бекмуродова Гавҳар Адҳам қизи**
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси*
Email: gavharitta@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштирокини таъминлашнинг назарий ва амалий ҳамда методологик асослари ёритилиб берилган. Шунингдек, Сингапур ва Швеция давлатларининг иқтисодий индекслардаги кўрсаткичларининг ушбу мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми ва жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларига таъсири ўрганилган ҳолда тегишли хулосалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестициявий жозибадорлик, ялпи ички маҳсулот, глобал иқтисодий индекслар, инвестиция қарорлари.

**Аннотация.** В статье описаны теоретические, практические и методологические основы обеспечения участия стран в международных экономических показателях. В нем также делаются соответствующие выводы на основе изучения влияния экономических индексов Сингапура и Швеции на ВВП и прямые иностранные инвестиции.

**Ключевые слова:** инвестиции, прямые иностранные инвестиции, инвестиционная привлекательность, валовой внутренний продукт, мировые экономические показатели, инвестиционные решения.

**Abstract.** The article describes the theoretical, practical and methodological basis for ensuring the participation of countries in international economic indices. It also draws relevant conclusions by examining the impact of Singapore and Sweden's economic indexes on GDP and foreign direct investment.

**Key words:** investment, foreign direct investment, investment attractiveness, gross domestic product, global economic indices, investment decisions.

**Кириш**

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш йўлида амалга ошираётган ислоҳотларда ҳамда белгиланаётган стратегик режаларда мамлакатнинг инвестициявий муҳит жозибадорлигини оширишга қаратилган масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сабаби, бизга маълумки, дунё мамлакатлари ичида ҳеч бир давлат ўз иқтисодиётини инвестицияларсиз, шу жумладан хорижий инвестицияларсиз ривожлантириш имкониятига эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам барча давлатларда, айниқса ривожланаётган давлатларда инвестициявий муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда унинг жозибадорлик кўрсаткичларини дунё ҳамжамиятига намоён этиш, жоиз бўлса кўз-кўз қилиш орқали самарали инвестицион лойиҳаларни ишончли ва барқарор маблағлар манбалари ҳисобига молиялаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш масаласи давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда уни баҳолаш бевосита халқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари томонидан юритиладиган халқаро иқтисодий индексларга боғлиқдир.

Шу сабабли, биз мамлакат ёки ҳар қандай минтақадаги инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлигини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар юзасидан тадқиқотларни чуқур ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатлар иқтисодий ўсиши ва самарали инвестициявий фаолиятини таъминлашига уларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштироки ҳамда эришилган кўрсаткичлари таъсирининг ривожланган давлатлар амалиётини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Чунки, мазкур таҳлиллар асосида мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичларини ижобий тенденциясига эришиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий янгилик ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев (2016) миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили ҳақида тўхталиб: "Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган" деб таъкидлаганлар.

Етакчи иқтисодчи олимлардан бири А.Ш.Бекмуродов (2018) хорижий инвестицияларнинг хусусиятлари, уларнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда инвестиция муҳити ҳақида тўхталиб: "Жаҳондаги аксарият мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун маълум даражада рақобат курашини амалга ошириб, бунинг учун қулай ва рақобатбардош инвестиция муҳитини шакллантиради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат ички молия ресурслари чекланганлиги шароитида ҳар бир мамлакат учун муҳим қўшимча капитал манбаи, балки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур инновациялар, янги техника ва технологиялар, билимлар, ўқув ва компетенцияларнинг ҳам ишончли манбаи ҳисобланади" дея таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Нарбаева (2020) таъкидлашича, халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолашда иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган воситадир. Улар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат мезони сифатида қўлланиб келинади дея ўз фикрини билдирган.

Олиманинг фикрларидан, халқаро рейтинг ва индекслар мамлакатларнинг ривожланиш жараёнида ундаги институтлар сифатини баҳолашнинг глобал даражада тан олинган воситаси деган хулоса келиб чиқади. Қолаверса, ҳақиқатдан ҳам халқаро рейтинг ва индекслар давлат даражасида амалга ошириладиган ислоҳотлар ва сиёсатни белгилашда маёқ сифатида қаралади.

Бунга сабаб агарда мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги иштироки кўлами кенгайса ҳамда улардаги кўрсаткичлари ва ўрни қанчалик яхшиланса, ушбу мамлакатда давлат томонидан ҳам хусусий сектор томонидан ҳам жалб қилинадиган хорижий сармояларнинг устама ҳақлари ва шартлари шунчалик даражада енгиллашади.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги ҳолатни келтириш мумкин: 2020 йилда дунёдаги COVID-19 глобал пандемияси даврида Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги томонидан чоп этилган ҳисоботига кўра 2019 йилда илк бор олинган BB-даражада (эмитент тўлов қобилиятига эга, аммо ноқулай иқтисодий шароитлар тўловларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин) сақлаб қолинганлиги[1] сабабли, Молия вазирлиги томонидан 555 миллион долларга евробонд орқали 10 йил муддатга 3,7 фоиздан қарз жалб қилинган. Ваҳоланки 2019 йилда эса 5 фоиздан баланд бўлган ҳолда 500 миллионлик облигация сотиш эвазига қарз олинган.

Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоров (2020) ушбу ҳолатга "Рейтинг бу ким учундир эмас. Рейтингда кўтарилдик, дегани бизнинг одамларга, тадбиркорларга осон дегани. Рейтингни қиймати бор. Агар 500 миллион долларга нисбатан фоизимиз ўтган йил 1,5 фоиз камайган бўлса, бир йил нуқтаи назардан ҳисоблаб оламиз: 1,5 фоиз 500 миллион доллардан қанча бўлишини" дея фикрларини билдирган.

---

[1] Изоҳ: "Fitch Rating" халқаро рейтинг агентлиги 2020 йилда март ойидан бошлаб қайта кўриб чиқилган мамлакатлар бўйича ҳисоботларида уларнинг 65 фоизидан ортиғининг рейтинг кўрсаткич баҳоларини пасайтирган.

Иқтисодчи халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг иштироки ва ундаги ўрни ҳамда даражасининг амалий аҳамиятини ҳаётий рақамлар билан кўрсатиб берган. Бу ҳолат мамлакат инвестиция муҳитининг инвестициявий жозибадорлигини оширишга ва унга тааллуқли ислоҳотларни амалга оширилишида ҳамда жалб қилинадиган сармояларнинг сифати салмоғига халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларнинг таъсир механизми сифатида ифодаланади.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичларини ижобий тенденциясига эришиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий янгилик ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умум иқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг давлатларни халқаро иқтисодий индекслардаги иштироки ва мамлакат иқтисодий ўсиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умум иқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Тадқиқотда хорижий давлатларда иқтисодий ўсиш ва инвестицион жозибадорликка халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичларнинг таъсирини таҳлил этиш учун IMD Жаҳон рақобатбардошлик рейтингининг 2020 йилги ҳисоботидан фойдаланиб арифметик прогрессия бўйича танлама асосида (рейтингда мос равишда 1 ва 6-ўринлардаги) хорижий давлатларни (Сингапур ва Швеция) танлаб олдик.

Шунга кўра таҳлилимизда биз биринчи бўлиб, дунёнинг кўпмиллатли шаҳар-давлати ва жаҳон молиявий марказларидан бири бўлган Сингапур давлатининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ушбу давлатнинг халқаро иқтисодий индекслардаги ўрни ва баҳолари ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганиб тегишли хулосалар шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Сингапур 1965 йилда мустақилликни қўлга киритган бўлиб, XX асрнинг 2-ярим йиллиги бошларида Африкадаги қашшоқ давлатлар қаторида қаралган. Аммо сўнгги 50 йил ичида пухта ўйланган ривожланиш стратегияси асосида жадал ўсиш суръатларига эришди. Ушбу натижага эришишда турли омиллар таъсири бор бўлиб, улардан асосийларидан бири бу сиёсий билим ва маҳоратга асосланган етук бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган етакчи сиёсий арбоб ҳисобланган Ли Куан Ю шахсидир. Унинг мамлакатда қилган ислоҳотлари натижасида Сингапур бугун дунёнинг энг ривожланган давлатларидан биридир.

1-жадвал маълумотларида Сингапур давлатининг ялпи ички маҳсулоти, жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ҳамда халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган.

**1-жадвал**

**Сингапур давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ, ТТХИ ва халқаро иқтисодий индеклар бўйича кўрсаткичлари[2]**

| Кўрсаткичлар номи | 010 | 011 | 012 | 013 | 014 | 015 | 016 | 017 | 018 | 019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| IMD World Competitiveness ranking | | | | | | | | | | | 1 |
| The Global Competitiveness Index | | | | | | | | | | | 1 |

[2] Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Fragile States Index | 60 | 57 | 58 | 58 | 58 | 59 | 61 | 61 | 61 | 62 | 162 |
| DOING BUSINESS | | | | | | | | | | | 2 |
| The Kearney FDI Confidence Index | 4 | | | 0 | | 5 | 0 | 0 | 2 | 0 | 12 |
| OECD FDI Regulatory Restrictiveness Index | | | | | | | | | ,048 | ,059 | 0,059 |
| GDP (млрд. АҚШ дол) | 39,8 | 79,4 | 95,1 | 07,6 | 14,9 | 08 | 18,8 | 43,3 | 76 | 74,4 | 340 |
| FDI, net inflows (млрд. АҚШ дол) | 5,3 | 9,2 | 5,3 | 4,4 | 8,7 | 9,8 | 7,9 | 00,8 | 3,1 | 20,4 | - |

Ушбу давлатнинг халқаро иқтисодий индекслардаги ўрни доимо юқори эканлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек мамлакатнинг IMD Жаҳон рақобатбардошлик рейтинги бўйича 2010-2020 йиллардаги кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, 2010 йилдаги 1-ўриндан 2011 йилда 3-ўринга тушган бир пайтда ТТХИлар ҳажми мос даврларда 55,3 млрд доллардан 49,2 млрд долларга камайган бўлса, 2018 йилдаги 3-ўриндан 2019 йилда 1-ўринга кўтарилган даврда ТТХИлар ҳажми эса 83,1 млрд доллардан 120,4 миллиард долларга ошган. Шунга ўхшаш ҳолатни Глобал рақобатбардошлик индексидаги кўрсаткичлар динамикасида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, юқорида қайд этилган иккита халқаро иқтисодий индекслар бўйича Сингапур давлатининг кўрсаткичлари мазкур давлатга жалб қилинган ТТХИлар ҳажмига тўғри пропорционал равишда таъсир кўрсатади деган хулоса қилиш мумкин.

Жадвал маълумотларидан Бизнесни юритиш индекси бўйича Сингапур давлатининг кўрсаткичлари 2010-2016 йилларда 1-ўринда бўлган бўлса, 2017-2020 йилларда эса 2-ўринга тушганлигини кўриш мумкин. Аммо мамлакатда 2017-2020 йилги ЯИМ ва ТТХИлар ҳажми 2010-2016 йилларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бундан кўринадики, Бизнесни юритиш индекси бўйича кўрсаткичларнинг ушбу мамлакатдаги ЯИМ ва ТТХИлар ҳажмига таъсирининг аҳамиятлилик даражаси пастроқ.




**1-расм. 2010-2020 йилларда Сингапур давлатининг ЯИМ ҳажми ва ТТХИларнинг ЯИМга нисбати[3]**

1-расм маълумотларида Сингапур давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ ҳажми ва мамлакатга жалб қилинган ТТХИларнинг ЯИМга нисбатан фоиздаги кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, ушбу давлатда ТТХИларнинг ҳажмининг мамлакат ЯИМга нисбати ўртача 22-25 фоизни ташкил этмоқда. 2019 йилда эса мазкур кўрсаткич 32 фоизгача кўтарилганини кўриш мумкин. Таққослаш учун, у одатда дунё бўйича ялпи ички маҳсулот

[3] Жаҳон банкининг интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

билан ўлчанадиган иқтисодиёт ҳажмининг 2-3 фоизини ташкил қилса, 2019 йилда эса дунё бўйича ушбу нисбатнинг ўртача кўрсаткичи 1,95 фоизни ташкил этган[4]. Экспертлар фикрича, агар мамлакат ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 5-6 фоизидан ошадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қиладиган бўлса, бу мамлакат учун катта муваффақият ҳисобланади.

Сингапурда эса ушбу кўрсаткич ижобий ҳолат даражасидан ҳам 4-5 марта кўпни ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида, бевосита мамлакатда тадбиркорлик учун яратилган инвестиция муҳитининг қулайлиги ва унинг жозибадорлик даражасининг юқорилиги билан бир қаторда ушбу шароитга халқаро иқтисодий рейтинглар томонидан берилаётган баҳолар билан боғлиқ.

Юқорида биз жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бири бўлган Сингапур давлати бўйича тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, унинг баъзи иқтисодий кўрсаткичлари ва халқаро иқтисодий индексардаги кўрсаткичларига асосан таҳлилларни амалга оширган бўлсак, навбатда Швеция давлатининг маълумотларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Навбатдаги жадвалда тадқиқот объектларидан бири сифатидаги Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги таҳлил учун керакли бўлган маълумотлари келтирилган.

**2-жадвал**

**Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ, ТТХИ ва халқаро иқтисодий индеклар бўйича кўрсаткичлари[5]**

| Кўрсаткичлар номи | 010 | 011 | 012 | 013 | 014 | 015 | 016 | 017 | 018 | 019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| IMD World Competitiveness ranking | | | | | | | | | | | 6 |
| The Global Competitiveness Index | | | | | | 0 | | | | | 8 |
| Fragile States Index | 75 | 75 | 77 | 77 | 77 | 77 | 71 | 74 | 70 | 70 | 172 |
| DOING BUSINESS | 8 | 4 | 4 | 3 | 4 | 1 | | | 0 | 2 | 10 |
| The Kearney FDI Confidence Index | | | | | 6 | 8 | 2 | 5 | 4 | 5 | 15 |
| OECD FDI Regulatory Restrictiveness Index | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | ,059 | 0,059 |
| GDP (млрд. АҚШ дол) | 95,8 | 74,1 | 52,5 | 86,8 | 82 | 05 | 15,7 | 41 | 55,5 | 31,3 | 537,6 |
| FDI,net inflows(млрд. АҚШ дол) | ,6 | ,0 | ,3 | ,3 | 8,6 | 0,3 | 5,6 | 8,0 | 1,0 | 6,6 | - |

2-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, Швеция давлатининг келтирилган глобал индекс ва рейтинглардаги ўрни топ-10 ёки топ-15 таликда эканлиги кўринади. ЯИМ ҳажми эса майдони 450 минг км квадратни ташкил этадиган ва аҳоли сони 10,4 миллионга яқин бўлган давлат учун 2020 йилда 537,6 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, аҳоли жон бошига қарийб 52 минг АҚШ долларига тўғри келмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиёти дунёдаги барқарор ва рақобатбардош миллий иқтисодиётлардан бири эканлигини кўрсатади. Швеция иқтисодиётининг ривожланганлиги унинг экспортга йўналтирилганлиги билан ҳам изоҳланади. Унинг асосий бойликлари ёғоч,

[4] https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD

[5] Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

гидроэнергетика ва темир рудалари ҳисобланади. Хомашё ва қайта ишланган хом ашё Швеция экспортининг катта қисмини ташкил қилади. Лекин ахборот технологиялари ва биотиббиёт каби илм талаб қиладиган тармоқларнинг иқтисодиётдаги улуши ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб, мамлакатда замонавий инфратузилма, мукаммал ички ва ташқи алоқа ҳамда юқори малакали ишчи кучини етарли даражада шакллаланганлигидир.

XX асрнинг бир неча ўн йиллари давомида Швеция қашшоқ аграр мамлакатдан энг бой ва энг ривожланган саноат кучларига айланишида ички бозор салоҳиятининг кичиклиги йирик швед компаниялари фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун экспортга йўналтирилган бўлиши керак эди. Бу вазиятдаги эрта глобаллашув швед компанияларига халқаро рақобатда устунлик берди. Натижада, Швеция аҳоли сонига мутаносиб равишда йирик трансмиллий компаниялар ва Volvo, Scania, Saab, Erickson, AstraZeneca, Electrolux, Ikea, Hennes and Mauritz, Hasselblad ҳамда Systemair каби таниқли брендлар сони бўйича жуда юқори кўрсаткичларга эришди.

Юқоридаги каби вазиятларда самарали иқтисодий сиёсат юритиш асосида амалга оширилган ислоҳотлар ҳисобига Швеция бугунги кунда диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётга эга бўлди. Бутунжаҳон иқтисодий форуми Швецияни дунёнинг энг рақобатбардош 10 мамлакати қаторига киритди. 2019 йилги Глобал рақобатбардошлик индекси ҳисоботида шундай дейилган: «Швеция, Дания ва Финляндия нафақат дунёдаги энг илғор технологик, инновацион ва динамик иқтисодиётга айланди, балки улар, шунингдек, яхшироқ яшаш шароитлари ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаган ҳамда рақобатбардошлик даражаси бошқа мамлакатларга қараганда анча бирлашган ва бардошлидир»[6].

Шунингдек, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Швеция бизнес юритишнинг энг осон мамлакатларидан биридир. Швеция иқтисодиётининг асосий хусусияти савдо ва бизнесга очиқлиги ҳамда эркин ёндашувидир. Швеция анъанавий равишда экспортга йўналтирилган мамлакат бўлиб келган. У савдо балансининг профицитини таъминлашга интилади, яъни Швециядан экспорт қилинадиган товар ва хизматлар қиймати Швецияга импорт қийматидан ошади. GlobalEDGE[7] маълумотларига кўра[8], Швеция давлатининг 2019 йилги экспорт ҳажми 160,1 млрд АҚШ долларини, импорт ҳажми 158,9 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу давлатнинг экспорти 155,4 млрд АҚШ долларни, импорти эса 149,2 млрд АҚШ долларни ташкил этган.

**3-жадвал**

**Швеция давлатининг 2020 йилда жаҳон мамлакатлари билан амалга оширган экспорт ва импорт ҳажми[9]**

| Экспорт бўйича | | | | Импорт бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Давлатлар номи | Экспорт ҳажми (млрд АҚШ дол.) | Умумий экспортдаги улуши (фоизда) | № | Давлатлар номи | Импорт ҳажми | Умумий импортдаги улуши |
| 1 | Норвегия | 16,4 | 10,5 | 1 | Германия | 27,0 | 18,2 |
| 2 | Германия | 16,1 | 10,4 | 2 | Голландия | 14,6 | 9,77 |
| 3 | АҚШ | 12,6 | 8,14 | 3 | Норвегия | 13,4 | 9,0 |
| 4 | Дания | 11,7 | 7,55 | 4 | Дания | 10,1 | 6,79 |
| 5 | Финландия | 10,9 | 7 | 5 | Хитой | 9,26 | 6,18 |
| 6 | Хитой | 8,48 | 5,45 | 6 | Польша | 7,06 | 4,71 |
| 7 | Голландия | 7,95 | 5,11 | 7 | Финландия | 7,0 | 4,67 |
| 8 | Буюк Британия | 7,82 | 5,02 | 8 | Бельгия | 6,52 | 4,35 |
| 9 | Франция | 6,24 | 4,01 | 9 | Буюк Британия | 6,34 | 4,23 |

---

[6] Бутунжаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича 2019 йилги ҳисоботи.

[7] Мичиган штати университети қошидаги Халқаро бизнес маркази ва Eli Broad Business коллежи томонидан яратилган globalEDGE – бу бутун дунё бўйлаб халқаро бизнес мутахассисларини глобал бизнес фаолияти ҳақидаги кўплаб маълумотлар, тушунчалар ва ўқув манбалари билан боғлайдиган веб-портали.

[8] https://globaledge.msu.edu/countries/sweden/tradestats.

[9] Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди (https://trendeconomy. com/data/ h2/Sweden/TOTAL)

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 10 | Бельгия | 5,4 | 3,47 | 10 | Франция | 5,68 | 3,79 |
| | ***Топ 10*** | ***103,59*** | ***66,65*** | | ***Топ 10*** | ***106,96*** | ***71,69*** |
| ***11*** | ***Бошқа давлатлар*** | ***51,83*** | ***33,35*** | ***11*** | ***Бошқа давлатлар*** | ***42,23*** | ***28,31*** |
| | **Умумий** | **155,42** | **100** | | **Умумий** | **149,19** | **100** |

3-жадвал маълумотларида 2020 йилда Швеция давлатининг экспорти ва импорти бўйича йирик улушга эга бўлган ҳамкор давлатлар рўйхати ва улар билан билан амалга оширилган ташқи савдога оид кўрсаткичлар келтирилган. 2020 йилда Швеция маҳсулотлари учун ташқи бозордаги энг йирик харидор мамлакатлар учлиги Норвегия, Германия ва АҚШ давлатлари бўлиб, ушбу йилда уларга Швециядан қилинган экспорт маҳсулотлар ҳажми 48,1 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. Германия, Голландия ва Норвегия давлатлари мос равишда Швециянинг 2020 йилдаги энг йирик импорт қилувчи мамлакатлар учлигини ташкил қилган ҳолда улардан импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 55 млрд АҚШ долларидан иборат. Қолаверса жадвал маълумотларида, АҚШ давлатининг Швеция давлати учун экспорт бозоридаги топ 10 таликка кирган ҳолда, импорт бўйича ушбу гуруҳда бўлмаганлигини кўриш мумкин. Бу бевосита мамлакатнинг океан орти мамлакатидан экспорт бўйича ўзига хос бозорни эгаллаганини ҳамда ушбу давлат билан ташқи савдода сезиларли даражада ижобий сальдога эришилганлигини англатади. Бу эса, албатта мамлакат савдо балансининг профицитини таъминлашга катта туртки бўлган натижавий ҳолатдир.

**4-жадвал**

**Швеция давлатининг 2020 йилдаги экспорт таркибидаги асосий товарлар гуруҳи ва улар бўйича кўрсаткичлар[10]**

| **Экспорт бўйича** | | | |
|---|---|---|---|
| № | Товарлар гуруҳи | Экспорт ҳажми (млрд АҚШ дол.) | Умумий экспортдаги улуши (фоизда) |
| 1 | Ядро реакторлар, қозонхоналар, машиналар ва механик асбоблар ҳамда уларнинг қисмлари | 23,46 | 15,1 |
| 2 | Темир йўл ёки трамвай ҳаракатланувчи таркибидан бошқа транспорт воситалари ва уларнинг қисмлари ва аксессуарлари | 20,04 | 12,9 |
| 3 | Электр машиналари ва ускуналри ва уларнинг қисмлари, овоз ёзиш қурилмалари ва репродукторлари, телвизор экранлари ва овоз ёзувчилари ҳамда репродукторлари, шунингдек ушбу буюмларнинг қисмлари | 14,82 | 9,54 |
| 4 | Фармацевтика маҳсулотлари | 11,72 | 7,54 |
| 5 | Қоғоз ва картон, коғоз пулпа, қоғоз ва картондан ясалган буюмлар | 8,76 | 5,64 |
| 6 | Минерал ёқилғи, минерал мойлар ва уларни дистиллаш маҳсулотлари, битумли моддалар, минерал мумлар | 7,07 | 4,54 |
| 7 | Темир ва пўлат | 5,73 | 3,68 |
| 8 | Тури бўйича кўрсатилмаган товарлар | 5,49 | 3,53 |
| 9 | Пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар | 5,26 | 3,38 |
| 10 | Ёғоч ва ёғочдан ясалган буюмлар, ёғоч кўмир | 4,35 | 2,8 |
| | ***Топ 10*** | ***106,7*** | ***68,65*** |
| *11* | ***Бошқа товарлар гуруҳи*** | ***48,72*** | ***31,35*** |
| | **Умумий** | **155,42** | **100** |

[10] Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди (https://trendeconomy. com/data/h2/Sweden/TOTAL)

4-жадвалда 2020 йилда Швеция давлати томонидан экспорт қилинган асосий товарлар гуруҳи ва уларнинг экспорт ҳажми ҳамда умумий экспортдаги улуши келтирилган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек мамлакат асосий бойликлари ёғоч, гидроэнергетика ва темир рудалари ҳисобланади. Мамлакатда олиб борилган юқори самарадорлик таъминлашга қаратилган оптимал ислоҳотлар асосида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш соҳалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш учун керакли инфратузилма ва барча шароитлар шаклланган. Натижада ушбу ресурслардан юқори қўшилган қийматга асосланган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни (2.1.4-жадвал маълумотларида келтирилганлар каби товарлар гуруҳига мансуб) ишлаб чиқариш ҳамда уларни асосий қисмини экспортга йўналтирилганлиги ва ушбу товарлар жаҳон бозорида ўз ўрнини топиши учун давлатнинг институционал тузилмалар томонидан манфаатли алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги мамлакатни барқарор иқтисодиётга эга бўлишини таъминламоқда.




**2-расм. 2010-2020 йилларда Швеция давлатининг ЯИМ ҳажми ва ТТХИларнинг ЯИМга нисбати[11]**

2-расмда Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ ҳажми ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши келтирилган. Агар ушбу кўрсаткичларни ўзаро таҳлил қиладиган бўлсак, кўриниб турганидек ушбу даврда ТТХИлар ҳажмининг ЯИМга нисбатан улушининг энг юқори ҳолати 2017 йилда бўлиб, у 5 фоизни ташкил қилган, энг паст кўрсаткич минус бир фоиз бўлиб у 2014 йилда қайд этилган. Агар ушбу 10 йиллик даврдаги ТТХИларнинг ЯИМга нисбатан улушини ўртачасини ҳисоблайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 1,4 фоиздан иборат.

Агар дунё бўйича ушбу кўрсаткич 2-3 фоизни, экспертлар фикрича эса 5-6 фоизни таъминлаш иқтисодиёт учун жуда яхши ҳолат бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳукумат томонидан ТТХИларни жалб қилиш борасида камида 2-3 фоиз атрофидаги барқарор кўрсаткични сақлаш чораларини кўриш мақсад мувофиқ. Чунки расмдаги ЯИМ ва ТТХИларнинг ЯИМдаги улушини изоҳловчи график чизиқларига назар солинса, ТТХИларнинг ЯИМдаги улушининг ЯИМ ҳажмига тўғри пропорционал таъсир этишини кузатиш мумкин. Демак, ТТХИларнинг барқарор кўрсаткичларда жалб қилиниши мамлакат ЯИМ ҳажмини ҳам барқарорлигини таъминловчи омиллардан биридир.

**Хулоса ва таклифлар:**

Юқорида Швеция давлатининг ЯИМ ҳажми, жалб қилинган ТТХИлар миқдори ва унинг ЯИМдаги улуши ҳамда мамлакатнинг экспорт фаолияти ва халқаро индекслардаги кўрсаткичлари билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлилини ўтказиш орқали қуйидаги **хулосалар** шакллантириш мумкин:

✓ Швециянинг таҳлил даврида Глобал рақобатбардошлик индексидаги кўрсаткичлари унинг ЯИМ ҳажмига тўғри пропорционал таъсирга эга бўлган;

[11] Жаҳон банкининг интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

✓ Мамлакатда иқтисодиётни экспортга йўналтирилганлиги бўйича кўрилган чора-тадбирлар унинг халқаро индекслардаги субиндикаторларни яхшиланишига ҳам асос яратган;

✓ Юқори қўшилган қийматли экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятига эга иқтисодиётда ТТХИларнинг улуши юқори бўлишлигига талаб доимий ва узоқ муддатли бўлмаслиги мумкин. Чунки бу каби иқтисодиёт ички инвестицияларнинг шаклланишига имкон беради ва уларни рағбатлантиради;

✓ Швеция каби давлатлар иқтисодиётида жалб қилинган ТТХИлар улуши юқори бўлишини, уларнинг халқаро индекслардаги кўрсаткичлар тўғри пропорционал равишда рағбатлантирмасада, ушбу халқаро индекслардаги кўрсаткичларни яхшилашга доир чора-тадбирлар мазкур мамлакатлар макроиқтисодий кўрсаткичларини барқарор ва ижобий ҳолатда ўсиш динамикасига эга бўлишига хизмат қилади;

✓ Швеция иқтисодиётига жалб қилинган ТТХИлар ҳажми динамикасининг ижобий ёки салбий ҳолати кейинги йилги ЯИМ ҳажми динамикасига бевосита таъсир қилган.

**Таклифлар:**

➢ маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўртасида улар фаолиятини осонлаштиришга оид сўровлар мунтазам ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида тадбиркорларнинг фаолияти ҳукумат томонидан рағбатлантирилишининг самарали механизмлари яратилади ҳамда тадбиркорлик соҳасида қонунчилик соддалаштирилади ва мамлакатда қонунлар қабул қилиниш жараёни манфаатдор томонларнинг фикрларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:


1. Мирзиёев Ш.М. (2016) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 14 декабрь. Халқ Сўзи газетаси 15.12.2016й. сони.

2. Бекмуродов А.Ш. (2018)“Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион юксалиш моделини излаб...” . Тошкент: “XXI ASR”. 215б.

3. Нарбаева Т. К. (2020) Халқаро рейтинг ва индекслар – Жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади, мавқейини мустаҳкамлайди, шаффофликни таъминлайди. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил, 29 июль.

4. Қўчқоров Ж.А. (2020) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи.

5. Маматов Б.С., Хужамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. (2014)Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Тошкент: “Иқтисодмолия”. 351-б. 6. Тумусов Ф.С. (1999)Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы. Практика. – Москва: Экономика.287-с.

6. Jiyun Cao, Arijit Mukherjee Foreign direct investment, unionised labour markets and welfare International Review of Economics & Finance Volume 58, November 2018, Pages 330-339 https://www.sciencedirect.com/ science/article/pii/S105905601730878X

7. Зенченко С.В., Шемѐткина М.А. (2007)«Инвестиционный потенциал региона». Сборник научных трудов Сев.Кав.ГТУ. Серия «Экономика». №6. 153-с. 9. Мустафақулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Тошкент: “BAKTRIA PRESS”, 39-б.

“UzBridge” электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
38 – 43
САҲИФАЛАР

# ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КАДРОВОГО РЕЗЕРВА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Мухамеджанов Шахриёр Солижанович**
Фонд «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов
за рубежом и диалогу с соотечественниками
Начальник отдела
*E-mail: shaxri_7700@list.ru*

**Аннотация:** В данной статье исследовано значение и роль кадрового резерва в государственной гражданской службе, а также проанализирована система формирования кадрового резерва государственной гражданской службы, разработаны предложения по ее совершенствованию.

**Ключевые слова:** квалифицированные кадры, государственная гражданская служба, система формирования кадрового резерва, направления, мониторинг кадрового резерва, руководящую должность.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada davlat fuqarolik xizmatida kadrlar zaxirasining ahamiyati va roli o’rganilgan, shuningdek, davlat fuqarolik xizmatining kadrlar zaxirasini shakllantirish tizimi tahlil qilindi, uni takomillashtirish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** malakali kadrlar, davlat fuqarolik xizmati, kadrlar zaxirasini shakllantirish tizimi, yo’nalishlar, kadrlar zaxirasi monitoringi, yuqori lavozim.

**Abstract:** This article examines the significance and role of the personnel reserve in the civil service, as well as analyzes the system of forming the personnel reserve of the civil service, and elaborates proposals for its improvement.

**Key words:** qualified personnel, state civil service, the system of formation of a personnel reserve, directions, monitoring of the personnel reserve, a managerial position.

## Введение

Формирование высококвалифицированных кадров на государственной гражданской службе является приоритетным направлением любого государства.

Теоретическая и практическая значимость человеческих ресурсов свидетельствует о том, что кадровая политика государства является решающим фактором повышения эффективности государственного управления в современных условиях. Формирование и реализация государственной кадровой политики - сложный и многогранный процесс, в котором особое внимание следует уделять разработке теоретических и концептуальных основ.

Важно решить вопрос правильного формирования и совершенствования института государственной службы, поскольку государственная политика реализуется руководящим органом, состоящим из государственных служащих.

В направлении совершенствования системы государственного и социального строительства в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача по привлечению на государственную гражданскую службу современных, инициативных, ответственных, профессионально подготовленных кадров [1]. Следовательно, исходя из социальной необходимости реформ в системе формирования кадрового резерва, прежде всего, адекватное формирование правовой основы формирования кадрового резерва; во-вторых, необходимо ввести единый метод и подход в систему отбора и включения кандидатов в резерв.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 3 октября 2019 года №ПФ-5843 «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы

государственной службы в Республике Узбекистан» было отмечается, отсутствие уполномоченного органа по вопросам государственной гражданской службы не позволяет обеспечить проведение единой кадровой политики в государственных органах и организациях, эффективное управление персоналом и развитие человеческих ресурсов, формирование на конкурентной основе резерва квалифицированных кадров и своевременное замещение ими вакантных должностей государственных гражданских служащих. Для решения этих вопросов и поднятия государственной службы на новый уровень было создано Агентство по развитию государственной службы при Президенте Республики Узбекистан. Также на основании Указа разработана Программа первоочередных мер по коренному совершенствованию кадровой политики и системы государственной службы в Республике Узбекистан, поставлена задача создания единой электронной информационно-аналитической системы государственной гражданской службы для формирования информационной базы данных о Национальном кадровом резерве, вакансиях и проводимых конкурсных отборах на замещение должностей, количественном и качественном составе работников государственных органов и организаций [2].

Кадровый резерв на государственной гражданской службе формируется для замещения вакантных должностей гражданской службы из числа гражданских служащих.

Кадровый резерв на государственной службе - важная составляющая процесса формирования квалифицированных кадров государственного управления. Благодаря высокой оценке государственных служащих в процессе формирования их профессиональных и личностных качеств кадровый резерв приводит не только к повышению в должности, но и к поиску наиболее квалифицированных граждан. Когда такие сотрудники назначаются на вакантные должности, знания, опыт, навыки и компетенции, которыми они обладают, позволят им осуществлять деятельность органа государственного управления наиболее эффективным и качественным образом.

Резерв успешно сформированных кадров на государственной гражданской службе государства обеспечивает возможность своевременного заполнения должностей государственной службы в случае возникновения вакансий, а также обеспечивает эффективное функционирование организации.

**Анализ соответствующей литературы**

Поиск, отбор, изучение, оценка, обучение и номинация специалистов государственной службы - одно из основных звеньев в формировании управленческого персонала. Правильная организация работы с кадровым резервом на государственной гражданской службе позволит привлечь перспективных молодых кадров в государственное управление

Многими учеными были проведены ряд исследований по методам формирования кадрового резерва на государственной гражданской службе государства.

Узбекские ученые такие как А.Тухтабоев [3], К.Х.Абдурахманов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Холмуминов, [4], Е.Н.Саттаров [5] и К.Б.Ахмеджанов, А.Х.Холов [6] исследовали вопросы управления человеческими ресурсами, формирования кадрового резерва на государственной службе.

Из зарубежных ученых О.В.Емельянова, Ю.П.Емельянов [7], Ричард Дафт [8], И.Н.Сидоренко, [9] А.В.Сороко [10] проводили исследования по таким вопросам, как методология формирования и функционирования резерва руководящих кадров, Давид Мейстер, Патрик МакКенна [11] и другие ученые о принципах и практике управление персоналом.

Действительно, хотя многие ученые провели множество исследований и достигли ряда результатов в рамках изучаемого нами вопроса, аналитической работы проведено недостаточно, особенно по формированию кадрового резерва на государственной службе.

**Методология исследования**

Методологической основой исследования являются фундаментальные основы науки менеджмента, управления человеческими ресурсами, системы формирования персонала, а также исследования зарубежных и узбекских ученых, проводивших исследования по формированию кадрового резерва государственной службы. В процессе исследования использовались систематический, институциональный и сравнительный анализ, также другие методы.

**Анализ и результаты**

Кадровая политика в сфере государственной службы представляет собой стратегию государства по формированию, развитию и обеспечению ее кадрового потенциала и кадрового состава. Данный аспект заключает сущность кадровой политики на государственной службе.

Кадровая политика государственной власти реализуется двумя направлениями:

1. Формированием кадрового состава профессиональных государственных служащих, обладающих необходимыми качествами государственного служения;

2. Использование современных кадровых технологий.

В частности, система формирования человеческих ресурсов должна быть направлена на повышение способности людей выражать себя, быть образованными и профессиональными.

При формировании кадрового резерва государственной службы целесообразно внедрять демократические принципы управления персоналом. Важно учитывать взаимосвязь между HR-менеджментом и направлением работы с резервом (рисунок 1).




**Рисунок 1. Взаимодействие HR-менеджмента и кадрового резерва на государственной гражданской службе**

Источник: авторская разработка.

Кадровый резерв на государственной гражданской службе государства - это группа перспективных государственных служащих, кандидатов с профессиональными навыками, трудолюбием и этико-психологическими качествами, хорошо разбирающихся в различных должностях, должным образом подготовленных и способных занять следующую должность, специально сформированная и основанная на критериях. То есть кадровый резерв - это группа руководителей и специалистов, обладающих способностью управлять избранной управленческой деятельностью, отвечающей требованиям той или иной предлагаемой должности, прошедших систематическую целевую квалификационную подготовку.

Различают внешний и внутренний кадровый резервы. **Внутренний кадровый резерв** формируют из работающих сотрудников, которые или уже готовы перейти на

новую должность, или имеют потенциал для развития нужных компетенций. **Внешний кадровый резерв** может формироваться по желанию руководителей предприятия.

Кадровый резерв можно разделить на несколько типов (вид деятельности, уровень подготовки и т.д.). В зависимости от назначения кадровый резерв на государственной службе можно разделить на следующие направления:

**По виду деятельности:**

Резерв по управлению - это группа специалистов и руководителей, которые обеспечат эффективную работу организации в будущем. Кадры этого резерва направлены на управленческую карьеру.

Резерв по развития - это группа специалистов и руководителей, которые готовятся к работе в рамках новых направлений (в диверсификации производства, разработке новых товаров и технологий, в привлечении инвестиций). Они могут выбрать одно из двух направлений карьеры – профессиональную либо руководящую;

**По времени назначения:**

А группа - кандидаты, которые в настоящее время могут быть назначены на более высокую должность;

В группа - кандидаты, чей рост планируется в ближайшие 3 года.

Основной целью формирования кадрового резерва на государственной гражданской службе государства является эффективное, профессиональное выполнение задач и вопросов, которые стоят перед государственной службой в процессе демократических преобразований, подбора, расстановки, обучения и продвижения кадров по должностям, подходящим для службы в государственной власти.

Формирование кадрового резерва основывается на следующих принципах: 1) соответствие кандидата типу должности и резерва - соответствие требованиям, предъявляемым к квалификации кандидата, принимаемого на определенную должность; 2) важность резерва - необходимость смены должна быть реальной; 3) перспектива кандидата - ориентация на профессиональный рост, востребованность образования, возраст, стаж работы в должности и состояние здоровья.

Основой формирования кадрового резерва государственной службы являются:

- система формирования кадрового резерва должна быть направлена на повышение способности людей к самовыражению, к креативности и профессионализму;
- в создании кадрового резерва следует опираться на профессиональных людей, то есть на специалистов с определенным опытом и специально обученных;
- регулярно оценивать потенциал и эффективность сотрудников организации, предприятий и государственных учреждений;
- следует создавать систему поиска и отбора молодых, талантливых кадров среди молодежи (среди студентов работающих на разных организациях по совместительству).

Резервирование кадров на руководящие должности на государственной службе требует проведения системных реформ в этой сфере. Для этого необходимо постоянно изучать кадры, обеспечивать включение в резерв талантливых, инициативных и перспективных кадров. При назначении на должности, в первую очередь, необходимо учитывать резервные списки.

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 3 октября 2019 года №ПП-4472 «О мерах по организации деятельности Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан» в качестве одной из основных задач и функций Агентства развития государственной службы является управление Национальным кадровым резервом, ведение Государственного реестра должностей государственной гражданской службы, а также создание и ведение единого открытого портала вакантных должностей государственных гражданских служащих. При реализации этих задач следует также учитывать критерии формирования кадрового резерва на государственной гражданской службе (табл. 1) [12].

Таблица 1

**Критерии формирования кадрового резерва**

| Тип резерва | Критерии | Показатели критериев формирования резерва |
|---|---|---|
| Потенциал | Социально-демографические требования | Уровень образования, практический опыт работы и опыт работы с людьми, возраст (согласно личному документу) |
| Первоначальное | Качество управления | Экспертная оценка профессиональных и личностных качеств кандидата в резерв (результаты опроса и тестирования) |
| Конечный | Результат работы | Конечные результаты производственной деятельности (по результатам поставленных задач), согласие кандидата на занятие определенной руководящей должности |

Кроме вышеуказанных в последние годы были осуществлены много реформ по формированию кадрового резерва в Республике Узбекистан, в том числе в целях кардинального совершенствования деятельности, направленной на поиск и отбор талантливых и перспективных молодых специалистов, особенно в регионах республики, организации целевого обучения в зарубежных странах, а также создания всех условий для формирования и привлечения к государственной службе современно мыслящих, обладающих глубокими знаниями профессиональных кадров нового поколения был создан Фонд «Эл-юрт умиди» по подготовке специалистов за рубежом и диалогу с соотечественниками [13];

Вместе с тем, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 13 июля 2021 года №ПФ-6260 «О дополнительных мерах по всесторонней поддержке молодежи и дальнейшему повышению ее общественной активности» в целях формирование резерва кадров нового поколения среди одаренной молодежи, в каждом регионе Республики был создан клуб «Лидеры будущего» (Келажак лидерлари) [14].

Основная цель клуба - подготовить талантливую молодежь к государственной службе во всех регионах страны, развить лидерские качества, включить их в Национальный кадровый резерв и обеспечить их рекомендацию в качестве основных кандидатов на руководящие должности.

**Выводы и предложения**

Формирование кадрового резерва, являющегося одним из ключевых элементов в системе государственной гражданской службы, и развитие управленческого, профессионального потенциала кандидатов которые в резерве, требует научно обоснованного системного подхода.

Разработаны следующие предложения по формированию кадрового резерва государственной службы и совершенствованию этой системы:

систематический и критический анализ проводимой работы по формированию и укреплению управленческих навыков в резерве управленческого персонала на государственной службе;

цифровизация системы формирования кадровых резервов на всех уровнях государственного управления, внедрение системы изучения и оценки уровня квалификации сотрудников, их личностных и других качеств;

направление специалистов, внесенных в базу кадрового резерва, в престижные учебные заведения и учреждения за рубежом для обучения и стажировки по специальностям;

осуществлять мониторинг деятельности кадров, назначенных на должности из резерва, создавать условия для роста их профессионального уровня и повышения карьерного роста.

**Список использованной литературы**

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года. [Электронный ресурс]. – URL: https:// https://lex.uz/docs/3107036

2. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5843 «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в республике узбекистан» от 3 октября 2019 года. [Электронный ресурс]. – URL: https://lex.uz/docs/4549993

3. Тухтабаев А. Административное управление. - Т., Финансы, 2003. 174 с.

4. Абдурахманов К.Х., Холмуминов Ш.Р., Зокирова Н.К. Управление персоналом - Т.: Учитель, 2008.

5. Саттаров Е. Н., Актуальные вопросы формирования кадрового резерва в системе государственной службы. Научный журнал современного образования. - Т., № 3 (100), 2021. 4-11 с.

6. Ахмеджанов К.Б., Холов А.Х. Приоритеты формирования кадрового потенциала государственной службы. Научный электронный журнал «Экономика и инновационные технологии» № 3, 2020. 141-150 с.

7. Емельянова О.В., Емельянов Ю.П. Акмеологический подход к подготовке управленческих кадров // Вестник КемГУ. 2015. № 4-2, 64 с.

8. Дафт Р.Л. Менеджмент / Санкт-Петербург: Питер,. 2012. 863 с.

9. Сидоренко И.Н. Ученые и практики о формировании резерва управленческих кадров в современных условиях // Государственное и муниципальное управление: ученые записки СКАГС. 2009. №1. 40-43 с.

10. Сороко А.В. Методология формирования и функционирования резерва управленческих кадров государственной службы: монография. М.: НПФ Планета, 2010.

11. Patrick J. McKenna and David H. Maister. First Among Equals: How to Manage a Group of Professionals. Free Press, New York; 2002. P. 12-15.

12. Поставление Президента Республики Узбекистан №ПП-4472 «О мерах по организации деятельности Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан» от 3 октября 2019 года. [Электронный ресурс]. – URL: https://lex.uz/docs/4552055

13. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6168 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки за рубежом и дальнейшего повышения потенциала государственных служащих и специалистов» от 11 февраля 2021 года. [Электронный ресурс]. – URL: https://lex.uz/docs/5286356

14. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6260 «О дополнительных мерах по всесторонней поддержке молодежи и дальнейшему повышению ее общественной активности» от 13 июля 2021 года. [Электронный ресурс]. – URL: https://lex.uz/docs/5512122

“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
44 – 49
САҲИФАЛАР

# ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ-ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ОМИЛИ

**Ахмедов Жавохир Жамолович**
“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директор ўринбосари
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: j.ahmedov0401@gmail.com
Тел:+99897-441-15-11
**Абдуллаева Альбина Эргашевна**
Тошкент фармацевтика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири
E-mail: abdullaeva1586@gmail.com
Тел:+99897-714-50-57

***Аннотация:*** *Мақолада Ўзбекистонда фармацевтика тармоғи корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор омилларидан бири сифатида чет эл инвестицияларининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур тармоқ корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ва уларнинг ечими таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *Фармацевтика тармоғи корхоналари, инвестиция, чет эл инвестициялари, тўғридан-тўғри инвестициялар, инвестицион жозибадорлик рақобатбардошлик, дори воситалари, тармоқнинг ишлаб чиқариш-инвестициявий тавсифи.*

***Аннотация:*** *В статье исследуются роль и значение иностранных инвестиций как одного из приоритетов в обеспечении конкурентоспособности фармацевтических компаний Узбекистана. Также анализируются проблемы, которые необходимо решить для обеспечения конкурентоспособности предприятий в этом секторе, и их решения.*

***Ключевые слова:*** *Предприятия фармацевтической отрасли, инвестиции, иностранные инвестиции, прямые инвестиции, инвестиционная привлекательность, конкурентоспособность, фармацевтика, производственно-инвестиционная характеристика отрасли.*

***Annotation:*** *The article examines the role and importance of foreign investment as one of the priorities in ensuring the competitiveness of pharmaceutical companies in Uzbekistan. It also analyzes the problems that need to be addressed to ensure the competitiveness of enterprises in this sector and their solutions.*

***Key words:*** *Pharmaceutical industry enterprises, investment, foreign investment, direct investment, investment attractiveness, competitiveness, pharmaceuticals, production-investment description of the industry.*

## Кириш

Бутун дунёда бугунги кунда шиддатли кечаётган глобаллашув жараёнларида жаҳон ҳамжамиятида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ўз навбатида соғлиқни мустаҳкамлаш зарурати дори-дармон ҳажми кўпайишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бунга бир томондан: аҳоли сонининг кўпайиши, турмуш даражаси шароитларидаги ўзгаришлар, умр кўриш давомийлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, иккинчи томондан: янгидан-янги касалликларнинг аниқланиши; даволаш усул ва воситаларининг кенгайиши кабиомиллар сабаб бўлмоқда. Пировардида, жаҳон фармацевтика тармоғи корхоналари маҳсулотларига фармацевтика бозоридаги эҳтиёжнинг барқарор қондирилиши учун қўшимча молиявий ресурсларнинг соҳага жадаллик билан жалб этилиши намоён бўлмоқда. Жумладан, сўнгги 20 йил мобайнида

жаҳон капитал бозорида илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилган инвестициялар жозибадорлиги бўйича 1-ўрин фармацевтика саноатида шаклланган. Шунингдек, Фармацевтика корхоналарининг умумий капитализацияси деярли 3 баробар ўсган ва 2020 йилда 6,6 трлн.долларни ташкил қилган ҳолда барча иқтисодиёт тармоқлари орасида учинчи ўринни эгаллаган[12] (1 - банк ва молия хизматлари, 2 - электрон савдо ва ИКТ хизматлари).

Жаҳон фармацевтика бозори савдоси 2020 йилда 1,2 трлн.долларни ташкил этгани ҳолда, келгусида йилига ўртача 8 фоизлик ўсиш билан 2025 йилга бориб 1,7 трлн.долларгача етиши кутилмоқда. Бундай ўсишга: аҳоли жон бошига ўртача даромад; аҳолининг бепул тиббий хизмат билан қамрови; илмий-тадқиқот ишларига инвестициялар ўсиши натижасида, тирик организмлардан (одам, ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари) тайёрланган биопрепаратларни ишлаб чиқариш ривожланиши кабилар таъсир этувчи асосий омил(драйвер) кўрсаткичлари ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти ва импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда. Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг суст ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда. Яъни, 20 млн дол.лик экспортнинг 43 фоизи Қозоғистон, Украина ва Россияга шунингдек, 37 фоизи таркибида аскорбин ва никотин бўлган дори воситалари асосан Қирғизистон, Грузия, Афғонистон ва Литвага жўнатилади. Импорт эса 775 млн.дол.ташкил этмоқда[13] .

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фармацевтика бозорида импорт қилинган дори воситаларининг қадоқ кўринишидаги улуши 65 фоизни, пул маблағдаги кўриниши қарийб 80 фоизни ташкил этмоқда. Демак, келгусида жаҳон ва миллий фармацевтика бозорида тармоқнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган дори воситаларини маҳаллийлаштириш бўйича жиддий ёндашув талаб этилади. Бунда янгиланаётган Ўзбекистон иқтисодиёти учун чет эл инвестициялари фаоллашувига эришиш, айниқса, трансформация шароитидаги муҳим вазифалардан бири - миллий фармацевтика тармоғи корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунончи, 2021 йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш" йили деб белгиланиши бежиз эмас[14] .

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аввало янгиланаётган Ўзбекистон шароитида миллий Фармацевтика тармоғининг шаклланиши ва ривожланишининг расмий манбалардаги хусусиятларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди[15].

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш

---

12. Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотлари.

13. Хамидов Б. Фармацевтика Узбекистана в контексте вступления в ВТО» «Экономическое обозрение»№10(262) 2021-стр.17-26. https://review.uz/journals/10-262-2021

14. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. № ПФ-6155-03.02.2021

15. Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5229-( 07.11.2017)-- https://lex.uz/docs/3404346

мақсадида 2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди[16].

Миллий иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа илмий манбаларда "чет эл инвестициялари", "рақобатбардошлик" тушунчаларини изоҳлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, миллий қонунчилигимизда "чет эл инвестициялари" термини[17] қўлланилган. Яъни, қонунда таърифланишича: чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар — акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар изоҳ берилган. Бироқ қонунчилигимизнинг бошқа ҳужжатида айрим жойда хорижий инвестиция[18] атамасидан фойдаланилган. Шунингдек, илмий тадқиқотларда ҳам "Рақобатбардошлик" тушунчасини ёритишда ҳам, баъзан "рақобатдошлик"[19] тушунчасидан фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот давомида фармацевтика тармоғи корхоналари рақобатбардошлигини таҳлилий ўрганишнинг мантиқий фикрлаш, таққослама таҳлил, индукция ва дедукция каби усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йилларда умумий қиймати 152,1 миллион АҚШ долларига тенг 50 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 2 164 янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан ташкил этилган фармацевтика эркин иқтисодий зоналарида ушбу даврда умумий қиймати 70 миллион АҚШ долларига тенг 11 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва 850 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, фармацевтика тармоғининг ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, маҳаллий фармацевтика тармоғи аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантир-маяпти. Хусусан, фармацевтика саноати чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг шундай секторларидан ортда қолмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд қувватлари аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжининг 27 фоизини қоплайди холос. Айни пайтда, АҚШ, Германия ва Франция каби ривожланган хорижий мамлакатларда маҳаллий фармацевтика саноатининг фармацевтика бозори умумий ҳажмидаги улуши 75 фоизни ташкил этади[20].

Юқорида таъкидланганидек, миллий фармацевтика бозорида[21] импорт маҳсулотларининг қиймат кўринишидаги улуши ҳам юқори бўлиб 2020 йилда фармацевтика маҳсулотларининг 79 фоизи (825 млн.дол) импорт қилинган. 2021 йилга келиб ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 220 тага, ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларининг умумий сони 3 155 номга етиши баробарида, 2017-2020 йилларда деярли 48 фоизга ўсиб, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 1,2 млрд. дона (140 фоиз), қиймати 240 млн.сўмни (71 фоиз) (Қозоғистонда – 230,0 млн.долл.,) ташкил қилмоқда. Давлат рўйхатидан ўтган дори воситалари сони 3 000 ХПН (халқаро патентланмаган ном) бўлсада, ҳанузгача улардан 2400 та ХПН тўлиқ импорт қилинади. Айни чоғда халқаро

---

16. 2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5707-сон- 10.04.2019. https://lex.uz/docs/4280358

17. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида. ЎРҚ-598, 25.12.2019- https://www.lex.uz/docs/4664142

18. Ўзбекистон республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (ПҚ-4554-сон- 30.12.2019) https://lex.uz/docs/4673197

19. Назаров Ш. Ҳ. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш», 08.00.12 – минтақавий иқтисодиёт. Докторлик дис.автореферати-2016.

20. 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси(пк-4554 (30.12.2019) 1-илова)- https://lex.uz/docs/4673197

21. Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотлари.

патентланмаган номи билан “Асосий дори воситалар рўйхати”га 461 та дори воситалари киритилган бўлиб, шундан 44 фоизининг ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилган[22].

Маҳаллийлаштиришни жадаллаштириш, технология трансфер қилиш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўрни баландлигини инобатга олган ҳолда соҳанинг инвестиция жозибадорлигини ошириш муҳим.

2018-2020 йилларда Инвестиция дастурларидаги 30 та лойиҳа доирасида жами 360,9 млн.доллар (шундан 142,4 млн. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) ўзлаштирилиб 1 624 та янги иш ўринлари яратилган.

Шундан, республика ҳудудларида ташкил этилган фармацевтика эркин иқтисодий зоналарида ҳисобот даврида жами 166,5 млн. долл. (шундан, 9,1 млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) 28 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган.

Миллий фармацевтика маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлик индикаторларидан бири экспорт кўрсаткичлари ҳисобланади. Хусусан, 2020 йилда экспорт 2019 йилга нисбатан 147 фоизга ўсиб 20 млн. долларни ташкил қилди. 2021 йилнинг январь-июнь ойлари якунига кўра фармацевтика корхоналарининг экспорт ҳажми 30,4 млн.долларни ташкил қилиб ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,0 млн. долларга ёки 62 фоизга ўсган.

Халқаро рақобатбардошликнинг навбатдаги индикатори маҳсулотнинг стандартлаштириш даражаси ҳисобланади.Таҳлилларга кўра, 2020 йилга келиб жами 220 та фармацевтика корхонасидан фақатгина 7 тасида ISO 13485 халқаро стандарти ва 12 тасида Ўзбекистон давлат стандарти “GMP - Зарур ишлаб чиқариш амалиёти” стандарти жорий қилинганига қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналар сони 53 тага ва экспорт географияси 35 та давлатга етган.

2021-2024 йилларда қўшимча 120 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 562,0 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши таъминланади.

Шундан, ЭИЗлар ҳудудида жами 156,8 млн. долларлик (шундан, 74,3 млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) 27 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган ва ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 2 274 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ташкил этилаётган “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида 141,5 млн. долларга (100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестиция) тенг 6 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

2021 йил якуни бўйича 2,8 трлн. сўмлик фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, жами 50,0 млн. долларлик маҳсулот ва хизматлар экспортини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, Агентлик томонидан тармоқда мавжуд бўлган экспортчи корхоналарнинг муаммоларини тизимли ўрганиш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан доимий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат Инвестиция дастурига киритилган 29 та лойиҳа доирасида барча манбалар ҳисобидан 95,1 млн.доллар ўзлаштирилади, шундан:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 22,0 млн.доллар (17 та лойиҳа);

халқаро молия институтлари маблағлари –10,0 млн.доллар (1 та лойиҳа).

Шулардан 81,4 млн.долларлик 14 та йирик лойиҳалар ишга туширилади.

Йил якунига қадар 8 та давлатда “Роуд шоу” тадбирларини ўтказиш орқали, қиймати 132 млн. долларлик 6 та истиқболли инвестиция лойиҳалари юзасидан келишувга эришилади.

Тармоқнинг келгуси беш йилга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Хусусан, жами 1,25 миллиард долларлик 104 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Уларнинг натижасида 376 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, 84 миллион долларлик экспорт қуввати яратилиши ҳисоб-китоб қилинган. Энг муҳими, 9 мингга яқин киши иш билан таъминланади[23].

Айни чоғда, таҳлилларнинг кўрсатишича тармоқ тизимидаги ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда муайян номутаносибликларни ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, экспорт таркиби таҳлилига кўра, 2020 йилда экспортнинг

---

22. Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотлари
23. Фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар кўриб чиқилди- https://president.uz/uz/lists/view/4603

фақатгина 46,3 фоизи дори воситаларидан иборатлиги ва қолган 27,2 фоизи бирламчи тиббий буюмлар ва 19,8 фоизи импорт дори воситалари давлат рўйхати хизматидан тушган тушум ташкил қилади. Экспорт географияси таҳлилига кўра эса, экспортдаги умумий номинал қийматнинг 60 фоизи жаҳон фармацевтика бозорида фақат 3 фоиз салмоққа эга бўлган МДҲ давлатларига тўғри келгани ҳолда, ривожланган давлатларнинг бозорига патентланмаган дори воситалари билан кириш - қимматлашиб ва мураккаблашиб бормоқда.

Бу эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон фармацевтика бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ечимини топиш борасидаги изланишларни талаб этади. Хусусан, экспорт географиясини Ҳиндистон, Хитой, ривожланган давлатларигача кенгайишини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга.

Қолаверса, республикамиз аҳолиси учун келгусида зарур бўладиган дори воситалари, тиббий буюмлар, техникаларнинг аниқ ҳажми ҳамда уларни молиялаштириш манбаларига оид прогноз маълумотларини шакллантириш давр талаби эканлиги ҳам долзарб ҳисобланади. Жумладан, давлат томонидан мамлакат ҳудудидаги фармацевтика корхоналари томонидан оригинал дориларни ишлаб чиқиш занжирининг барча бўғинида қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, маҳаллий хомашё сифатида фойдаланиши мумкин бўлган доривор ўсимликларни плантация усулида етиштириш бўйича ишларнинг сустлиги, кимёвий моддаларни синтезлаш натижасида олинадиган доривор модда хомашёси ишлаб чиқилишининг ташкил этилмаганлигини таъкидлаш лозим[13].

Фармацевтика соҳасидаги корхоналар томонидан Зарур лаборатория амалиёти (GLP), Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP), Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP) миллий талаблари ёки ISO 13485 миллий талаблари жуда суст татбиқ қилинган. Масалан, ҳозирга қадар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти(GMP)нинг миллий талаблари жорий этилган корхоналар салмоғи 12 фоиздан ошмайди. Сабаблардан бири эса, янги турдаги фармацевтика маҳсулотларини GMP стандартлари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳалари доирасида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари фоиз ставкалари юқорилиги ҳамда кредитларнинг имтиёзли ва тўлов муддатлари камлиги ташаббускорларни янги лойиҳаларни амалга оширишига салбий таъсир кўрсатаётганлигидир.

Натижада, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан банк муассасаларидан олинадиган кредит тўлов фоизлари юқорилиги ҳамда имтиёзли муддатларнинг қисқалиги корхоналарда молиявий қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

**Хулоса ва таклифлар:**

Демак, таҳлилларга кўра, миллий фармацевтика саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, асосан мураккаб бўлмаган формуладаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётганлиги, экспорт тузилишидаги номутаносибликлар, молиявий қийинчиликлар ҳамда бошқа ҳолатлар барқарор халқаро рақобатбардошликни таъминлайдиган юқори технологик ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун чет эл инвестициялари жалб қилишнинг муҳимлигидан дарак беради. Бу ўз навбатида, маҳаллий фармацевтика саноатининг капитал бозорига инвестициялар жалб қилишнинг нақадар юқори истиқболларга эгалигидан далолат ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш ҳамда республика ҳудудида дори воситалари субстанцияларини ва юқори маржинал, экспортбоп дори воситаларини ишлаб чиқариш занжирини яратиш бўйича тизимли ишларни давом эттириш талаб этилади.

Бугунги кунга қадар дори воситаларини ишлаб чиқариш занжирининг ҳар бир бўғини ва фармацевтика бозорининг турли иштирокчилари орасидаги муносабатлари чуқур таҳлилига кўра, таъкидланган муаммоларнинг тизимли ечими бўйича мўлжалланган чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда, узоқ муддатли барқарор рақобатбардош чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши тезлаштирилишини тақозо этади. Жумладан:

республика ҳудудида мавжуд хомашёдан самарали фойдаланиш ва ҳозирда юқори таннархга эга патентланган дориларнинг маҳаллий аналогларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

соҳадаги олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасалари ва фармацевтика корхоналари ўртасида "илм-фан – ишлаб чиқариш" интеграциясини таъминлаш;

жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб клиник тадқиқотларнинг биринчи фазасини соғлом шахсларда ўтказишга рухсат бериш;

клиник синовларини ўтказишга ихтисослаштирилган клиник базаларни “Зарур клиник амалиёти” (GCP) талаблари асосида тегишли ускуналар билан таъминлаш.

давлат рўйхатидан ўтиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ва импорт салоҳияти юқори бўлган биринчи 2 та хорижий давлатларда рўйхатидан ўтиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш;

Ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш, шу жумладан, GMP стандартларини ва маркировкани жорий этиш учун йиллик 2 фоиз имтиёзли кредит билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан маблағ ажратиш;

электрон рецепт ёзиш тизими орқали республика ҳудудида фаолият олиб бораётган шифокорларга ва дорихоналарга маълумот бериш;

янги инвестиция лойиҳаларини ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “фарма парк” кластерларни ташкил этиш;

| 11 | Бюджет ташкилот лари | ,2 | ,2 | | | | | | | | | | | | |
| | Бошқалар | | | | | | | | | | | | | | |
| 12 | Жами кредит ва лизинг бўйича таъминот | 00 | ,3 | 7,3 | ,8 | ,4 | 2,8 | ,3 | | ,1 | | 6,7 | ,8 | | ,5 |

**Манба: муаллиф томонидан тузилди.**

Хориж амалиётида кредит учун қўйилаётган гаров таъминотини баҳолашда унинг ликвидлиги, бозор баҳоси, бозор коньюктурасини ўзгариши натижасида сотиш имконияти ҳамда инвестицион жозибадорлигига алоҳида эътибор қаратилади Шунингдек, кредит

[37] АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари.

олувчи юридик ёки жисмоний шахс банкни танлаганидан сўнг гаровга қўяётган таъминотни баҳолаш жараёнини амалга оширади. Чунки, банкларнинг кредитлаш сиёсати ва гаров таъминотини баҳолашга қўяётган талаблари бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Бундан ташқари, кредитловчи банк кредит олиш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши жараёнида қўшимча маълумотлар зарур бўлиши ёки баҳолаш бўйича тайёрланган хулосанинг долзарблиги йўқолиши мумкин.

Хориж амалиётида банк кредит таъминотини баҳолашнинг белгилаб қўйилган аниқ тамойиллари жорий этилмаган. Бироқ, гаров таъминотини баҳолаш жараёнига эътибор берадиган айрим тамойиллар мавжудки, банк кредитини олиш учун баҳоланаётган гаров таъминоти мазкур тамойилларга жавоб бермаган ҳолларда банк кредит шартномасини имзоламайди. Хусусан, баҳолаш жараёнида қуйидаги асосий тамойиллар бажарилиши мақсадга мувофиқ:

- баҳоланаётган объект кредитнинг асосий гарови сифатида ҳуқуқий ва жисмоний жиҳатдан нейтраллигини таъминланганлиги;

- баҳолаш жараёнида объектнинг ликвидлигига таъсир этувчи барча омилларнинг инобатга олинганлиги;

- гаров таъминотини сотишнинг бир неча вариантларининг мавжудлиги;

- баҳоланаётган объектнинг баҳосига таъсир этиши мумкин бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий вазиятлар холисона баҳоланганлиги;

- баҳолаш жараёнида қўлланиладиган услублар ва ёндашувлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва фарқлар консерватив ва юқори талаб асосида ёндашиш кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган тамойилларнинг бажарилмаслиги банк кредитлари бўйича гаров таъминоти ҳисобидан молиявий зарар кўриши ва уларнинг келгусидаги фаолиятини режалаштиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари халқаро баҳолаш амалиётида кредитлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг талабларини акс эттирувчи алоҳида олинган (яъни, тавсиявий характерга эга бўлган) андозалар қўлланилади. Масалан, Россия банкларида гаров таъминотини баҳолаш амалиёти икки босқичда амалга оширилади:

*1-босқич.* Гаров объектининг бозор қийматини аниқлаш. Гаров таъминотининг бозор қийматини аниқлаш кредит шартномаси тузиладиган пайтда амалга оширилади.

*2-босқич.* Гаров объектларининг таъминот сифатидаги қийматини аниқлаш. Гаров қийматини аниқлаш гаров мулкининг ликвидлиги, гаров дисконтлари, таваккалчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Россия қонунчилигида гаров қиймати тўғрисида аниқ кўрсатма берилмаган, шу сабабли Россия банкларида гаров қийматини аниқлашда банкларнинг ички тартиблари ва мустақил баҳоловчи компанияларнинг кўрсатмаларига асосланилади. Бунда асосий стратегия рискдан қочиш ва рискларни бошқариш ҳисобланади.

Ахборотлар очиқлиги ҳамда бозорда талаб ва таклиф механизмларининг амал қилиши шароитида банк гаров таъминотининг бозор баҳосини аниқлаш унчалик қийин кечмайди. Халқаро амалиётда банк кредитининг гаров таъминотига қўйилган кўчмас мулкни баҳолашда унинг бозор баҳосини эмас, балки максимал даражада тезроқ сотиш имконини берувчи ликвид қийматидан фойдаланади. Хориж амалиётининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, банклар баҳолаш бозоридаги юқори рейтинг ва нуфузга эга бўлган, шунингдек, баҳолаш ҳисоботларига шубҳа. уйғотмайдиган баҳоловчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Халқаро амалиётда банк кредитлари бўйича айланмадаги товарларни гаровга қўйиш кенг қўлланилади. Бундай ҳолатда компанияга товарларни сотиш бўйича чегара (санкция) жорий этилмаган бўлиши ҳамда корхона мустақил равишда товар, хом ашё, материаллар ва бошқа активларини сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур. Банк кредити бўйича компания товарларни гаровга қўйишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, компания томонидан сотилган товар ёки актив учун тўлов ҳақи келиб тушмаган бўлса, гаров рўйхатидан чиқарилади, сотиб олганлари эса ушбу товарларга компаниянинг эгалик ҳуқуқи берилган пайтдан бошлаб банк гарови сифатида қаралади. Бу жараёнда шундай шарт сақланиши зарурки, компания ихтиёридаги товар кредит шартномасида кўзда тутилган гаров суммасидан кам бўлмаслиги керак Шунингдек, ликвидлиги кўзда тутилган даражадан ўзгармаслиги, яъни пасаймаслиги лозим.



www.uzbridge.eyuf.uz

**Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Мамлакатимиз тижорат банкларида ҳар бир потенциал мижоз таъминотига нисбатан кредит сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида келтирилган рейтингга қўшимча равишда кредит таъминотининг ишончлилигини аниқлашнинг балли тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун авваламбор кредитнинг қайтарилмаслик рискини ҳисоблаш механизми таклиф қилинади. Бу кўрсаткич (Кр) ни кредит таъминотини (Кт) кредит миқдори (Км) га бўлиш йўли билан аниқлашимиз мумкин:

Кр=Кт/Км*100%

Кредитнинг қайтарилмаслик риски асосида, биз кредит таъминоти сифатига қуйидагича рейтинг баҳоларни беришни таклиф қиламиз.

**3-жадвал**

**Кредит таъминотининг сифатини баҳолаш мезонлари**

| Рейтинг баҳо (балл) | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|---|
| Кредитнинг қайтарилмаслик риски | 125 ва ундан юқори | 100-125 | 80-99 | 60-79 | 60 дан паст |
| Кредит таъминотининг сифат даражаси | кучли | ўртача | қониқарли | хавфли | муаммоли |
| Кредит фоизининг муддатига нисбатан имтиёз | икки ойгача | Ўзгартириш сиз | Огохлантириш | Муддатидан олдин қайтариш чорадарини кўриш | |

**Манба: муаллиф томонидан тузилди.**

Ҳар бир мижоз кредит таъминоти риски «125» ва ундан кам баллга баҳоланса, банкда кредит таъминоти бўйича рискни юзага келиш муаммоси борлигини кўрсатади. Бу эса банкда ўз вақтида чора кўрилмаса, риск даражасининг ошиб кетиши банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишга асос бўлади. Бундай кредитлар фаолиятини тижорат банки назорат қилиб бориши, мажбурий таъминот талабларни ошириш каби чора-тадбирларни кўриши лозим.

Одатда банклар томонидан берилган кредитни гаров таъминоти ҳисобидан қоплашга манфаатдор эмаслар. Шу боис, берилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларни пул тушумлари ҳисобидан сўндиришни маъқул кўради. Бунинг учун банк кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг муддати етиб келганда уни тўлаш нуқтаи назаридан қуйидаги класслар бўйича таснифлашни таклиф қиламиз (4-жадвал).

Масалан, ишлаб чиқариш компанияларида маблағнинг:70 фоизи асосий воситаларга жойлаштирилади, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ташкилотларда ушбу активлар бор йўғи 10-15 фоизни ташкил этади Шунинг учун ҳар бир алоҳида олинган корхона бўйича гаров тури ва уларни баҳолаш тартиби банк ҳамда кредит олувчи ўртасида келишилади.

**Кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг класслар бўйича таснифлаши**

| Класс | Шартлари |
|---|---|
| **1-класс.** | Корхона барча кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тушумлар ҳисобидан 1 ой ичида сўндиради. |
| **2-класс.** | Корхона барча кредит ва фоиз суммасини тўлашга 2 ой кетади. |
| **3-класс.** | Корхона кредит билан боғлиқ барча тўловларни амалга ошириш учун 3 ойлик тушумларни йўналтириши лозим бўлади. |

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари қисқа муддатли кредитлар учун хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни гаровга кўпроқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қисқа муддатга берилаётган кредитларнинг гаров таъминоти сифатида кўчмас мулкларни олиш маъқул эмас, кўчмас мулклар асосан, узоқ муддатли кредитларнинг гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

Савдо ва ишлаб чиқариш воситалари, техника, автотранспорт, инвентар ва бошқа ускуналар кредитларнинг гаров таъминоти сифатида олинганда, уларнинг баҳоси иккиламчи бозорда сотиладиган жиҳозларни ўрганиш орқали аниқланади. Бунда асосий эътибор жиҳозларнинг ликвид қийматига қаратилади. Жиҳозларнинг ликвид қиймати - бу ушбу буюмларни қисқа давр ичида сотиш мумкин бўлган баҳосидир. Одатда жиҳозларнинг

ликвид баҳоси бозор баҳосидан 10-30 фоиз паст бўлади. Бундан ташқари, гаров таъминотини сотиш вақтида юз бериши мумкин бўлган баҳоси тўғридан-тўғри харажат усули орқали аниқланади Шу бўйича банк кредит бўйича гаров таъминотининг баҳоси аниқланади, одатда ушбу баҳо жорий баҳонинг 50-60 фоизини ташкил этади.

Кредит олувчи юқоридаги классларнинг биттасига тўғри келса, банк кредит шартномасини тузиш бўйича тегишли ишларни бошлайди. Банк кредит бўйича қабул қилаётган гаров тури кредит олаётган шахснинг фаолият йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлади.

Банкларда бериладиган ҳар бир кредит бошқаларига ўхшамаган алоҳида хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ҳам муаммоли кредитларни қайтарилишини таъминлаш борасида ягона қонун ва қоидалар ишлаб чиқилмаган. Муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича банклар томонидан асосан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- кредит муддатини узайтириш (пролонгация) чораларини кўриш;
- қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;
- гаров сифатида қўйилган мулк ёки учинчи шахснинг кафиллиги бўйича кредитни қайтариш чораларини кўриш;
- кредитини бошқа банкка сотиш;
- корхона раҳбариятига мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича консалтинг хизматларини таклиф этиш;
- корхонанинг бўш турган активлари, мол-мулкларини сотиш, дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган тақдирда уларни ундириш эвазига муаммони ҳал этиш ва бошқа тадбирлар.

**Хулоса ва таклифлар**

Фикримизча мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларни муаммоли кредитларга айланмаслигини олдини олиш мақсадида юқоридаги таклифларга қўшимча қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- банкларга кредит учун келиб тушган аризага атрофлича ёндашув, яъни дастлабки мониторингни тўғри ва мукаммал амалга ошириш. Бу ерда биринчи навбатда мижознинг характерига, унинг молиявий аҳволига, бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқейига ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасига асосий эътиборни қаратиш;
- кредит аризасини кўриб чиқилаётган даврда мижоз томонидан банкка тақдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини ва уларнинг тўғрилигини текшириш. Кредит бўлими ходими томонидан мижознинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил этилиши ва холисона баҳо берилиши зарур;
- кредит ажратилган даврдан бошлаб, мижознинг бизнес-режаси бўйича амалга ошираётган ишларини, ҳисобрақамидаги маблағлари айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;
- корхонанинг мол-мулкини баҳолашда банкнинг мулкни баҳолаш бўйича мутахассисига кўпроқ имкониятлар яратиб бериш. Чунки мижоз пуллик баҳолаш хизматидан фойдаланадиган бўлса, унинг кредит олгунга қадар қиладиган харажатлари ортиб кетади.
- ажратилган кредитларни устувор равишда аввал берилган кредитларнинг қайтиши ҳисобидан амалга ошириш;
- тижорат банкларида гаров таъминотини баҳолаш бўйича етарли даражада тажриба ва кўникмалар шаклланган бўлсада, баҳолаш бўйича қатъий белгилаб қўйилган тамойиллар мавжуд эмас. Асосий эътибор, гаров объектининг ликвидлиги, бозор баҳоси, бозор конъюктурасини ўзгариши натижасида сотиш имконияти ҳамда инвестицион жозибадорлигига қаратиш лозим;
- гаров қийматини аниқлашга гаров бўйича жорий этиладиган дисконтлар, таваккалчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсири инобатга олиш керак;
- гаров тури кредит олаётган объектнинг фаолият йўналиши билан бевосита боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарида асосий воситалар, савдо-сотиқ билан фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларда товар-моддий қимматликлар, жисмоний шахслардан кўчар ёки кўчмас мулклар, шунингдек, қимматли қоғозлар таъминот сифатида қабул қилинади;

- хориж амалиётдаги баҳолаш жараёнида қўлланиладиган ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлиги тажрибасини маҳаллий баҳолаш амалиётида кенгроқ жорий этиш мақсадга мувофиқ;

- хорижий ва маҳаллий баҳоловчилар ўртасида амалий ва назарий ҳамкорликни қўлга қўйиш бунда халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиш, амалий баҳолаш жараёнларида иштирок этиш кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида таклиф этилган тавсиялар ва таклифларнинг барчасини амалга ошириш учун кредит бўлими ходимларидан қатъиятлилик ҳамда масъулиятни талаб этади. Барча амалларнинг ўз муддатида тўлиқ бажарилишигина тижорат банкларида кредитларнинг «муаммоли кредитлар»га айланишини олдини олиш имкониятлари вужудга келади деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Yang Yang. Does high-quality auditing decrease the use of collateral? Analysis from the perspective of lenders' self-protection // China Journal of Accounting Research 7 (2014) 203–221 www.elsevier.com/locate/cjar

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги "Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоъсини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 4026-сон Қарори.

3. Управление деятельностью коммерческого банка(банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002, 456-б.

4. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.

5. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002. 187 б.

6. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферати. Т, 2006.

7. "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль) Низоми.

**8.** Constantine Christofides, Ruth Gleeson, Allan Kearns and Rosanna Lynch Framework for enhanced modelling of collateralised lending // Procedia Economics and Finance 29 ( 2015 ) 183 – 194 www.elsevier.com/locate/procedia

**9.** José A. Castilloa, Andrés Mora-Valenciab, Javier Perotec. Moral hazard and default risk of SMEs with collateralized loans // Finance Research Letters 26 (2018) 95–99 www.elsevier.com/locate/frl

10. Абдикаримова Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.

11. Конференция «Управление залогами и проблемными активами: актуальные проблемы и тенденции» / Журнал "Имущественнаые отношения в РФ" № 5 (152) 2014 стр-103.

12. Дробозина Л.А. Финансы, денежное обрашение, кредит –Москва. ЮНИТИ, 2000. - 329 с.

13. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. С англ. –М.: Дело, 1997, 192 с.

14. Fraser D., Gup B., Kolari J. Commercial banking/ The Management of Risk.1995, 623p.

15. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002, 456-б.

16. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2001,33-б.

17. "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль) Низоми.

18. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги "Гаров тўғрисида"ги 614-I-сон Қонуни.

19. АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари.

20. International Valualion Standards, Eighth Edition, International Valuation Standards Committee, 2007. 23 p.

21. Лобанова Е.И. Оценка объектов арбитражного управления: Учебное пособие для слушателей курсов подготовки специалистов по арбитражному управлению, 5-е изд. перер. и доп. Новосибирск: НОУВПОСАФБД,2013.-386с.
22. Miller N. G., Jr. and Markosyan S. The academic roots and evolution of real estate appraisal // Appraisal Journal. Apri1 2003.
23. Оценка для целей залога. теория, практика, рекомендации / М. А. Федотова [и др.]. — М.: Финансы и статистика, 2008. Стр. 125.
24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. —Т.: Ўзбекистон, 2009.4-б.
25. www.worldbank.org (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти).
26. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти).

“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
70 – 75
САҲИФАЛАР

# Mamlakat eksporti hajmi o`sishi hamda eksport diversifikatsiyasining iqtisodiy o`sishga ta`sirini ekonometrik modellashtirish.

**Tursunov Ulug`bek Avazbek o`g`li**

Yonsei Universieti Iqtisodiyot kafedrasi doktoranti
email: ulugbek.tursunov@inbox.ru
Telefon: +8210 6627 9209

**Annotatsiya.** Ma`lumki, rivojlanayotgan mamlakatlarda ijtimoiy-iqtisodiy va geografik omillarni hisobga olgan holda bir-biridan farq qiluvchi iqtisodiy rivojlanish siyosatini ishlab chiqish zarur. Shuning uchun, iqtisodiy rivojlanish dinamikasiga turli iqtisodiy ko`rsatkichlarning ta`sir yo`nalishi va magnitudasini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan, maqolada O`zbekistonda eksport hajmi va diversifikatsiyasi dinamikasining iqtisodiy o`sish dinamikasiga ta`siri ekonometrik tahlil qilingan.

**Kalit so`zlar.** Eksport diversifikatsiyasi, iqtisodiy o`sish, eksport

## Kirish

Mamlakat barqaror iqtisodiy rivojlanishida ishlab chiqarilayotgan hamda eksport qilinayotgan mahsulotlar diversifikatsiyasi muhim ahamiyatga ega. Rivojlanayotgan mamlakatlar eksport diversifikatsiyasini amalga oshirish orqali, iqtisodiy o`sish sur`atlarini oshirishlari mumkin (IMF, 2014). Buni ikki xil mexanizm orqali tushuntirish mumkin, birinchidan eksportning diversifikatsiyalanishi eksportdan tushumlarni stabillashtirishi mumkin. Ikkinchidan, texnologik rivojlanishning bir tarmoqdan boshqa tarmoqqa o`tishi eksport diversifikatsiyasini iqtisodiy o`sishning asosiy drayveriga aylantirishi mumkin (Gutiérrez, 2000; Lederman va Maloney, 2012).

Eksport diversifikatsiyasiga qarash ikki xil manba bilan tasdiqlanishi mumkin (Mania va Rieber). Birinchisi 1970-yillar oxirida boshlangan va hozir ham davom etib kelayotgan, Janubiy-Sharqiy Osiyo mamlakatlari sanoatlashuvi tajribasidir. Ikkinchisi esa Imbs va Uatsiarglarning (Imbs va Wacziarg, 2003) empirik tadqiqotlaridir. Bunda tadqiqotchilar jon boshiga to`g`ri keluvchi daromad va ishlab chiqarish konsentratsiyasi o`rtasida egri chiziqli munosabatni topishgan. Ushbu tadqiqotda eksport hajmi hamda eksport diversifikatsiyasining jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot hajmiga ta`siri o`rganilgan.

## Adabiyotlar tahlili

Eksport diversifikatsiyasi to`g`risidagi nazariy qarashlar David Rikardodan boshlanadi. David Rikardo agar mamlakat nisbiy ustunligi mavjud asosan tovarlarni ishlab chiqarsa va eksport qilsa, eksport qiluvchi mamlakat ham import qiluvchi mamlakat ham manfaat ko`rishini ta`kidlab o`tgan (Rikardo, 1817). Keyinchalik iqtisodchilar mamlakat ma`lum bir mahsulot ishlab chiqarishga ixtisoslashda ko`lam samarasi mavjud bo`lishi mumkinligini ta`kidlab o`tishdi (Krugman, 1979).

Eksport diversifikatsiyasi chuqur iqtisodiy g`oya sifatida Prebish va Singerlarning tadqiqotlarida boshlandi (Prebisch, 1959; Singer 1950;). Ushbu olimlarning fikriga ko`ra, rivojlangan mamlakatlar yuqori qo`shimcha qiymatga ega mahsulotlar eksport qilishadi, rivojlanayotgan mamlakatlar esa, asosan birlamchi va ko`proq ishchi kuchi talab qiladigan mahsulotlar ishlab chiqarishadi. Muammo shundan iboratki, rivojlanayotgan mamlakatlar eksporti aholi daromadiga ta`siri juda kam va samaradorligi past edi. Shuning uchun, Prebish va Singerlar eksport diversifikatsiyasini yechim sifatida taklif qilishdi. Ularning fikriga ko`ra, agar eksport diversifikatsiyalansa, eksportning tashqi shoklarga chidamliligi ortadi va samaradorlik oshadi.

Keyinchalik iqtisodchilar diversifikatsiya g`oyasini nisbiy ustunlik g`oyasiga nisbatan taqqoslab ular orasida o`zaro ziddiyat bo`lishi mumkinligini ta`kidlay boshlashdi (Vera, 2006; Botta, 2010). Ba`zi iqtisodchilar, Xitoy va Janubiy Sharqiy Osiyo mamlakatlari sanoatlashuvining muvaffaqiyati ushbu davlatlarning o`z nisbiy ustunliklari doirasidan tashqariga chiqqanliklaridir deb ta`kidlashadi (Amsden, 1989; Rodrik, 2012).

Boshqa bir guruh olimlar eksport diversifikatsiyasi hamda iqtisodiy o`sish o`rtasida bog`lanish ekonometrik tekshirilgan. Ushbu tadqiqotlarning ko`pchiligi eksport diversifikatsiyasi, darhaqiqat iqtisodiy o`sishga ijobiy ta`sir ko`rsatishini isbotlashgan ( Lederman va Maloney, 2012; Lederman va Maloney, 2006).

**Metodologiya.**

Ushbu tadqiqotda vaqtli qatorlar ma`lumotlari yordamida eksport hajmi nisbiy o`zgarishi, eksport diversifikatsiyasi o`zgarishi hamda davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishining aholi jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishiga ta`siri o`rganilgan. Bunda barcha o`zgaruvchilar natural logarifmlangan holda modelga kiritilgan.

Ma`lumotlar eksport hajmi, o`zgarmas baholardagi davlat byudjeti xarajatlari hamda o`zgarmas baholardagi jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot Jahon Bankining "Dunyo rivojlanish indikatorlari" ma`lumotlar bazasi yordamida shakllantirilgan[38]. Nisbiy o`zgarishlar va ularning natural logarifmlari muallif tomonidan hisoblangan.

Eksport diversifikatsiyasini hisoblash uchun Birlashgan Millatlar Tashkilotining savdo rivojlanish borasidagi konferensiyasi metodologiyasidan foydalanilgan[39]. Bunda eksport diversifikatsiyasi quyidagi formula bilan hisoblanadi:

$$S_j = \frac{\sum_i |h_{ij} - h_i|}{2} \quad (1)$$

Bu yerda:

$h_{ij}$-$i$ mahsulotning $j$ mamlakat eksportidagi ulushi;

$h_i$-dunyo eksportida $i$ mahsulotning ulushi.

1-formula esa o`z navbatida, Finger-Kreininning (Finger va Kreinin, 1979) o`xshashlik indeksining o`zgartirilgan shakli hisoblanadi. Ushbu indeks mamlakat eksporti diversifikatsiyalanganligini bildiradi. Uning qiymati 0 dan birgacha bo`lishi mumkin. Agar ushbu indeks qiymati 1 ga qanchalik yaqin bo`lsa mamlakat eksporti shunchalik diversifikatsiyalangan bo`ladi.

Ma`lumotlarni modelga kiritishdan oldin Dikey-Fuller testidan foydalanilgan. Regressiya tenglamasi eng kichik kvadratlar usuli yordamida hisoblangan.

**Tahlil va natijalar.**

1-rasmda ushbu empirik tadqiqot uchun asos bo`luvchi sxema keltirligan. Bunda iqtisodiy o`sish ta`sir qiluvchi omillar eksport hajmi, eksport diversifikatsiyasi hamda davlatning iqtisodiyotini qo`llab-quvvatlashidir. Ushbu sxemadan kelib chiqqan holda ekonometrik model uchun o`zgaruvchilar tanlab olingan. Eksport diversifikatsiyasini hisoblash uchun yuqorida ta`kidlab o`tilganidek, Birlashgan Millatlar Tashkiloti savdo va rivojlanish bo`yicha konferensiyasi (UNCTAD) metodologiyasidan foydalanilgan.

---

[38] https://datacatalog.worldbank.org/dataset/world-development-indicators

[39] https://unctadstat.unctad.org/wds/TableViewer/summary.aspx




**1.rasm. Iqtisodiy o`sishga ta`sir qiluvchi omillar tavsifi.**

*Manba: adabiyotlar tahlilidan kelib chiqib muallif tomonidan shakllantirilgan.*

2-rasmda natural logarifmlangan eksport hajmi nisbiy o`zgarishi, eksport diversifikatsiyasi o`zgarishi hamda davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi va aholi jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishi keltrilgan bo`lib, bunda yaqqol eksport hajmi o`zgarishi davlat byudjeti xarajatlari o`rtasida o`zaro bog`liqlik borligini ko`rishimiz mumkin. Jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot esa nisbatan kamroq o`zgargan. Grafiklardagi yana bir jihat shundan iboratki, 2002-2008-yillar oralig`ida eksport hajmi juda tez sur`atlarda o`sib borgan. Buni shu davrda tabiiy gaz, mis kabi tovarlar narxining jahon bozorida oshishi bilan izohlash mumkin[40].




**2-rasm. Natural logarifmlangan eksport hajmi nisbiy o`zgarishi, eksport diversifikatsiyasi o`zgarishi hamda davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi, aholi jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishi.**

---

[40] International Monetary Fund (IMF) (2008)**,** Republic of Uzbekistan: 2008 Article IV Consultation—Staff Report; Public Information Notice on the Executive Board Discussion; and Statement by the Executive Director for the Republic of Uzbekistan https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2016/12/31/Republic-of-Uzbekistan-2008-Article-IV-Consultation-Staff-Report-Public-Information-Notice-22184

*Manba: Ushbu grafiklar O`zbekiston Davlat Statistika Qo`mitasi hamda BMT ning savdo va rivojlanish bo`yicha konferensiyasi (UNCTAD) ma`lumotlari asosida muallif tomonidan STATA 15 dasturida ishlab chiqilgan.*

1-jadvalda esa ekonometrik modelga kiritilgan o`zgaruvchilarning tasviriy statistikasi keltirilgan. Bunda eksport hamda eksport diversifikatsiyasining qaralayotgan davrda volatilligi yuqori bo`lganini ko`rish mumkin, chunki standart chetlanish o`rtacha nisbatan katta. Bundan tashqari, natural logarifmlangan eksport diversifikatsiyasi o`rtachasi manfiy ekanligini hisobga olib, umuman olganda eksport diversifikatsiyasi nisbiy o`zgarishi qaralayotgan davrda ko`proq pasayish tendensiyasiga ega ekanligini ko`rish mumkin. Ushbu xulosalarni 2-rasmdagi grafiklar bilan yanada mustahkamlanadi.

*1-jadval. Ekonometrik modelga kiritilgan o`zgaruvchilarning tasviriy statistikasi.*

| **O`zgaruvchi** | **O`rtacha** | **Standart chetlanish** | **Minimum** | **Maksimum** |
|---|---|---|---|---|
| Natural logarifmlangan jon boshiga YaIM nisbiy o`zgarishi | 0.043 | 0.019 | -0.002 | 0.076 |
| Natural logariflangan eksport nisbiy o`zgarishi | 0.067 | 0.132 | -0.168 | 0.336 |
| Natural logarifmlangan eksport diversifikatsiyasi nisbiy o`zgarishi | -0.005 | 0.051 | -0.091 | 0.118 |
| Natural logarifmlangan davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi | 0.026 | 0.106 | -0.357 | 0.175 |

*Manba: Ushbu jadval O`zbekiston Davlat Statistika Qo`mitasi hamda BMT ning savdo va rivojlanish bo`yicha konferensiyasi (UNCTAD) ma`lumotlari asosida muallif tomonidan STATA 15 dasturida ishlab chiqilgan.*

Keyingi bosqichda modelga kiritilayotgan o`zgaruvchilarning nostatsionar ekanligini tekshiriladi. Bunda Dikey-Fuller testidan foydalanamiz. Dikey-Fuller statistikasida nol gipoteza hamda muqobil gipoteza quyidagi ko`rinishda bo`ladi:

$H_0$: vaqtli qator ma`lumotlari nostatsionar;

$H_m$: vaqtli qator ma`lumotlari statsionar.

2-jadvalda berilgan Dikey-Fuller testi natijalarini quyidagicha izohlash mumkin: natural logarifmlangan eksportning nisbiy o`zgarishi hamda natural logarifmlangan eksport diversikatsiyasi nisbiy o`zgarishi statsionar ma`lumotlar. Chunki, o`zgaruvchilar uchun hisoblangan test statistikasi qiymatlari 5 % li muhimlik darajasidagi Dikey-Fuller statistikasi kritik qiymatlari kichik. Natural logarifmlangan jon boshiga to`g`ri keluvchi YaIM test statistikasi esa 5 % li muhimlik darajasidagi Dikey-Fuller statistikasidan kichik, ya`ni 5 % li muhimlik darajasida nostatsionarlik haqidagi nol gipotezani rad eta olmaymiz. Lekin 10 % li muhimlik darajasida rad eta olamiz. Bundan tashqari Makkinnon p-qiymatlari ham 0.05 dan kichik. Ushbu faktlarni hisobga olgan holda jon boshiga to`g`ri keluvchi YaIM ni ham statsionar deb qabul qilsak bo`ladi.

***2-jadval Dikey-Fuller statistikasi natijalari.***

| O`zgaruvchi | Test statistikasi | Dikey-Fuller testi kritik qiymatlari | | | Makkinnon p-qiymati |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 % li muhimlik darajasi | 5 % li muhimlik darajasi | 10 % li muhimlik darajasi | |
| Natural logarifmlangan jon boshiga YaIM nisbiy o`zgarishi | -2.883 | -3.750 | -3.000 | -2.630 | 0.0474 |
| Natural logariflangan eksport nisbiy o`zgarishi | -3.226 | -3.750 | -3.000 | -2.630 | 0.0185 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Natural logarifmlangan eksport diversifikatsiyasi nisbiy o`zgarishi | -7.288 | -3.750 | -3.000 | -2.630 | 0.000 |
| Natural logarifmlangan davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi | -3.994 | -3.750 | -3.000 | -2.630 | 0.0014 |

*Manba: Ushbu jadval O`zbekiston Davlat Statistika Qo`mitasi hamda BMT ning savdo va rivojlanish bo`yicha konferensiyasi (UNCTAD) ma`lumotlari asosida muallif tomonidan STATA 15 dasturida ishlab chiqilgan.*

O‘zgaruvchilarning statsionar ekanligi tekshirilgach, (1) tenglama parametrlarini, eng kichik kvadratlar usuli yordamida regressiya tenglamasi koeffitsiyentlarni aniqlaymiz.

$LNY_t = \beta_0 + \beta_1 LNEXP_t + \beta_2 LNEXPDIVER_t + \beta_3 LNGOVEXPEND_t + \varepsilon_t$ (1)

1-tenglamada berilgan qisqartmalar quyidagicha ifodalangan:

$LNY_t$ - Natural logarifmlangan joriy davrdagi jon boshiga YaIM nisbiy o`zgarishi;

$LNEXP_t$ - Natural logarifmlangan joriy davrdagi eksport nisbiy o`zgarishi;

$LNEXPDIVER_t$ - Natural logarifmlangan joriy dardagi eksport diversifikatsiyasi nisbiy o`zgarishi;

$LNGOVEXPEND_t$ - Natural logarifmlangan joriy dardagi davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi.

$\varepsilon_t$ – ekonometrik modelning statistik qismi

Endi keyingi qadamda 1 tenglama parametrlarini eng kichik kvadratlar usulida topib olamiz.

2-tenglamada eng kichik kvadratlar usulida topilgan regressiya tenglamasi parametrlari berilgan:

$LNY_t = 0.037^{***} + 0.078^{***} LNEXP_t + 0.138^{**} LNEXPDIVER_t + 0.052^{*} LNGOVEXPEND_t$ (2)

t-stat. (10.75) (3.11) (2.12) (1.76)

F-statistika=5.5

Determinatsiya koeffitsiyenti ($R^2$) =0.46

Bu yerda:

*- t-statistika bo`yicha 10 % li muhimlik darajasida statistik jihatdan ahamiyatli;

**- t-statistika bo`yicha 5 % li muhimlik darajasida statistik jihatdan ahamiyatli

***- t-statistika bo`yicha 1 % li muhimlik darajasida statistik jihatdan ahamiyatli

*Izoh: hisob kitoblar STATA 15 dasturida hisoblab chiqilgan.*

2-tenglama natijalaridan shuni aniqlash mumkinki, umuman olganda regressiya tenglamasi statistik jihatdan ahamiyatli, chunki F-statistikaning qiymati ancha katta (5.5) bunda p-qiymati 0.01 dan kichik. Demak, 1 % li muhimlik darajasida tenglama statistik jihatdan ahamiyatli. Regressiya parametrlariga kelsak, eksport hajmi nisbiy o`zgarishining va eksport diversifikatsiyasining nisbiy o`zgarishi jon boshiga yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishiga ta`siri mos ravishda 1 % va 5 % li muhimlik darajasida statistik jihatdan ahamiyatli. Davlat byudjeti xarajatlarining nisbiy o`zgarishining jon boshiga yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishiga ta`siri esa 10 % li muhimlik darajasida statistik jihatdan ahamiyatli.

Regressiya koeffitsiyentlari interpretatsiyaga to`xtalsak, eksport nisbiy o‘zgarishining bir foizga oshishi joriy davrda jon boshiga yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishini 0.078 %ga oshiradi. Eksport diversifikatsiyasining nisbiy o`zgarishining 1 %ga oshishi esa jon boshiga yalpi ichki mahsulot nisbiy o`zgarishini 0.138 %ga oshiradi. Davlat byudjeti xarajatlari nisbiy o`zgarishi 1 % ga oshishi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot nisbiy o`zgarishining 0.052 % oshishiga olib kelmoqda. Determinatsiya koeffitsiyenti 0.46 ni tashkil qilmoqda. Bu olingan mustaqil o`zgaruvchilardagi o`zgarish bog`liq o`zgaruvchidagi o`zgarishning 46 %ni tushuntirib berishini bildiradi.

Ushbu empirik tahlil natijalari, eksport hajmi va eksport diversifikatsiyasi oshishining iqtisodiy o`sishga ta`siri haqidagi gipotezani isbotlash uchun yetarli dalil bera oladi.

Keyingi qadamda, 2-tenglamada mavjud bo`lishi mumkin bo`lgan avtokorrelyatsiyani tekshiramiz. Buning uchun Broysh-Godfrey testidan foydalanamiz.

Quyida Broysh-Godfrey testi nol va muqobil gipotezalari keltirilgan:

$H_0$: regressiya tenglamasida avotkorrelyatsiya mavjud emas;

$H_m$ : regressiya tenglamasida avtokorrelyatsiya mavjud.

*3-jadval. STATA 15 dasturida hisoblangan Broysh-Godfrey testi uchun Lagranj multiplikatsion testi natijalari.*

| Laglar | Xi-kvadrat | Erkinlik darajasi | Xi-kvadrat p-qiymati |
|---|---|---|---|
| 1 | 1.3 | 1 | 0.25 |

3-jadval natijalariga ko'ra, regressiya tenglamasida avtokorrelyatsiya mavjudligi haqidagi nol gipotezani rad etishimiz mumkin. Chunki, xi-kvadrat testining p-qiymati 0.25 ga teng, ya`ni 0.10 dan ham katta. Demak, tenglama avtokorrelyatsiya muammosidan holi.

**Xulosa**

Ushbu tadqiqotda asosan eksport diversifikatsiyasining iqtisodiy o`sishiga ta`siri o`rganilishi maqsad qilingan edi. 2 tenglamadagi ekonometrik model natijalari tasdiqlashicha, o`tgan yillar davomida O`zbekiston Respublikasida eskport diversifikatsiyaning ijobiy o`zgarishi jon boshiga to`g`ri keluvchi yalpi ichki mahsulotning ham oshishga olib kelgan. Bundan tashqari vaqtli qatorlarda kuzatiladigan avtokorrelyatsiya muammosi ham tekshirildi va avtokorrelyatsiya yo`q ekanligi aniqlandi. Demak, berilgan ma`lumotlardan shuni xulosa qilish mumkinki, mamlakat eksportining diversifikatsiyalanishi oxir-oqibat iqtisodiy o`sishga ijobiy ta`sir ko`rsatar ekan.

Ushbu tadqiqotning mamlakatdagi iqtisodiy-farovonlikni oshirish va barqaror iqtisodiy o`sishni ta`minlash siyosati kontekstidagi ahamiyati shundan iboratki, eksport diversifikatsiyasini oshirish mamlakat biznes muhitini yaxshilash va iqtisodiyotni liberalizatsiyasi kabi muhim ustuvor yo`nalishlar qatorida iqtisodiy o`sishning muhim drayveri hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Amin Gutiérrez de Pineres, ˜ S., Ferrantino, M.J., 2000. Export Dynamics and Economic Growth in Latin America. Ashgate Publishing Ltd., Burlington, Vermont
2. Amsden, A.H., 1989. Asia's Next Giant: South Korea and Late Industrialization. Oxford University Press, New York, N.Y, pp. pp.400.
3. Botta, A., 2010. Economic development, structural change and natural resource booms: a structuralist perspective. Metroeconomica 61 (3), 510–539.
4. Elodie Mania, Arsène Rieber, 2019, Product export diversification and sustainable economic growth in developing countries, Structural Change and Economic Dynamics 51 (2019) 138–151
5. Finger, J. M. and M. E. Kreinin (1979), "A measure of 'export similarity' and its possible uses" in the Economic Journal, 89: 905-12
6. Imbs, J., Wacziarg, R., 2003. Stages of diversification. Am. Econ. Rev. 93 (1), 63–86
7. International Monetary Fund (IMF), 2014a. Sustaining Long-run Growth and Macroeconomic Stability in Low-income Countries-the Role of Structural Transformation and Diversification. IMF Policy Paper https://www.imf.org/external/np/pp/eng/2014/030514.pdf
8. Krugman, R.P., 1979. Increasing returns, monopolistic competition and international trade. J. Int. Econ. 9, 469–479.
9. Lederman, D., Maloney, W.F., 2006. Natural Resources: Neither Curse nor Destiny. The World Bank, Washington, D.C
10. Lederman, D., Maloney, W.F., 2012. Does What You Export Matters? The World Bank, Washington, D.C
11. Lederman, D., Maloney, W.F., 2012. Does What You Export Matters? The World Bank, Washington, D.C
12. Prebisch, R., 1959. Commercial policy in the underdeveloped countries. Am. Econ. Rev. 49 (2), 251–273.
13. Ricardo, D., 1817. On the principles of political economy and taxation. London John Murray.
14. Rodrik, D., 2012. Comments on new structural economics by Justin Yifu Lin. World Bank Res. Obs. 26 (2), 227–229
15. Singer, H.W., 1950. The distribution of gains between investing and borrowing countries. Am. Econ. Rev. 60, 473–485.
16. Vera, L.A., 2006. The Balance-of-Payments constrained growth model: a North-South approach. Journal of Post-Keynesian Economics 29 (1), 67–92

UzBridge
"UzBridge" электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
76–80 САҲИФАЛАР

# МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ИЖТИМОИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Х.М.Хўжаматова,**
Қўқон Университети катта ўқитувчиси
E-mail: xusnida2021@mail.com

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий онгни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари таҳлил қилинган бўлиб, унда мактабгача ёш даврида ижтимоий онгни шакллантириш йўллари, белгиловчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий онгни ривожлантириш механизмини ўрганиш асослаб берилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *мактабгача таълим, мактабгача таълим ташкилоти, катта ёшдаги болалар, ижтимоий онг, ижтимоий онгни шакллантириш, ижтимоий компетенция, "Мен" концепцияси, ривожланаётган бола, ўзини-ўзи баҳолаш, ижтимоий билиш.*

***Аннотация.*** *В статье анализируются педагогические и психологические особенности формирования общественного сознания у детей дошкольного возраста, изучаются пути формирования общественного сознания в дошкольном возрасте, определяющие факторы. Он также основан на изучении механизма развития общественного сознания.*

***Ключевые слова и фразы:*** *дошкольное образование, организация дошкольного образования, старшие дети, социальное сознание, формирование общественного сознания, социальная компетентность, концепция «Я», развивающийся ребенок, самооценка, социальное познание.*

***Abstract.*** *The article analyzes the pedagogical and psychological features of the formation of public consciousness in preschool children, studies the ways of forming public consciousness in preschool age, the determining factors. It is also based on the study of the development mechanism of social consciousness.*

***Key words and phrases:*** *preschool education, organization of preschool education, older children, social consciousness, the formation of public consciousness, social competence, the concept of "I", developing child, self-esteem, social cognition.*

Бугунги кунда республикамизда мактабгача таълим ёшидаги болаларни юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий маънавиятини такомиллаштириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барчаислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

"Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари"асосида ишлаб чиқилган "Илк қадам" ўқув дастурида мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенцияларидан бири сифатида ижтимоий компетенция келтирилади. Ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати бўлиб, "Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш" соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола: ўз "Мен"и ва бошқа инсонларнинг ҳаётий фаолият муҳитидаги роли тўғрисида тасаввурга эга бўлади; ўз ҳиссиётларини бошқаради ва уларни

вазиятга мос равишда ифодалайди; ўзгаларнинг ҳиссиётларини фарқлайди ва уларга мос равишда жавоб беради; катталар ва тенгдошлар билан вазиятга мос равишда мулоқот қилади; мураккаб вазиятлардан конструктив чиқиш йўлларини топади[1].

Замонавий таълимнинг назарияси ва амалиёти ўсиб келаётган ёш авлоднинг ривожланиши учун турли авлодларнинг маданий ютуқларининг узлуксизлигини таъминловчи, шу билан бирга ҳар бир инсоннинг шахсий ривожланишининг чўққисига эришиш учун асос ярата оладиган имкониятларни излашга қаратилган. Мазкур масалаларни ҳал этиш учун дастлабки шароит бўлиб инсоннинг ижтимоий аҳамиятли хулқини ташкил этишга кўмаклашувчи ички психологик шароитларни инобатга олиш бўлиши мумкин, бу эса ижтимоий онг, билиш жараёнида амалга оширилади.

"Педагогика" энциклопедиясида "Онг – 1. Одам руҳий фаолиятининг олий шакли; кишининг фикрлаш қобилияти; ақл, идрок. 2. Одамнинг ёки одамлар гуруҳининг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати. 3. Воқеликнинг инсон миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши" тарзида талқин қилинган [2; 164-б.].

"Ижтимоий онг" атамаси эса бугун педагогика, психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳаларда фаол қўлланилади. Аммо кўп асрлар давомида илмий фикр бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, аста-секин уни ягона кўринишга олиб келувчи мазкур атамани ташкил этувчи таърифларни ўрганган. Билишнинг ижтимоий алоқадорлигига тааллуқли масалалар қадимдан фалсафада ўрганилган, аммо фақат XX аср бошларида инсон ижтимоий оламни қандай англаши тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилиши таклиф этилган.

Шахслар аро билиш масалалари инсоннинг бутун ҳаёт йўли давомида ривожланган. Бу биринчи навбатда инсоннинг интеллектуал ва шахсий соҳаларининг ривожи билан боғлиқ. Инсон ўзининг Менини шакллантириши у атрофдаги оламни ва инсонлар билан муносабатларини қандай тушуниши ва тузишига бевосита боғлиқдир. Ижтимоий билиш ривожланишининг икки йўналишлари мавжуд деб ҳисоблаш мумкин: ўзини ижтимоий объект ёки ижтимоий субъект сифатида билиш йўллари бўйича.

Катта ёшли инсонда ҳар иккаласи йўналганлигида намоён бўлади. Болалик ёш даврида ижтимоий билишнинг йўналганлиги масаласини аниқ ҳал этиш қийин.

Мактабгача ёшдаги боланинг рефлексиясининг ифодаланиши у ўзини "ички" билишини кўрсатади. Шу билан бирга, интерпретация ва идентификация механизмлари бола ўзини "атрофдан" англаши тўғрисида айтиш имконини беради. Бу, боланинг ўз-ўзига муносабатлари икки йўналишларда содир бўлишини англатади: *Мен* субъект сифатида ва Мен билиш объекти.

Мактабгача ёш даврида ижтимоий онгни шакллантириш манбаларини илк ёш даврларидан кузатамиз. Масалан Н.А.Менчинская, бола ривожланиши кундаликлари тушунчалари материалини ўзлаштиришни ифодалаб, боланинг яқин атрофидаги инсонларни – она ва отасини англатувчи боланинг сўзларнинг умумий маъносини англаши, тушунишига мисол келтиради. Ҳаётининг иккинчи йилидаёқ болалар ўз отасининг индивидуал тасаввурларидан чалғишлари мумкин, "бегона" оталар бўлиши мумкинлигини ҳам тушуна оладилар [3; 392-б.]. Мазкур мисол илк ёш давридаги бола эгалланган ижтимоий маълумотни тушуниши мумкинлигини яққол ифодалайди. У маълум чегаралар доирасида ижтимоий тушунчаларни умумлаштира олади. Илк ёш даврида боланинг ижтимоий онги асосан яқин атрофдаги инсонлар – она ва ота, опалар ва акалар, бувилар ва буваларнинг ижтимоий моҳияти ифодаланишини тушунишга қаратилган.

Бу даврда боланинг бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатлари уларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари, хулқларининг тўғридан-тўғри маъносини тушуниш асосида қурилади. Ўз шахсига мурожаат бошқа инсонлар билан ўхшаш сифатларга эга бўлган, ташқи объект сифатида содир бўлади. Мазкур ифодалар илк ёш давриданоқ ижтимоий онгнинг асоси юзага келиши тўғрисида гувоҳлик беради: бола ижтимоий объектларни аниқ ажратади, яқин инсонларни ажратади, ўзининг инсонлик моҳиятига мурожаат этади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий билиши ривожланиши учун боланинг билиш фаолиятининг шаклланиши динамикаси ҳал этувчи аҳамиятни ташкил этади.

Мактабгача ёшдаги боланинг когнитив ривожланишининг муҳим жиҳати – хотира ҳисобланади. Физиологик имкониятларнинг ошиши билан мактабгача ёшдаги болада мнемик қобилиятлар ҳам таркиб топади, хотира онгнинг марказига айланади.

Л.С.Выготский ва А.Р.Лурияларнинг таъкидлашича, мактабгача ёшдаги бола хотирасининг ривожланиши маданият ва социумнинг таъсирига сезиларли боғлиқдир: “... ривожланаётган бола кўпинча унга эслаб қолишига ёрдам берувчи тайёр тизимларни қабул қилади ва фақат уларга жалб этилади, улардан фойдаланишни ўрганади, уларни эгаллайди ва улар орқали ўз табиий жараёнларини ўзгартиради” [4; 165-б.].

Мактабгача ёш даврида болаларда сенсор тажриба тизими шаклланиб, у билишга оид фаолиятнинг яна бир жиҳати ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги бола предметларнинг шакли, катталиги, ранги, таъми, ҳиди каби кўп сонли сифат ва хусусиятларини, предметларнинг фазодаги ҳолати, предметлар ўртасидаги муносабатларни аниқлашнинг усулларини эгаллайди, вақтни идрок этишни ўзлаштиради. Атрофдаги оламни идрок этиш ижтимоий тажриба нуқтаи назаридан амалга ошади, билимларни ўзлаштириш ўқитишнинг муайян тизимида содир бўлади.

Когнитив ривожланишнинг аҳамиятли жиҳати сифатида болалар тафаккури ва нутқи хизмат қилади. Мактабгача ёш даврида тушунчалар, жумладан ижтимоий объектлар: ўзи ва бошқа инсонлар тўғрисидаги тушунчаларнинг фаол шаклланиши содир бўлади. Нутқ ва тафаккурнинг ривожланиши боланинг атрофдаги олам тўғрисидаги масалалар бўйича билим ва тасаввурлари доирасининг ортишига ёрдам беради.

Мактабгача ёшдаги болалар ўзлари ва бошқа инсонлар тўғрисидаги табақалашган ижтимоий билимларни олишлари, ўзларига, тенгдошлари ва катта инсонларга нисбатан турли муносабатларни ҳис этишлари тўғрисидаги масаланинг қўйилиши яхлит “Мен” образи шаклланиши тўғрисида фикр юритишга ундайди.

С.И.Розумнинг фикрига кўра, “Мен” образи – “мулоқот маҳсули сифатида” қараш зарур бўлган марказий психик ҳодиса ҳисобланади. Бу жиҳатдан “Мен” образи инсоннинг “Мен-концепцияси” билан мувофиқликка келтирилади[5]. Умумий ҳолда “Мен” образи бола томонидан катталарнинг, яъни ижтимоий атроф-муҳитнинг ролларини қабул қилиши орқали шаклланади. “Мен” образи мураккаб тузилмавий ҳосила ҳисобланиб, ўз ичига ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, юзага келган ижтимоий вазиятда ўрнини аниқлаш элементини киритади, унинг асосий вазифаси ижтимоий билиш жараёнида оламнинг мос ифодасини қуриш, шахснинг ички мувофиқлигини, унинг хулқининг нисбатан барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Шахснинг ривожланиши, унинг фаолияти ва хулқи Мен-концепциясининг сезиларли таъсири остида бўлади.

Г.Крэйг томонидан ўтказилган мактабгача ёшдаги боланинг Мен-концепциясининг ривожланиши муаммоси бўйича хорижий тадқиқотларнинг таҳлили, биринчидан ўз эгаликлари чегараларини белгилашни биладиган болалар ривожланган когнитив соҳалари билан тавсифланадилар: бундай болаларда ўзи ва бошқа инсоннинг алоҳида мавжудотлар сифатида тушуниш ортади. Иккинчидан, яхши ижтимоийлашган болалар янада ривожланган Мен-концепциясига эга бўладилар [6]. Буларнинг барчаси, болада ўзини тушуниш ижтимоий оламни тушуниш билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблаш имконини беради.

Аввал бола предметли соҳада ўхшашга интилиб, катталарга тақлид қилади. Болани бошқа инсон қандай ҳаракат қилиши, бунинг учун у қандай предметлардан фойдаланиши қизиқтиради. Бола катта инсонга предметли ҳаракатларда тақлид қилиб, доим унга ўхшаш бўлишга интилади: шунингдек «ўқиш», «тикиш», «мих қоқиш» кабиларда.

Аста-секин бола катта инсоннинг ижтимоий вазифаларининг нафақат предметли ташкил этувчиларини ажратади, у ролли вазиятларга боғлиқ бўлган, инсонлар ўртасида турли хил ўзаро муносабатлар юзага келишини англайди.

Бу даврда болага жинси, оиладаги ўрни, болалар боғчасидаги позицияси ва бошқалар бўйича мансублик ҳисси шаклланади. Ижтимоий билиш механизмлари орқали бола ўзи ва бошқа инсонлар тўғрисида кўпгина билимга эга бўлади. Бошқа томондан, ижтимоий билиш механизмларининг ривожланишига тенгдошлари ва катталар билан мулоқот ёрдам беради.

Мактабгача ёш даврида болаларнинг тенгдошлари билан мулоқотлари фаол ривожланади. А.Г.Рузскаянинг тадқиқотида илк ва мактабгача ёш даврида тенгдошлар билан мулоқотда болага ўзини-ўзи билиш ва ўзини-ўзи баҳолашни таъминловчи шароитлар яратилиши таъкидланган. Болалик даврида ўзини-ўзи баҳолашнинг динамикаси ижтимоий билиш ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир[7].

Мактабгача ёшдаги бола ўз олдига "юқори" қийинчиликдаги вазифаларни қўяди, унинг интилишлари уларни ҳал этиш учун кучини максимал қўллашга ундайди. Болалар тенгдошлари билан ўзаро муносабатларда, улар катталарнинг тажрибасини қандай ўзлаштирганликларини текшириб кўришлари, ўз хулқларини бошқа болаларнинг хатти-ҳаракатлари билан бевосита солиштиришлари, улар билан баҳс ва мунозараларда нимани ва қандай амалга ошириш кераклигини аниқлашлари мумкин.

Тенгдошлари билан мулоқот боланинг потенциал имкониятларини очиш, унинг бошқа инсонларга муносабатлари шаклланиши учун туртки беради, шунингдек мактабгача ёшдаги боланинг ўзини-ўзи билишига таъсир кўрсатади.

Чаққонлик сифатини ривожланиши учун қулай давр 7 ёшдан 14 ёшгача давр ҳисобланади. Чаққонлик сифатини тараққий этиши оёқ панжаларни айниқса, товонни пастки юзасини кенгайишига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткичлар қанча эрта ривожланса чаққонлик хам шунча тез кўринади. Чаққонлик сифати хам 18-20 ёшдан бошлаб сусайишга кетади, махсус машқлар билан шуғулланиш чаққонликни сусайишини секинлаштиради ва узоқ йиллар давомида юқори бўлишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Жисмоний машқлар етук ва кекса ёшдаги одамлар организмини функционал ҳолатини яхши сақланишини таъминлайдиган воситалар ҳисобланади. Одам организмининг функционал ҳолати деганда жисмоний иш ва спорт фаолиятини таъминлайдиган сифатлар назарда тутилади. Ҳаракат фаоллиги билан боғлиқ асосий функционал ҳолатларга чарчаш, сурункали чарчаш, ўта чарчаш, руҳий эмоционал зўриқиш, монотония, гипокнезия ва гиподинамияларни кўрсатиш мумкин. Барча функционал ҳолатларни 3- типга бўлинади: нормал (чарчаш), чегаравий (сурункали чарчаш) ва патологик (ўта чарчаш). Маълумки кекса одамлар тез чарчайди ва ўта

[43] Саломов Р. С. –п.ф.д., профессор (2005 й). ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими.
[44] Юнусова Ю.М. 1994 й. Спорт фаолиятининг назорат асослари. Тошкент, Платонов В.П

чарчаш ҳолатига тез ўтади. Кекса одамлар руҳий эмоционал кечинмаларга берилувчан бўлади, уларнинг ҳаёти монотон ёки деярли бир хил бўлади. Уларда гиподинамия, гипокнезия ҳолатлари кўп кузатилади. Бу омиллар таъсирида организмнинг аъзо ва тизимларининг функциялари сусайиб, энергия сарфи камайиб кетади. Бундай физиологик силжишлар организмни кислород истеъмолини ва уни ўзлаштириш коэффицентини камайиши, тўқималарда нафасни, умумий газлар ва энергия алмашинувини сусайишига сабаб бўлади. Оқибатда одамнинг жисмоний меҳнат қобилиятчанлиги сезиларли даражада пасаяди. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш юқоридаги камчиликларни олдини олади. Физиологик нуқтаи назардан кекса одамларда функционал ҳолатни ўзгариши ва меҳнат қобилиятчанликни сусайиши кўп омилларга боғлиқ бўлади, аввало уларда қоннинг оқиш тезлигини секинлашади, ҳаракатланаётган қоннинг сиғими камаяди, қоннинг кислород билан бирикиши пасаяди, аъзо ва тўқималарда гипоксия ҳолати ривожланади. Мускулларда ва жигарда гликоген захирасининг озлиги қонда глюкоза миқдорини камайишига, оксидланиш жараёнлари ва энергия алмашинувини пасайишига олиб келади. Қайта тикланиш реакцияларини секинлашиши ва организмни қон томирлари ва тўқималарида қаришга оид ўзгаришларни тараққий этиши кузатилади. Натижада меҳнат қобилиятчанлигини воситасиз кўрсаткичлари (бажарилган ишнинг миқдори ва сифати) ва воситали кўрсаткичларини (физиологик, биокимёвий ва психофизиологик) пасайиб кетиши, бажарилган ишнинг физиологик қимматини ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда одамнинг саломатлигининг ҳолати, жисмоний тайёргарлиги ва унининг чидамлилигини баҳолаш усуллари мавжуд. Масалан, ЮНЕСКО нинг тиббий-биологик дастурида қабул қилинган ***саломатлик тестида*** одамнинг ёши, тана вазни, чекиши, алкогол истеъмол қилиши, статик юкламаларга чидамлилиги, тинч ҳолатда ва динамик юкламалардан кейин юрак уришлар сони ва унинг қайта тикланиши ҳисобга олинади. Ҳар битта кўрсаткичга балл берилиб улар қўшилади ва у асосида овқатланиш хусусиятлари, ҳаракат фаоллиги ва махсус жисмоний чиниқишга тегишли тавсиялар берилади.

Фаол узоқ яшаш ва қаришни олдини олишга қаратилган ишларнинг барча муаллифлари биринчи ўринга жисмоний чиниқишни қўяди. Масалан Америкалик физиолог А.Танни томонидан ўрганилган бир қатор омиллар ичида оптимал жисмоний юкламаларни бошқа омиллардан устун қўяди. Физиологик-педагогик нуқтаи назардан энг яхши натижага эришиш учун фойдаланиладиган энг кичик сиғимдаги жисмоний юкламанинг ҳажми ***оптимал юклама*** ҳисобланади.

Оптимал соғломлаштирувчи юкламани баҳолашда кўпчилик учун энг қулай ва ишончли маълумотни юрак уришлар сони (зарба/дақиқа) аниқлаш орқали олиш мумкин. Буни аниқлаш учун билакни қўл панжаларига яқин жойидан тирсак артерияси топилиб 15 с давомида томирни тебраниши (пулс) саналади, олинган сонни тўртга кўпайтириб бир минутдаги юрак уришлар сони аниқланади. Кўпчилик мутахассисларни маълумотлари умумлаштирилганда турли ёшдаги одамларни соғломлаштирувчи жисмоний тарбия билан шуғулланишига мос келадиган юрак уришларнинг ўртача қиймати аниқланган. Масалан 20 ёшли одамлар учун бир минутда юрак уришлар сони – 140 та, 30-ёш одамлар учун – 130 та, 40 ёшда – 125 та, 50 ёшда – 120 та, 60 ва ундан катта ёшларда 100-110 тадан ортиб кетмаслиги керак. Жисмоний чиниққанлар учун бу кўрсаткичлар бироз юқори бўлиши мумкин.

Саломатликни сақлаш, эрта қариб қолишни олдини олиш ва фаол узоқ яшашни узайтиришда жисмоний тарбия ва спортни роли ва аҳамиятини аниқлашда, мунтазам жисмоний юкламаларни бажарувчи одамларда юзага келадиган бир қатор физиологик ўзгаришларни аниқлаш орқали баҳоланади. Бу одамларда қон, тўқима ва аъзоларни кислород билан бирикиши яхшиланади, регионал гипокцияни ривожланишини олди олинади, метаболизм даражаси кўтарилади ва организмдан моддалар алмашинувининг кераксиз маҳсулотларини чиқариб ташлаш тезлашади. Бундай одамларда оқсиллар, ферментлар ва гормонларни биосинтезининг юқори даражаси сақланиб қолади, бу ўз навбатида организмни қариш жараёнларини сезиларли даражада секинлаштиради. Етарли даражада жисмоний юкламалар билан шуғулланиш холестерин ва липопротеидларни миқдорини камайтириб юракни ишемик касаллиги, атеросклероз ва семириб кетиш касалликларини олдини олади. Мускуллар фаоллигини ортиши ("мускул насоси" ёки "периферик юрак") юрак қон – томир тизими фаолиятини яхшилайди. Охир оқибатда организмни ташқи муҳитни ноқулай омиллари таъсирига чидамлилиги ортади, бир қатор

касалликларни юзага келиш имкониятлари пасаяди, ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятчанлик сақланиб қолади.

**Хулоса ва таклифлар**

Шундай қилиб, саломатликни сақлаш, эрта қариб қолишни олдини олиш ва фаол узоқ умр кўришни таъминлайдиган омиллар ичида жисмоний машқлар билан шуғулланиш энг қулай восита эканлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Жисмоний юкламалар билан шуғулланганда уларни организмга таъсирини бир минутда юрак уришлар сонини ўлчаш орқали баҳолаш мумкин. Жисмоний юкламанинг ҳажми организмга чиниқтирувчи самара бериши керак, аск ҳолда кўп бўлса касаллик келтириб чиқариши, кам бўлса самара бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатларни олдини олиш учун ҳар ким ўзига муносиб жисмоний юкламани танлаб олиши керак. Ўзига мос келадиган жисмоний юкламани танлашда юрак уришлар кўрсаткичидан фойдаланилади. Буни аниқлаш учун максимал юрак уришлар сонидан (220) шуғулланувчининг ёши (йилларда) айириб ташланади. Чиққан сон (160) шу одам учун юрак уришларни максимал кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан: 220 – 60 = 160 Жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг дастлабида максимал кўрсаткични 65% даражасидаги юкламадан фойдаланилади. 160 ни 65% 104 ни ташкил қилади. Демак, 60 ёшли одамни юрак уришлар частотаси жисмоний юкламалар таъсирида 100 – 105 та чегарада уриши керак.

Жисмоний юкламалар таъсирига организмни адаптацияланиши натижасида дастлабки юклама таъсирига юрак уришлар сони камайиб боради. Бу эса чиниқтирувчи самарани сусайтиради. Шу сабабли, жисмоний юклама кўпайтириб, юрак уришлар сонини ортишини аста-секинлик билан 85% гача кўтарилади.

Жисмоний машқларни танлашда кекса ёшдаги одамларга динамик машқлардан юриш, югуриш, сузиш, велосипед ҳайдаш ва ҳ. к. – фойдаланишни тавсия қилинади. Шуғулланиш частотаси жисмоний чиниққанлигига қараб ҳафтасига 3 – 5 марта олиш мумкин. Бироқ кекса ёшдаги одамлар ҳеч ҳам организмни зўриқиб ишлашига олиб келмаслиги лозим.

Катта соғлом одамларда чидамлилик ва мускул кучи тана таркиби ва кардиоресператор функцияни ривожланиши ва ушлаб турилиши учун чиниқиш юкламаларнинг катталиги ҳақида умумий тавсияномалар олимлар томонидан яратилган.

1. Чиниқиш машғулотларининг частотаси-ҳафтада 3-5 кун;
2. Ишнинг жадаллиги куч нинг максимал даражасидан 65-85 %;
3. Машғулотларнинг давомлилиги тўхтовсиз аэроб иш бажарганда ишнинг жадаллиги 20-60 минут;
4. Машқларнинг тури кўп мускул гуруҳлари иштирок этадиган жисмоний машқлар юриш, лўккиллаб югуриш, велосипед ҳайдаш,сузиш рақсга тушиш ва х.з;
5. Анаэроб имкониятларни ушлаб туриш учун ўртача жадалликдаги қаршиликли машқлар.

Ҳафтада камида 2 кун катта мускул гуруҳларини 8-10 та машқлари.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Солодков, А. С. (2017) Физиология человека: общая, спортивная, возрастная //А.С.Солодков, Е. Б. Сологуб. – 7-е изд. – Москва : Спорт,. – 621 с.
2. Солодков А.С. (2011) НГУ из П.Ф.Лесгафта. – 2 -е изд., испр. и доп. –М.: Советтский спорт. -200с.
3. Саломов Р. С. –п.ф.д., профессор (2005 й). ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими.
4. Юнусова Ю.М. 1994 й. Спорт фаолиятининг назорат асослари. Тошкент, Платонов В.П.

“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
95 – 102
САҲИФАЛАР

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хожаев Азизхон Саидалохонович**
Фарғона политехника институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доцент в.б., PhD.
E-mail: a.xojayev@ferpi.uz, imf_azizi83@mail.ru
Тел.: +99890-274-33-99

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий масалалари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг моҳияти, таркиби ҳамда ҳисобини ташкил қилишнинг меъёрий-хуқуқий асослари тадқиқ қилинган. Мақолада бухгалтерия ҳисобида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил қилиш йўллари баён этилган.

**Таянч сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, олий таълим муассасаси, бюджетдан ташқари маблағлари, бюджет ҳисоби, ҳуқуқий-меъёрий асослари, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ўзини-ўзи молиялаштириш, пуллик хизматлар, таълим хизматлари, илмий тадқиқот ишлари

**Аннотация:** В статье рассмотрены теоретические вопросы организации бухгалтерского учета в высших учебных заведениях, их особенности. Изучены сущность, структура и нормативно-правовые основы организации учета внебюджетных фондов в образовательных учреждениях. В статье описаны способы организации учета внебюджетных средств в бухгалтерском учете.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, высшее учебное заведение, внебюджетные фонды, бюджетный учет, нормативно-правовая база, организационно-правовая форма, самофинансирование, платные услуги, образовательные услуги, научно-исследовательская работа

**Annotation:** This article describes the theoretical issues of the organization of accounting in higher education institutions, their specific aspects. The essence, structure and normative-legal bases of the organization of the account of extra-budgetary funds in educational institutions are studied. The article describes the ways of organizing the accounting of extra-budgetary funds on the account.

**Keywords:** accounting, higher education institution, extra-budgetary funds, budget accounting, regulatory framework, organizational and legal form, self-financing, paid services, educational services, research work

## КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатда бюджет тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бир қатор тармоқ ва соҳалар қатори ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда молиялаштиришга, соҳани давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар билан таъминлаш бўйича ташкилий, ҳуқуқий асослар яратилди. Ижтимоий соҳалар ичида таълим соҳаси алоҳида ўринни эгаллаб, ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришнинг ташкилий, меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, таълим соҳасида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағларни топишлари, улардан самарали фойдаланиш ва назорат қилиш тартиботлари юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларининг ўзгариши, хусусан, илк бора республиканинг 10 та олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиялаштириш тизими

ўтказилиши[45], бошқа давлат олий таълим муассасаларининг молиявий мустақилликка босқичма-босқич ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек ҳозирги кунда давлат олий таълим муассасалари билан бир қаторда, хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ва хусусий ташкил этилаётган олий таълим муассасалари фаолиятларини ташкил этиш билан бирга уларни молиялаштириш ҳамда ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни ўрганишни тақозо қилади. Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ўрганишдан аввал унинг ташкилий ҳуқуқий шаклини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу ташкилий ҳуқуқий шаклдан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, солиққа тортиш ҳамда ички назорат тизимини шакллантириш йўлларини аниқлаш мумкин бўлади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда давлат ва бошқа олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари топилган маблағлари таркибий тузилиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилишни тадқиқ этишни тақозо қилади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва назорат ишларини ташкил қилиш масалалари бўйича республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан А.К.Ибрагимов, Б.Б.Сугирбаев[46], М.Останақулов[47], С.У.Меҳмонов[48], М.Х. Саидов[49] кабилар илмий тадқиқот олиб боришган. Таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари билан Ш.В.Ғаниев[50], К.Ш.Ибрагимов[51]лар тадқиқ этишган бўлса, россиялик иқтисодчи олимлардан С.Н.Беглова[52], А.И.Затова[53], О.А.Колеватова[54], Н.Р.Кельчевская[55] кабилар тадқиқот олиб боришган.

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида ишнинг назарий-услубий асосларини ўрганишга бағишланган тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган. Ушбу келтирилган усуллар ишнинг мақсад ва вазифаларга қараб турли босқичларида фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**

Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисида тадқиқ қилинаётган бўлса, энг аввало, олий таълим муассасасининг ташкилий шаклини аниқлаш зарур бўлади. Амалдаги ҳужжатларга асосан "олий таълим муассасаси – юридик шахс сифатида олий таълимнинг ўқув режалари ва фан дастурларини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда

---

[45] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги 2019 йил 3 декабрьдаги 967-сонли Қарори. www.lex.uz

[46] А.К.Ибрагимов, Б.Б.Сугирбаев Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. infoCOM.uz МЧЖ. Т.: 2010, 192 б.

[47] М.Остонақулов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Иккинчи нашр.-Т.: Iqtisod-moliya, 2009. 428 б.

[48] С.У.Меҳмонов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2018. –Б36.

[49] М.Х.Саидов Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: Ўқув қўлланма. Т.: "Tafakkur bo'stoni", 2011. 432 б.

[50] Ш.В.Ғаниев Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) Иқт.фан.ном.илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2008.

[51] К.Ш.Ибрагимов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). "Ҳалқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, № 1, февраль, 2018 й.

[52] С.Н. Беглова Организация бухгалтерского учета в государственных высших учебных заведениях. Санк-Петербург. 2004. 149 с.

[53] А.И.Зотова Бухгалтерский учет в высших образовательных учреждениях (на примере вузов Центросоюза РФ), М.: 2000 г. 176 с.

[54] О.А.Колеватова Учет внебюджетных средств в бюджетных учреждениях. Москва 2003. 161 с.

[55] *Н.Р.Кельчевская* **Экономическая устойчивость высшего учебного заведения** */Екатеринбург: ГОУ УГТУ–УПИ, 2002. 77 с.*

тузиладиган, ўз Устави ҳамда мазкур Низом асосида иш юритилиши” [56] кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш асосида олиб борилади.

Мамлакатимиздаги амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олий таълим муассасалари таълим муассасаси тарзида бюджет ташкилоти сифатида қаралиб, уларнинг асосий мақсади – фойда олишга қаратилмайди. Лекин шунинг билан бир қаторда ўз фаолияти давомида бюджетдан ташқари маблағларни турли тадбиркорлик фаолияти билан ҳам топишлари мумкин бўлади. Бунда олий таълим муассасасининг тасдиқланган устави асосида тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирадиган фаолиятларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Олий таълим муассасаси даромад келтирадиган фаолиятларни амалга ошириш учун юқори турувчи органининг рухсати асосида хизматларни кўрсатадилар.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари эса тасдиқланган Васийлик кенгаши орқали олий таълим муассасанинг даромад ва харажатлари параметрларини тасдиқлаш, молия йили учун тайёрланган бизнес режасини кўриб чиқиш, йиллик молиявий ҳисоботларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, молиявий фаолиятини билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш каби ишлари белгиланган. Шунинг билан бирга таълимнинг қўшимча хизматларини жорий қилиш, иқтисодиёт тармоқлари учун мутахассисларнинг малакасини ошириш, бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш белгилаб ўтилган.

Бунда давлат, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ва хусусий олий таълим муассасалари лицензияланалиган фаолият турларини амалга оширишлари учун белгиланган тартибдаги рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда пуллик қўшимча таълим ва таълим муассасасининг уставида назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатиши, шунингдек ихтиёрий хайриялар орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, жисмоний ёки юридик шахсларнинг, шу жумладан хорижий фуқаролар ва хорижий юридик шахсларнинг мақсадли бадалларини жалб қилиш имконияти мавжуд (1-расм).




**1-расм. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари фаолият йўналишлари[57]**

[56] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Тошкент ш., 2003 йил 9 январь, 9-сон

[57] Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган



www.uzbridge.eyuf.uz

Фарғона политехника институтининг бу соҳадаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, 2019 йилда қуйидагича бўлганлиги кўриш мумкин (1-жадвал):

**1-жадвал**

**Фарғона политехника институтининг 2019 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари**

| № | Манбалар | Суммаси, млн.сўм | Улуши, % |
|---|---|---|---|
| 1. | Бюджет маблағлари | 26516,7 | 30,95% |
| 2. | Тўлов-контракт маблағлари | 56398,2 | 65,83% |
| 3. | Бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари | 1642 | 1,92% |
| 4. | Давлат буюртмаси асосида илмий-инновацион маблағлари | 1024,4 | 1,20% |
| 5. | Инновацион тижоратлаштирш маблағлари | 85,9 | 0,10% |
| **Жами даромадлар** | | 85 667,20 | 100% |

Олий таълим муассасасининг даромадлари таркибини таҳлил қилар эканмиз, давлат бюджетидан молиялаштириш 30,95 фоизни, бюджетдан ташқари тўлов шартнома маблағлари – 65,83 % ташкил этиб, илмий инновацион фаолияти улуши 1,2 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу таҳлил кўрсаткичларидан ҳам кўриниб турибдики, олий таълим муассасасида кўпроқ улушни бюджет ташқари фаолиятлари асосида топилган маблағлар эканлигини кўриш мумкин. Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, даромадлар таркибининг асосий қисмини тўлов-шартнома маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Олий таълим муассасаларида бюджет ташқари маблағларнинг асосий қисми илмий тадқиқот ишлари ва илмий маслаҳатлар беришдан келиб тушади. Лекин юқоридаги 1-жадвалда бу кўрсаткич паст эканлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида ҳозирги рақобат муҳитида олий таълим муассасаларининг ушбу илмий тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият бериш кераклигини англатади. Чунки илмий тадқиқот ва ишланмалар бир вақтнинг ўзида ҳар қандай олий таълим муассасаларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, уни тўғри ташкил этиш орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади Бунинг натижасида олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади. Ушбу фаолият турининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

• тадбиркорлик субъектлари билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

• фуқароларга, корхона ва ташкилотларга пуллик ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

• олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига тегишли патент, ноу-хау, дастурий таъминот ва лицензияларни сотиш;

• олий таълим муассасалари ташкил қилинган технопарклар, бизнес-инкубаторлар, марказлар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини малакасини ошириш, уларга илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаларини (маҳсулотларини) жорий этиш;

• илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга, ижтимоий тадбирларни ўтказиш, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этиш, халқаро ва ички грантлар олиш, донорлик ёрдамларини жалб қилиниши мумкин.

Олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик ва бошқа қонуний фаолиятдан олинган даромадлар қуйидагилар киради:

• сотиб олинган товарлар, асбоб-ускуналар билан савдо қилиш;

• турли воситачилик хизматларини кўрсатиш;

• олий таълим муассасанинг уставда назарда тутилган маҳсулот (иш, хизматлар) ни ўз ишлаб чиқариши ва уларни реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган даромад келтирувчи операцияларни амалга ошириш.

Шунинг билан бирга олий таълим муассасасининг даромад келтирадиган фаолиятларнинг рўйхатига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• ноширлик, нашриёт ва матбаа фаолияти;

• ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида яратилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш;

• транспорт воситалари, компютерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

• пуллик кутубхона хизматларини кўрсатиш;
• пуллик спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш;
• экскурсия хизмати, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш;
• олий таълим муассасасининг санаторий ва дам олиш марказларига тижорат йўлланмаларини сотиш;
• олий таълим муассасасининг умумий овқатланиш корхоналари томонидан хизматлар кўрсатиш;
• олий таълим муассасаси ётоқхоналари ва меҳмонхоналари томонидан пуллик хизматлар кўрсатиш;
• талабалар ётоқхоналарида талабалар учун юқори даражадаги меҳмонхона хоналари жиҳозлари ва бошқалар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадалларини жалб қилиш (эндаумент фонд) олий таълим муассасаси томонидан ҳеч қандай моддий ёки молиявий харажатларни амалга ошириш билан деярли боғлиқ бўлмайди. Бироқ, бу албатта, олий таълим муассасаси фаолиятининг алоҳида янги тури бўлиб, унинг самарадорлиги дастлабки ташкилий тадбирлар мажмуасини амалга ошириши зарур бўлади. Бунда олий таълим муассасаси битирувчиларини жалб қилиш, ҳомийлик ёрдамларини олиш, олий таълим муассасаси фаолият йўналишига доир корхона ва ташкилотларнинг молиявий ёрдамларини жалб этилиши, кадрлар алмашиш, ҳамкорликда кадрларни тайёрлашни назарда тутади.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг ушбу фаолиятга доир турига қуйидагиларни киритиш мумкин:
• олий таълим муассасаси Васийлик кенгашидан моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли маблағлар олиш;
• ўқув-ишлаб чиқариш хоналари, илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш учун жисмоний ҳамда юридик шахслардан мақсадли бадалларни жалб қилиш;
• олий таълим муассасаси битирувчилари, бизнес вакилларининг ихтиёрий хайриялари, хайрия жамғармаларидан тушган маблағлар ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фаолият сифатида олий таълим муассасаси таъсисчилигида очилган корхоналардан (унитар, spin-off ва х.к.) келадиган даромадлар ҳам ҳозирги кунда ривожланаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда олий таълим муассасаси таъсисчи бўлган корхоналарда институтнинг моддий, ўқув-услубий, илмий-педагогик зарур бўлганда молиявий таъминотларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишларини, тажриба конструкторлик ишларини ташкил қилиш, реал ишланмаларни бозорга тезлик билан олиб чиқишга қаратилганлиги билан алоҳида ўрин тутади. У асосан олий таълимнинг академик тузилмалари - университетлар, институтлар, илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга интилаётган ташкилотлар негизида ташкил этилади. Spin-off корхоналари фаолиятининг муҳим натижалари илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш, юқори турувчи ташкилот бюджетига қўшимча даромад ишлаб топиш асосида иқтисодиёт тармоқларидаги инновацион фаолликни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда пуллик таълим хизматлари давлат, ўзини ўзи молиялаштириш тизимидаги ва хусусий олий таълим муассасалари учун бюджетдан ташқари фаолиятдан олинадиган асосий даромад манбаи ҳисобланади. "Таълим тўғрисида"ги Қонунга[58] асосан умумий ўрта, ўрта махсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш бепул эканлиги белгиланган. Демак, бизга маълумки, олий таълим пуллик асосида ташкил этилади. Бунда олий таълим муассасаларининг квота доирасида давлат грантлари ҳамда тўлов-шартнома асосида ташкил этилади. Пуллик таълим хизматларини кўрсатиш шартномалар асосида жисмоний ёки юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан таълим фаолиятини амалга оширишни англатади. Пуллик таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар олий таълим муассасаларининг уставида кўрсатилган мақсадларига мувофиқ тасарруф этилади.

Олий таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини амалга ошириш муайян йўналишлар бўйича узлуксиз касбий таълим тизимида амалга оширилади. Бунда олий

---

[58] Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. https://lex.uz/docs/5013007


www.uzbridge.eyuf.uz

таълим муассасага киришдан аввалги тайёргарлик кўриш бўйича хизматлар тегишли марказлар томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

• олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари фанлари ва кириш тестларига мувофиқ кириш учун тайёргарлик курслари (кундузги, кечки, сиртқи);

• кичик гуруҳларда фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш, турли олимпиадаларга тайёргарлик кўрсатиш;

• таълимнинг тезлаштирилган шаклига кирувчи асосий техникум битирувчилари ва иккинчи олий маълумот олишни хоҳловчилар учун экспресс курсларни ташкил қилиш;

• умумтаълим мактабларининг ихтисослаштирилган синфларида алоҳида фанларни чуқур ўрганган ҳолда махсус курсларни ўқитиш.

Олий таълим муассасаларида асосий касбий таълим дастурларини амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

• жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар бўйича тўлов-контракт асосида ўқитишнинг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитиш (кундузги, сиртқи, кечки, масофавий);

• фуқароларнинг иккинчи олий маълумотга эга бўлиши (сиртқи тарзда);

• давлат комиссияси қарорлари асосида талабгорларнинг табақалаштирилган ва орттирилган тўлов-шартнома асосида ўқишларини ташкил қилиш.

Олий таълимда бакалавр ва магистр дастурларини амалга ошириш жараёнида талабалар, уларнинг илтимосига биноан, қуйидаги қўшимча пуллик хизматлар кўрсатилиши мумкин:

• давлат таълим стандартларининг тегишли ўқув дастурларида кўзда тутилмаган махсус курслар ва фанлар циклларини ўрганиш;

• ўқув режасида назарда тутилган ушбу фан бўйича махсус фанларни соатдан ортиқ ва дастурдан ортиқ ўрганиш;

• махсус имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўриш бўйича пуллик курсларни ташкил этиш;

• хорижий давлатлар фуқароларини олий таълимдан кейинги таълимда тайёрлаш.

Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган давлат таълим дастурлари, қоида тариқасида, икки турга бўлинади: олий ўқув юрти мутахассисликлари ва таълим йўналишларининг таълим дастурлари асосида тайёрлаш, малака ошириш ва касбий қайта тайёрлашдан иборат бўлади. Бунда истиқболли йўналишлардан бири – битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган касбга йўналтириш асосида асосий мутахассислик билан боғлиқ қўшимча малака олишлари учун  имконият яратишни ҳам келтириш мумкин.

Шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни топиш учун олий таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларининг айрим турлари учун нархни белгилашдан аввал бир қатор маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сонли “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Қарорида магистратура мутахассисликлари учун қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилиш абитуриентларнинг тўлов-шартнома суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланиши кўрсатиб ўтилган[59]. Шуларни инобатга олган ҳолда кўрсатиладиган таълим хизматларига нарх белгилашда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш асосида қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Хусусан:

• таълим хизматларини кўрсатишнинг реал харажатлари ва уларнинг таркибини таҳлил қилиш;

• ҳудудлардаги олий таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган шу каби хизматлар нархларини ўрганиб бориш;

• таълим хизматлари нархига таъсир кўрсатадиган омилларни ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш;

• олий таълим муассасасининг нарх-наво рақобатбардошлигини баҳолаш;

• олий таълим муассасасининг нарх стратегиясини ишлаб чиқиш;

---

[59] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сонли “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Қарори, https://lex.uz/docs/5472291

• кўрсатиладиган таълим хизматлар нархини аниқлаш методологиясини танлаш;

• бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган таълим хизматлари учун минимал, максимал нархларни аниқлаш, уларнинг келиб чиққан ҳолда мақбул нархлар даражасини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Олий таълим муассасаси фаолияти бошқарувини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, таълим жараёнлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш бўйича қарор қабул қилишда маълум бир иқтисодий ахборотларга эҳтиёж сезилади. Ўз навбатида бу маълумотлар бухгалтерия ҳисоби асосида олиниши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишда бугунги кунда даромадлар ҳисобини юритиш ишларини такомиллаштириш зарур бўлади. Чунки бугунги кунда топилаётган даромад суммалари умумий бир ҳисобда юритилиши синтетик счетларда акс этмоқда. Лекин ҳар бир таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича аналитик ҳисоблар асосида ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда олий таълим муассасаларининг юқоридаги фаолият натижалари бўйича алоҳида-алоҳида даромадлари ва харажатлари учун аналитик ҳисобларни ташкил қилиш зарур бўлади. Шундагина кўрсатилаётган фаолият турлари бўйича топилаётган бюджетдан ташқари маблағларнинг салмоғини, уларнинг миқдор ва сифат жиҳатларини аниқлаш асосида тегишли қарорларни қабул қилиш мумкин бўлади. Ўзини ўзи молиялаштириш тизимидаги ва хусусий олий таълим муассасалари фаолияти учун ҳам муҳим ҳисобланиб, якуний фаолият натижасини аниқлаш ва баҳолаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар**

Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики: замонавий шароитларда олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш, уларда амалга оширилаётган фаолият турлари бўйича молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳисоб сиёсати, даромад ва харажатларнинг таркибий қисмлари асосида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларининг бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш зарур бўлади. Бунда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлари ҳисобини синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотлари асосида юритилишини таъминлаш;

2. Олий таълим муассасаларининг амалга ошираётган фаолият турлари бўйича ишлаб топилаётган даромадлари ва сарфланаётган харажатлари ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. 1 та талаба учун бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари харажатлари миқдорини реал аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. https://lex.uz/docs/5013007

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги ПҚ-5157-сонли “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Қарори, https://lex.uz/docs/5472291

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 2019 йил 3 декабрьдаги 967-сонли Қарори. www.lex.uz

4. А.К.Ибрагимов, Б.Б.Сугирбаев Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. infoCOM.uz МЧЖ. Т.: 2010, 192 б.

5. М.Остонақулов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Иккинчи нашр.-Т.: Iqtisod-moliya, 2009. 428 б.

6. С.У.Меҳмонов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2018. – Б36.

7. М.Х.Саидов Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur bo‘stoni”, 2011. 432 б.

8. Ш.В.Ғаниев Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) Иқт.фан.ном.илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф.-Т.:2008.

9. К.Ш.Ибрагимов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). “Ҳалқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, № 1, февраль, 2018 й.

10. С.Н. Беглова Организация бухгалтерского учета в государственных высших учебных заведениях. Санк-Петербург. 2004. 149 с.

11. А.И.Зотова Бухгалтерский учет в высших образовательных учреждениях (на примере вузов Центросоюза РФ), М.: 2000 г. 176 с.

12. О.А.Колеватова Учет внебюджетных средств в бюджетных учреждениях. Москва 2003. 161 с.

*13. Н.Р.Кельчевская* Экономическая устойчивость высшего учебного заведения */Екатеринбург: ГОУ УГТУ–УПИ, 2002. 77 с.*

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Тошкент ш., 2003 йил 9 январь, 9-сон



www.uzbridge.eyuf.uz

“UzBridge” электрон журнали
I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
103–110
САҲИФАЛАР

# ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН ТАҲЛИЛИ

**Шарипова Нилуфар**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси таянч докторанти
тел: +998-90-397-11-77, e-mail: shani_80@mail.ru

**Аннотация:** Банклар ва бошқа тўлов операторларининг электрон тўлов тизимлари миллий тўлов тизимининг асосий қисми сифатида пул секторига ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига хизмат қилади. Мақолада мамлакатимиздаги тўлов тизимлари фаолияти ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион таҳлили амалга оширилиб, тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими, ялпи ички маҳсулот, тўлов терминаллари, транзакциялар, банкомат ва инфокиосклар, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар.

## CORRELATION ANALYSIS OF THE IMPROVEMENT OF ELECTRONIC PAYMENT SYSTEMS

**Abstract:** Electronic payment systems of banks and other payment operators act as the main part of the national payment system for the financial and credit sector, as well as for the evolvement of the real sector in the economy. The article analyzes the activities for payment systems in our country and the correlation of macroeconomic indicators, elaborates relevant conclusions and proposals.

**Key words:** Central bank, payment system, gross domestic product, settlement terminals, transactions, ATMs and info kiosks, remote users of payment systems.

## КОРРЕЛЯЦИОННЫЙ АНАЛИЗ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМ

**Аннотация:** Электронные платежные системы банков и других платежных операторов служат основной частью национальной платежной системы для денежно-кредитного сектора, а также для развития реального сектора экономики. В статье проводится анализ деятельности платежных систем в нашей стране и корреляции макроэкономических показателей, разрабатываются соответствующие выводы и предложения.

**Ключевые слова:** Центральный банк, платежная система, валовой внутренний продукт, платежные терминалы, транзакции, банкоматы и инфокиоски, удаленные пользователи платежных систем.

### КИРИШ

Иқтисодий операцияларнинг барчаси тўлов тизимлари орқали ўтказилади, шунинг учун тўлов тизимлари иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўрсаткичларини ўзида акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов тизимида охирги йилларда рақамлаштирилган технологияларни жорий қилиш асносида тўловларнинг тезкорлиги ва шаффофлиги оширилиши бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020 йилдан кучга кирган “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги Қонуннинг жорий қилиниши тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишига, электрон пуллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси яратилишига, тўлов хизматларини масофадан

кўрсатишнинг янада кенгайига ҳамда накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг салмоғи ортишига хизмат қилди.

Шундай экан, тўлов тизимлари кўрсаткичлари ёрдамида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)ни прогноз қилиш учун белгиланган кенг кўламли маълумотлар асосида корреляцион таҳлилни амалга ошириш мумкин. Пул-кредит ҳамда молиявий ахборотларга асосланган макроиқтисодий прогнозлаштириш, катта ҳажмли маълумотлар таҳлили реал вақтдаги ишончли прогноз маълумотларини олишга ёрдам беради. Мақолада мамлакатимизда тўлов тизими кўрсаткичларини жорий нархлардаги ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган корреляцион таҳлилини амалга оширамиз.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛИ

Тўлов инструментлари маълумотлари (чеклар, кредит ўтказмалар, тўғридан-тўғри дебет, тўлов карталари) иқтисодий фаолиятнинг қисқа муддатли прогнозини амалга ошириш учун ўзига хос бўлган манба бўлиб ҳисобланади. Ирвинг Фишер ўзининг миқдорийлик назариясини акс эттирувчи тенгламасини: "Элементар тенглама шуни англатадики, исталган битим асосида тўланган пул савдо нархида харид қилинган товарларнинг эквивалентидир", деб изоҳлайди (Фишер, 1912). Тўлов маълумотларининг макроиқтисодий прогнозлаштириш учун кенг қўлланилаётганини Янги монетар иқтисодчилар тадқиқотларида кўришимиз мумкин (Williamson ва Wright 2010 ҳамда Schneider ва Piazzesi 2015).

Италия (Valentina Aprigliano ва б., 2019), Португалия (Эстевес ва б., 2009-2017), АҚШ (Барнетт ва б., 2016) тадқиқотчиларининг ўтказган тадқиқотлари тўлов транзакцияларини ўрганиш тўлов тизими кўрсаткичларини асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар билан кучли корреляцион боғлиқлиги мавжудлигини асослаб берган. Бу эса ялпи ички маҳсулотни прогнозлаштиришда ёрдам беради.

Маҳаллий олимларимизнинг илмий тадқиқотларида тўлов тизимлари кўрсаткичларининг макроиқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги етарлича ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқотимизнинг актуаллигини янада оширади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот давомида таҳлилларга асосланиб, миллий иқтисодиётга Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ҳажмининг ўзгариши, шунингдек, ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони ҳамда тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони кўрсаткичларининг таъсирини эконометрик усуллар асосида таҳлил қиламиз.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу таҳлилда биз ЎзР Марказий банки томонидан тўлов тизимлари бўйича тақдим қилинган барча расмий маълумотлар асосида тўлов тизимлари орқали ўтказилаётган транзакциялар суммаси, ўрнатилган банкоматлар ва пластик карталар сони, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони каби иқтисодий кўрсаткичларнинг мамлакат жорий нархлардаги ялпи ички маҳсулотининг ўзгаришига таъсирини ҳамда ушбу таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда тегишли прогнозларни амалга оширдик.

**1-жадвал.**

**Миллий иқтисодиётда электрон тўлов тизимини такомиллаштиришда ялпи ички маҳсулотга таъсир этувчи эҳтимолий омиллар**

| Т/р | Омиллар | Шартли ўлчов бирлиги |
|---|---|---|
| 1 | Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси | Млрд. сўм |
| 2 | Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони | Дона |
| 3 | Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони | Дона |
| 4 | Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси | Млрд. сўм |

Миллий иқтисодиёт кенг қамровли тушунча бўлганлиги сабабли, миллий иқтисодиётга таъсирларни изоҳлаш учун 2010-2021 йиллардаги йиллик ялпи ички маҳсулот ҳажми танлаб олинди. Ялпи ички маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар сифатида Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси, ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони ҳамда тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони кўрсаткичлари танлаб олинди. Миллий иқтисодиётга таъсир қилувчи кўрсаткичларига r-Пирсон корреляцион боғлиқлиги таъсирини ўрганамиз.

**2-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулот ва тўлов тизими кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги таҳлили**

| Эҳтимоллилик | ЯИМ | Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси | Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони | Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони | Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМ | 1.000000 | | | | |
| | | | | | |
| Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси | 0.8085 | 1.000000 | | | |
| | | | | | |
| Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони | 0.9868 | 0.8093 | 1.000000 | | |
| Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони | 0.9618 | 0.8651 | 0.9564 | 1.000000 | |
| | | | | ----- | |
| Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси | 0.9645 | 0.7165 | 0.9451 | 0.8747 | 1.000000 |

r-Пирсон корреляция жадвали коэффицентларини 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик жадвал асосида ҳисобланганда статистик аҳамиятли деб топилиб, ЯИМ билан Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси, ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ва тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ўртасида мос равишда 0,8085; 0,9868, 0,9618 ва 0,9645 корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

Регрессия омилларини танлашда ушбу омиллар ўзгармас билан ўзаро ички алоқадорлиги бўлмаслиги зарур ҳисобланади. Ундан ташқари ушбу омиллар ўртасида мултикорреллик ($r_{yx_1} > r_{x_2x_1}, r_{yx_2} > r_{x_2x_1}$) муаммоси мавжудлиги натижаларнинг ишончли эканлигига шубха туғдиради. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМга таъсир қилувчи биз танлаган кўрсаткичлар орасида мултикорреллик муаммоси мавжуд эмас.

Реррессия тенгламасининг умумий кўриниши сифатида қуйидагича ифодлаш мумкин:

$Y = \alpha + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \beta_3 x_3 + \beta_4 x_5 + \dots + \beta_n x_n + \varepsilon_n$

$\alpha$ –ўзгарувчини бошланғич қиймати(константа);

$\beta_1, \beta_2, \dots \beta_n$ – –таъсир этувчи омилларга таъсир доираси;

$x_1, x_2, \dots x_n$ – таъсир этувчи омиллар;

$\varepsilon_n$– бошқа омиллар.

Ушбу корреляцион боғлиқ деб топилган омиллар ёрдамида ЯИМ билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш учун 3та эҳтимолий регрессион модел таҳлилини амалга оширдик.

**3-жадвал**

**ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили (1-модел)**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): ЯИМ | | | | |
| Метод (Method): Энг кичик квадратлар (Least Squares) | | | | |
| Танланма (Sample (adjusted)): 2010й – 2020 й | | | | |
| Жами кузатувлар сони (Included observations) 11 | | | | |
| Ўзгарувчилар | Коэффициент | Ст. хатолик | t-статистика | Prob. |
| C | 80311,71 | 26208,37 | 3,06 | 0,022 |
| Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси ($X_1$) | -0,0049393 | 0,0327768 | -0,15 | 0,885 |
| | | | | |
| Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони ($X_2$) | 17,18964 | 11,29303 | 1,52 | 0,179 |
| | | | | |
| Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ($X_3$) | 0,0176318 | 0,0072159 | 2,44 | 0,050 |
| Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ($X_4$) | 2,557266 | 0,747874 | 3,42 | 0,014 |
| R-квадрат | 0,992536 | Боғлиқ ўзгарувчининг ст оғиши | | 176548,3 |
| Қолдиқлар кв йиғиндиси | 2,33e+09 | Моделнинг ст хатолиги | | 19691,36 |
| F(4, 6) | 199,4627 | Мослашган R-квадрат | | 0,987560 |
| Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги | −121,0419 | Prob(F-statistic) | | 1,65e-06 |
| Шварц мезони | 254,0732 | Акаике мезони | | 252,0837 |
| Параметр rho | 0,205927 | Ханна-Куинн мезони | | 250,8296 |
| Эҳтимоллик (F-стат.) Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси | 272801,9 | Дарбин-Уотсон статистикаси | | 1,358102 |

ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили асосида 1-модел асосида регрессия тенгламасини тузиб оламиз.

$$\mathbf{y = 80311{,}71 - 0{,}0049 * x_1 + 17{,}1896 * x_2 + 0{,}0176 * x_3 + 2{,}5572 * x_4 + \varepsilon}$$

Ушбу регрессиядаги омиллардан Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси (0,885>0,005) ҳамда ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони (0,179>0,005) 5 фоизлик аҳамият даражасига эга эмас бўлиб, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонининг 1 донага ортиши ЯИМни 17,6 млн. сўмга ортишига олиб келади, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар сонининг 1 млрд. сўмга ортиши ЯИМнинг 2,55 млрд. сўмга ортишига олиб келади, деб хулоса қилишимизга имкон беради.

5 фоизлик аҳамият даражасига эга эмас бўлгани учун Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммасини 2-моделда ЯИМга таъсир этувчи омиллар қаторидан чиқариб, қолган омиллар билан регрессион статистик таҳлилни амалга оширамиз.

**4-жадвал**

**ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили (2-модел)**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): ЯИМ | | | | |
| Метод (Method): Энг кичик квадратлар(Least Squares) | | | | |
| Танланма (Sample (adjusted)): 2010й – 2020 й | | | | |
| Жами кузатувлар сони (Included observations) 11 | | | | |
| Ўзгарувчилар | Коэффициент | Ст. хатолик | t-статистика | Prob. |
| C | 76891,64 | 12157,76 | 6,32 | 0,0004 |
| Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони ($X_1$) | 17,17936 | 10,47489 | 1,64 | 0,1450 |
| Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ($X_2$) | 0,0170966 | 0,0058266 | 2,93 | 0,0219 |
| Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ($X_3$) | 2,569809 | 0,6893959 | 3,73 | 0,0074 |
| R-квадрат | 0,992508 | Боғлиқ ўзгарувчининг ст оғиши | | 176548,3 |
| Қолдиқлар кв йиғиндиси | 2,34e+09 | Моделнинг ст хатолиги | | 18265,13 |
| F(4, 6) | 309,0966 | Мослашган R-квадрат | | 0,989297 |
| Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги | −121,0626 | Prob(F-statistic) | | 8,45e-08 |
| Шварц мезони | 251,7169 | Акаике мезони | | 250,1253 |
| Параметр rho | 0,172952 | Ханна-Куинн мезони | | 249,1220 |
| Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси | 272801,9 | Дарбин-Уотсон статистикаси | | 1,433086 |

ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили асосида 2-модел асосида регрессия тенгламасини тузиб оламиз.

$$\mathbf{y = 76891.64 + 17.1793 * x_1 + 0.0170 * x_2 + 2,5698 * x_3 + \varepsilon} \quad (\text{-})$$

Ушбу регрессиядаги омиллардан ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони (0,1450>0,05) 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик аҳамиятли эмас бўлиб, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонининг бир бир донага ошириш ЯИМни 17,09 млн. сўмга ошишига олиб келса, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммасини 1 млрд. сўмга оширилиши ЯИМни 2,57 млрд. сўмга ошишига олиб келади деган хулосани олиш мумкин.

5 фоизлик аҳамият даражасига эга эмас бўлгани учун 3-моделда ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сонини ЯИМга таъсир этувчи омиллар қаторидан чиқариб, қолган омиллар билан регрессион статистик таҳлилни амалга оширамиз.

**5-жадвал**

**ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили (3-модел)**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): ЯИМ | | | | |
| Метод (Method): Энг кичик квадратлар(Least Squares) | | | | |
| Танланма (Sample (adjusted)): 2010й – 2020 й | | | | |
| Жами кузатувлар сони (Included observations) 11 | | | | |
| Ўзгарувчилар | Коэффициент | Ст. хатолик | t-статистика | Prob. |
| C | 80803.61 | 13120.23 | 6,159 | 0,0003 |
| Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ($X_1$) | 0.024922 | 0.0036802 | 6,772 | 0,0001 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ($X_2$) | 3.436954 | 0.4868769 | 7,059 | 0,0001 |
| R-квадрат | 0,989629 | Боғлиқ ўзгарувчининг ст оғиши | | 176548,3 |
| Қолдиқлар кв йиғиндиси | 3,23e+09 | Моделнинг ст хатолиги | | 20101,77 |
| F(4, 6) | 381,6810 | Мослашган R-квадрат | | 0,987036 |
| Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги | −122,8510 | Prob(F-statistic) | | 1,16e-08 |
| Шварц мезони | 252,8957 | Акаике мезони | | 251,7020 |
| Параметр rho | 0,096041 | Ханна-Куинн мезони | | 250,9496 |
| Боғлиқ ўзгарувчи ўртачаси | 272801,9,9 | Дарбин-Уотсон статистикаси | | 1,626741 |

ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили асосида 3-модел асосида регрессия тенгламасини тузиб оламиз.

$$\mathbf{y = 80803,61 + 0,024922 * x_1 - 3,436954 * x_2 + \varepsilon}$$

Ушбу регрессиядаги омилларнинг барчаси 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик статистик аҳамиятли бўлиб, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонининг бир донага ошиши ЯИМни 24,92 млн. сўмга ошишига олиб келса, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммасини 1 млрд. сўмга оширилиши ЯИМни 3,43 млрд. сўмга ошишига олиб келади деган хулосани олиш мумкин.

Юқорида келтирилган 3 та моделдан статистик жихатдан ишончли моделни танлаш учун Акаике мезони ва Шварц мезонлари кўрсаткичлари ҳамда биринчи ва иккинчи тартибли автокорреляция мавжудлигини текширувдан ўтказамиз.

Дарбин Уотсон меъзонининг 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик жадвал асосида ҳисобланганда ЯИМ ва таҳлил қилинаётган омиллар ўртасида автокорреляция мавжуд бўлмаслик шарти 1,54<DW<2,46 ҳисобланади.

Шунингдек иккинчи тартибли автокорреляция мавжудлиги текшириш учун Бреуша-Годфри тестидан фойдаланамиз. Текширув натижаларини 1,2,3- иловада келтирган ҳолда қисқа жадвал кўринишида маълумотларни асослаймиз.

**6-жадвал.**

**ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион моделлларнинг автокорреляция мавжудлигини текширишнинг Дарбин-Уотсон ва Бреуша-Годфри тести натижалари**

| Т/р | Моделлар тартиб рақами | Дарбин-Уотсон статистикаси | Шартли ўлчов бирлиги | Бреуша-Годфри тести | Шартли ўлчов бирлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | 1-модел | 1,358102 | 1,54<DW<2,46 | 0,7240 | P>0,05 |
| **2** | 2-модел | 1,433086 | 1,54<DW<2,46 | 0,3070 | P>0,05 |
| **3** | 3-модел | 1,626741 | 1,54<DW<2,46 | 0,8125 | P>0,05 |

Ушбу жадвал малумотларидан кўриниб турибдики, 3-моделда қолдиқларида биринчи тартибли автокорреляция мавжуд бўлмаганлиги учун ушбу моделни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Танланган регрессия моделининг тасодифий хатолигида гетероскедастиклик мавжудлиги текшириш мақсадида Бреуша-Паган тестидан фойдаланамиз.

Бреуша-Паган тести нол гипитеза сифатида ушбу моделда гетероскедастиклик мавжуд эмас деган гипотеза қўйяди. Агар эҳтимоллик P>0,05 дан катта бўлса гетероскедастиклик мавжуд эмас, танланган регрессия қолдиқларининг тасодифий хатолиги хомоскадастик бўлади.

**7-жадвал.**

**ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар танланган регрессия моделининг Бреуша-Паган тести натижалари.**

| 2 тартибли гетерескедастиклик учун Бриша-Паган (Breusch-Pagan) тести<br>Метод (Method): Энг кичик квадратлар(Least Squares)<br>Танланма (Sample (adjusted)): 2010й – 2020 й<br>Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): Масштабланган uhat | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўзгарувчилар | Коэффициент | Ст. хатолик | t-статистика | Prob. |
| const | 0,427557 | 0,701530 | 0,6095 | 0,5591 |
| Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ($X_1$) | −3,59576e-07 | 1,96779e-07 | −1,827 | 0,1051 |
| Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси ($X_2$) | 3,78114e-05 | 2,60330e-05 | 1,452 | 0,1844 |

Квадрвтларнинг тушун суммаси = 3,96213

Тест статистикаси: LM = 1,981067,
Prob.= P(Хи-квадрат(2) > 1,981067) = 0,371378

Бреуша-Паган тести натижаларига кўра P>0,13 бўлганлиги сабабли ушбу моделда гетероскедастиклик мавжуд эмас, танланган регрессия қолдиқларининг тасодифий хатолиги хомоскадастик эканлигини кўришимиз мумкин бўлди.

Демак танланган моделимиз регрессияни баҳолаш тестларидан ижобий ўтганлигини ҳисобга олсак, ушбу модел асосида амалга оширилган прогноз кўрсаткичларининг ишончлилигини англатади.

Энди юқоридаги ҳисоб-китоблар ва қабул қилинган 3-моделдан фойдаланиб, ЯИМ ва унга таъсир қилувчи омилларга келгусидаги 3 йиллик прогноз кўрсаткичларни келтирамиз.

Танлаб олган 3-моделимиз қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\mathbf{y = 80803,61 + 0,024922 * x_1 - 3,436954 * x_2 + \varepsilon}$$

Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони (X1) ҳамда тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси (X2) учун прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаб оламиз ва юқоридаги формулага мувофиқ ЯИМ (Y) учун кейинги уч йиллик прогноз кўрсаткичларини аниқлаймиз.

Ушбу модел бўйича прогноз ишончлилиги Y ва Yҳис кўрсаткичларидан фойдаланиб ҳисоблаган ҳолда қуйидаги графикда яққолроқ намоён бўлган. Бу прогноз 3-модел асосида ЯИМ (Y) тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони (X1) ҳамда тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси (X2) таъсири асосида 2021, 2022 ва 2023 йилларда қуйидагича ўсиш даражасига эга бўлади деб хулоса қилишимизга асос бўлади.




График тенгламаси **$y=67281e^{0,2007x}$** кўринишида бўлиб, $R^2$ кўрсаткичи 1 га жуда яқинлиги, яъни 0,9961 коэффициентга тенг эканлиги ушбу прогнозни қабул қилишимизга асос бўла олади.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Юқорида амалга оширилган таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатадики, макроиқтисодий кўрсаткичларга тўлов тизимларининг кўрсаткичлари бевосита таъсир қилади ва уларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигидан фойдаланиб, ЯИМ нинг қисқа муддатли прогнозларини амалга оширишимиз мумкин. Нақд пулсиз тўлов айланмасининг, яъни тўлов терминаллари орқали қабул қилинадиган транзакциялар суммасининг оширилиши нафақат яширин иқтисодиётнинг олди олинишига, балки ЯИМнинг сезиларли даражада ўсишига хизмат қилиши эмпирик таҳлиллар асосида исботлаб берилди. Бундан ташқари, тўлов тизимларида рақамли технологияларнинг кенг қўлланилиши, масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши ҳам мамлакат миллий иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир ўтказишини математик-статистик жиҳатдан кўрсатиб бердик.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. ЎзР Марказий банкининг 2016-2020 йиллар Статистик Бюллетени.
2. ЎзР Давлат Статистика Қўмитасининг Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳисоботлари, www. stat.uz сайти.
3. Barnett, W., M. Chauvet, D. Leiva-Leon, and L. Su. 2016. "Nowcasting Nominal GDP with the Credit-Card Augmented Divisia Monetary Aggregates." Working Papers Series in Theoretical and Applied Economics No. 201605, University of Kansas, Department of Economics.
4. Esteves, P. S. 2009. "Are ATM/POS Data Relevant When Nowcasting Private Consumption?" Technical Report.
5. https://cbu.uz/oz/payment-systems/interbank/ сайти.
6. Fisher, I. 1912. The Purchasing Power of Money. New York: Macmillan Company.
7. Valentina Aprigliano, Guerino Ardizzi, and Libero Monteforte "Using Payment System Data to Forecast Economic Activity" - International Journal of Central Banking, October 2019.
8. Williamson, S., and R. Wright. 2010. "New Monetarist Economics: Models." In Handbook of Monetary Economics, Vol. 3, ed. B. M. Friedman and M. Woodford, 25–96 (chapter 2). Elsevier.

“UzBridge” электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
111–115
САҲИФАЛАР

# “РАҚАМЛИ АВЛОД”: ИНСОН КАМОЛОТИГА ВИРТУАЛ ОЛАМ ТАЪСИРИ

**Тўрақулов Зоҳид Абдумалик ўғли**
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари
Тел: +99894 697-3107

**Аннотация.** Мазкур мақолада “рақамли авлод”: инсон камолотига виртуал олам таъсири ҳақида фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек, мақолада инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти барча даврларда муҳим “мураккаб” жараён ҳисобланиб, бугунги кун одами ўзининг олдига жуда ҳам кўп талаблар қўйганлиги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллик, илм, маънавий камолотга интилиш ўзаро боғлиқлик соҳа эканлиги борасидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Рақамли авлод, инсон камолоти, виртуал, ижтимоий, маънавият, авлод, жамият, дунёқараш, ҳудуд.

## “ПОКОЛЕНИЕ ЧИСЛА”: К ЧЕЛОВЕЧЕСКОМУ СОВЕРШЕНСТВУ ВЛИЯНИЕ ВИРТУАЛЬНОГО МИРА

**Аннотация**. В статье анализируются представления о «цифровом поколении»: влияние виртуального мира на человеческое развитие. В статье также проводится научный анализ идеи о том, что социальная и духовная зрелость человека является важным «сложным» процессом во все времена, и что современный человек предъявляет большие требования к себе, активности, знаниям, стремлению к духовной зрелости в социально-политических процессах.

**Ключевые слова**: Цифровое поколение, человеческая зрелость, виртуальное, социальное, духовность, поколение, общество, мировоззрение, регион.

## “GENERATION OF NUMBER”: TO HUMAN PERFECTION IMPACT OF THE VIRTUAL WORLD

**Abstract**. The article analyzes the concept of "digital generation": the impact of the virtual world on human development. The article also provides a scientific analysis of the idea that social and spiritual maturity of a person is an important "complex" process at all times, and that a modern person makes great demands on himself, activity, knowledge, striving for spiritual maturity in socio-political processes.

**Key words:** Digital generation, human maturity, virtual, social, spirituality, generation, society, worldview, region.

Инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти барча даврларда муҳим бўлиб келган. Ҳозирги даврда эса бу ҳам муҳим, ҳам “мураккаб” жараён ҳисобланади. Мураккаблиги шундаки бугунги кун одами ўзининг олдига жуда ҳам кўп талаблар қўйган: ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллик, илм, маънавий камолотга интилиш, спорт билан шуғулланиш ва ҳоказолар. Инсонлардаги ушбу ўзига хослик ва ўхшашликлар нафақат ирқий мансублик балки маълум давр учун хослик билан ҳам боғлиқ. Даврлар учун мансубликлар ёки бошқача қилиб айтганда ўзаро боғлиқлик соҳа мутахассислари томонидан “авлодлар теорияси” деб аталади.

**"Авлодлар теорияси"** – дунёқараши, қизиқиши ва характери, кийиниш ва ўзини тутишидаги ўхшашлик ва ўзига хослик асосида маълум бир даврга (туғилган йили ҳисобидан) тегишли инсонларни алоҳида қатлам сифатида ажратиш ҳақидаги теория ҳисобланади[60]. Авлодлар теорияси фанда илк бор 90-йиллар бошида Нэйл Хоув ва Уильям Штраус томонидан қўлланилган. Улар бир биридан бехабар ҳолда маълум давр авлодлари ўртасидаги ўзаро тушунмовчилик сабабларини тадқиқ этишган ва бир авлодга тегишли бўлган кишилар ўзининг турмуш шароити, кундалик юмушлари, қизиқишлари, атрофидаги сиёсий ва технологик ҳаётнинг таъсири сабаб бир биридан тубдан фарқ қилади деган ғоя асосида ушбу теорияни ишлаб чиқишган. Икки тадқиқотчи ҳаммуаллифлигида ёзилган "Generations"–"Авлодлар" ва "The Fourth Turning"–"Тўртинчи инқилоб" асарларида Америка жамияти одамлари дунёқарашида бўлган ўзгаришларни ўзида акс эттирган ва бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган "авлодлар теорияси" илк бор қўлланилган. Асарда жамиятнинг ривожланиш даврида бир-бирини ўрнини эгаллаб келган 4 та асосий авлод мавжуд деган хулоса берилган. Булар:"йўлбошчилар/идеалистлар","кўчманчилар/фаоллар", "қаҳрамонлар/келишувчилар", "рассомлар/кўникувчилар"[61].

Н.Хоув ва В.Штраус фикрича инсон характери ва дунёқараши 12-14 ёшгача яшаган муҳит ва тарбияланган шароитига боғлиқ бўлади. Чунки айнан шу ёшларда ҳар бир шахсда инсоний қадриятлари ва дунёқараши шаклланади ва бу дунёқараш бутун умри давомида ўзгармайди. Авлодлар алмашинуви тахминан ҳар 20 йилда ўзгаради. Бу цикл 4 авлод давом этиб, ҳар 80 йилда характер ва қадриятлари цикл бошидаги биринчи йилига ўхшаш бўлган бешинчи авлод (янги цикл) шаклланади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича бугунги кунда жамиятимизда бешта авлод вакиллари мавжуд[62]:

- "Z авлод" вакиллари: 1996 йил ва ундан кейин туғилганлар
- "Y авлод" вакиллари: 1981-1995 йилларда туғилганлар
- "X авлод" вакиллари: 1965-1979 йилларда туғилганлар
- "Бэби-бумер"лар: 1946-1964 йилларда туғилганлар
- "Анъаначи"лар: 1945 и ундан олдин туғилганлар.

Россиялик тадқиқотчилар Г.Солдатова ва Е.Рассказова ушбу теория Американлик олимлар томонидан Америка жамияти учун ишлаб чиқилганини, шунинг учун ҳам бошқа давлат ҳамда жамиятлар учун тўғри келмаслигини ўз ишларида таъкидлаб ўтишган[63]. Дарҳақиқат, авлодлар гуруҳига хослик жамият дунёқараши ва ҳудуднинг географик жойлашуви билан боғлиқ бўлиб, тадқиқотларда авлодларга хослик йиллари турли йилларга тўғри келади. Мисол учун, АҚШда 1991 йилда туғилганлар "рақамли авлод" вакиллари ҳисобланади. Аммо Ўрта Осиёда интернет ва ижтимоий тармоқнинг кишилар турмуш тарзига кириб келиш йиллари анча кейин содир бўлгани учун том маънода "Рақамли авлод" деб – 2001-2021 йилда туғилган жамият вакилларини аташимиз мумкин. Чунки "Рақамли авлод"га тааллуқлиликни белгилаш юқорида таъкидланганидек давлатнинг иқтисодий ривожланиши, одамлар турмуш-тарзига интернетнинг кириб келиши билан узвий боғланади.

**"Рақамли авлод",** "Z авлод", "ижтимоий тармоқ авлоди", "рақамли аборигенлар" ("digitalnatives") – рақамли технологиялар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган ёшлар ва болалар қатлами ҳисобланади. "Рақамли авлод" ибораси илк бор

---

[60]. Giancola F. The generation Gap: More Myth than Reality// Human Resource Planning. 2006. # 29 (4).

[61].Нечаев В., Дурнева Е. "Цифровое поколение": психолого-педагогическое исследование проблемы.журнал Педагогика. 2016, №1.

[62]. Қаранг: Лавада Ю. Поколения XX века: возможности исследования // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальный перемены. 2001. №5 (55).; Гаврилюк В., Трикоз Н. Динамика ценностных ориентаций в период социальной трансформации// Социологические исследования. 2002. №1.; Шамис Е., Аншипов А. Теория поколений // Маркетинг. Менежмент. 2007. №6.

[63]. Солдатова Г. У., Рассказова Е. И. «Цифровой разрыв» и межпоколенческие отношения родителей и детей // Психологический журнал. 2016. Т. 37. № 5. 44-54-бетлар.

тадқиқотчи Марк Пренски томонидан қўлланилган[64]. "Рақамли авлод" вакиллари учун барча соҳаларда индивидуал ёндашув муҳим – яъни барча соҳаларда ҳар бир инсонга алоҳида индивидуал қараш лозим деган ғоя асосида яшайдилар[65]. Улар ёлғизликни, яккаликни яхши кўришади, одамлар орасида, реал жамият ичида ўзларини ноқулай сезишади. Атрофида минглаб одам бўлсада, лекин қўлларида мобил алоқа воситаси ёки интернет бўлмаса ўзларини бутун дунёдан узилгандек ҳис қиладилар. Соҳа мутахассиси Тамаки Саито ўз тадқиқотида бу каби инсонларга «хикикомори» (япон. "ёлғизликда яшовчи")лар деб таъриф берган[66].

Рақамли технологиялар билан танишиш улар орқали атрофни англаш шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайдиган кўрсаткичларидан биридир. Соҳа мутахассислари Дж.Пэлфри ва К.Гассерларнинг таъкидлашича "Рақамлаштириш асри болалари (рақамлаштириш аборигенлари) кундалик турмуш тарзининг асосий вақтини Интернетда ўтказадилар, шунингдек улар ўзларини нафақат рақамли майдонда балки бошқа соҳаларда ҳам устун деб билишади"[67]. "Рақамли" яъни "Z авлод" учун виртуал ва реал ҳаёт ўртасида чегара мавжуд эмас – уйида ўтирган ҳолда бутун дунё билан алоқага киришадилар.

Қуйидаги жадвалда бугунги кунда ёшларининг рақамлаштириш жараёнига кириб бориши ёки бошқача қилиб айтганда рақамлаштиришнинг инсонлар ҳаётига таъсир этиши кўрсатилган[68].

| **Ёш даври** | **Асосий фаолият тури** | **Рақамлаштириш жараёнига дахл** |
|---|---|---|
| Болалик даври (1-3 ёшлар) | Жиҳозлар билан ўйнаш | Рақамлаштирилган технологиялар билан юзаки танишиш |
| Мактабгача ёш даври (3-7 ёшлар) | Ўйин ўйнаш | Компьютер ўйинлари, интернетдаги турли ўйинларни ўйнаш |
| Кичик мактаб ёши (7-11 ёш) | Ўқув фаолияти | Интернетдан турли маълумотлар излаш, компьютерда ишлаш, мобиль алоқаларнинг функционал имкониятларини ўрганиш, таълимда рақамли тарғиботлардан фойдаланиш |
| Ўсмирлик даври (11-15 ёш) | Алоқа | Интернет. Ижтимоий тармоқлар |
| Катта мактаб ёши (15-17 ёш) | Илмий-таълимий-касбий фаолият | Интернет ва ижтимоий тармоқ орқали касбий ва таълимий дунёқарашни шаклланиши |

"Рақамли авлод" вакилларининг бошқа авлод вакилларидан асосий фарқли жиҳатларидан бири бу маълумотларни асосан (clipthinking) кўриш орқали қабул қилишидадир[69]. Бу қисқа маълумотларни ёрқин рангларда, аниқ бўлган кўринишларда қабул қилиш ва эслаб қолиш билан тушунтирилади. Яъни маълумотлар қисқа бўлганлиги учун бўлинган, бошқа шахс томонидан ишланган ҳолда бўлиб, бунда аудио ва визуал маълумотларнинг қисқалиги ва маълум кетма-кетликда берилиши маълумот ҳақида мустақил тасаввурга эга бўлиш, объектив хулоса чиқариш ва вазиятни тўғри баҳолаш имконини бермайди. Улар интернетга шу қадар ишонадиларки, ҳатто маълумотларни

[64].Prensky M. H. Digital Natives, Digital Immigrants [Electronic resource]. – Mode of access: http://www.nnstoy.org/download/technology/digital natives digital immigrants.pdf

[65]. Захарова В. Студенты поколения Z: реальность и будущее// Науч.тр.Моск.гуманит. ун- та. 2019. №4, 47-54-бетлар.

[66]. Saito Tamaki, Angles, J. Hikikomori: Adolescence without end. Minneapolis: University of Minnesota Press, 2013.

[67]. Пэлфи, Дж. Дети цифровой эры/Дж.Пэлфи, У.Гассер. М., "Эскимо", 2011. Б. 368.

[68]. Плешаков В. Теория киберсоциализация человека: Монография/Под ред.А.Мудрика: "HomoCiberus", 2012. Б. 212.

[69] . Третьякова В.С., Церковникова Н.Г. Цифровое поколение: потери и приобретения // Профессиональное образование и рынок труда. 2021. №2. С. 53–65. https://doi.org/10.52944/PORT.2021.45.2.004

ўзлари каби инсонлар тайёрлаганлиги, унда субъектив ёндашув бўлиши, ёки оддийгина ёлғон маълумот бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Маълумотларни фикрлаш, хулоса чиқариш учун эмас фақатгина "маълумот" деб қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам ушбу авлод вакилларида маълумотларни қабул қилиш тезлиги ниҳоятда юқори, уни хотирада сақлаш муддати эса қисқа бўлади. Маълумотларни бу кўринишда қабул қилиш орқали улар бир вақтда бир неча ишлар билан шуғуллана оладилар[70]. Мисол учун бугун ўсмир ёшлар уй вазифасини бажариш билан бир вақтнинг ўзида дўстлари билан ижтимоий тармоқда алоқа қилишлари, мусиқа тинглашлари ёки шу каби вазифаларни бажариш – "кўп вазифалилик" салоҳиятига эгалар. Ушбу қобилият бошқа авлод вакиллари томонидан ҳайратланарли даражада қабул қилинади. Шунга қарамасдан, бир вақтда бир дона машғулот "бир вазифалилик" билан шуғулланиш ўсмирлар учун зерикарли ҳисобланади[71]. Бугунги кунда ўсмирлар орасида кўп учрайдиган паришонхотирлик, эслаб қолиш хусусиятининг пастлиги, сиқилиш, диққатсизлик, депрессия, чарчоқ, сўз бойлигининг камлиги каби салбий ҳолатлар юқорида таъкидланган "кўп вазифалилик"нинг салбий оқибати сифатида кўрсатилади[72]. Шунингдек тадқиқотчилар томонидан онлайн-алоқа бошқача қилиб айтганда доимий виртуал алоқада бўлиш инсонларда буллинг, кибербуллинг (инг. bully сўзидан олинган bullying – қўпол, зўравон) характерини ошириб юборади[73]. Бу ҳолни бугун биз ижтимоий тармоқдаги ёзишмаларда кузатишимиз мумкин – яъни бугун интернетда ўзаро алоқаларда қайсарлик, қўполлик, асоссиз сўкинишлар, ҳақорат қилишларнинг аксарият қисми жазосиз қолишини билганликлари учун ҳам "рақамли авлод" вакиллари орасида кўп учрайди.

Бугунги кунда олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири бу "рақамли авлод" вакиллари учун таълимни ташкил этиш масаласи ҳисобланади. Чунки ушбу авлод вакиллари оддийгина маъруза ёки анъанавий дарс жараёнидан қониқмайдилар. Бу масалада бугун дунё педагоглари икки тарафга ажралган дейиш мумкин. Баъзи педагоглар "рақамли авлод"га таълим беришда асосий аҳамиятни рақамлаштирилган технология (планшет, мобил алоқа, телефон, видео ўйин)лардан фойдаланишга қаратиш лозим дея таъкидласалар, бошқа гуруҳ олимлари таълим сифатига ҳеч қандай рақамли технологиялар боғлиқ эмас, балки таълим сифати энг аввало ўқитувчининг илмий салоҳияти ва касбий маҳоратига боғлиқ деган фикрни илгари суришади[74].

Дарҳақиқат, "рақамли авлод" феноменини ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бир ҳисобланади. Ижтимоий муҳит – тарихий жараёнлар, маданият, давлат бошқаруви, сиёсий жараёнлар ва шу кабилар шахснинг ўсиши, ривожланиши, қадриятлари ва дунёқарашининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди ва шу билан бирга катта авлод дунёқарашининг трансформациясига ҳам олиб келмоқда. Бу жараён катта авлод вакиллари хоҳиш иродасида боғлиқ бўлмаган ҳолда "ихтиёрий-мажбурий" ҳолда содир бўлмоқда. "Рақамли авлод" – бугунги кун ёш авлодининг камчилик ва ютуқлари ҳақида сўз борар экан – бугунги кун ёшлари катта авлод вакиллари таъкидлагани каби хавотирли даражада "ёмон"ми? деган савол туғилади. Европа ва Ўрта Осиё тарихий ва библиографик асарларида ўзидан кейинги авлодлардан қониқмаслик характери жамиятда доимо мавжуд бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳар бир авлод ҳар бир

---

[70]. Rosen L. Me, MySpace and I: Parenting the net generation. NY: PalgraveMacmillan, 2007. Б.258

[71]. Martin-Perpina M. M., Poch F. V., Cerrato S. M. Media multitasking impact in homework, executive function and academic performance in spanish adolescents // Psicothema. 2019. Vol. 31. № 1. P. 81-87. https://doi.org/10.7334/psicothema2018.178; Солдатова Г. У., Трифонова А. В. Медиамногозадачность: стоит ли беспокоиться // Дети в информационном обществе. 2018. № 28. 26-37-бетлар.

[72]. Солдатова Г. У., Рассказова Е. И. «Цифровой разрыв» и межпоколенческие отношения родителей и детей // Психологический журнал. 2016. Т. 37. № 5. 44-54-бетлар.

[73]. Қаранг: Arseneault L. Annual research review: The persistent and pervasive impact of being bullied in childhood and adolescence: implications for policy and practice // Journal of child psychology and psychiatry. 2018. Vol. 59. № 4. P. 405-421. https://doi.org/10.1111/jcpp.12841; Ybarra M. L., Espelage D. L., Valido A., Hong J. S., Prescott T. L. Perceptions of middle school youth about school bullying // Journal of adolescence. 2019. № 75. 175-187-бетлар. https://doi.org/10.1016/j.adolescence.2018.10.008

[74]. Selwyn N. The digital native – myth and reality// aslib Proceedings: New Information Perspectives. 2009.N 61 (4).

даврда бўлгани каби бугунги кун ёшларининг ўзига яраша камчилиги ва шу билан бир қаторда ютуқлари ҳам мавжуд. "Рақамли авлод" вакилларида маълумотни қабул қилиш, ўз устида ишлаш, хулоса чиқариш, ҳиссий таъсирланиш ва шу каби соҳаларда бошқа авлод вакилларииникига ўхшамаган ёндашув мавжуд. Улар кўпроқ тинчликни хуш кўрадилар, ўзаро алоқалари, маълумот олишлари, бирон бир масалада маслаҳатлашишлари барчаси асосан ижтимоий тармоқлар (ҳатто телефонда сўзлашишни ҳам ёқтиришмайди) орқали амалга оширилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқ орқали улар бошқаларга ўзларини борича эмас, ўзлари бўлишни хоҳлаганларидек тақдим эта оладилар. Қисқа қилиб айтганда улар виртуал ҳаёт "медиа жамият"да яшайдилар. Бунинг оқибатида улар реал ҳаётдан четлашадилар. Инсонлар билан алоқа қилишга қийналадилар, реал ижтимоий жамиятдан зерикиш ҳисси пайдо бўлиб, дунёқарашлари ва фикрлаш доирасини торайтирувчи рақамлар ва қисқа маълумотларга ўрганиб қоладилар. Бу эса "ўсаётган инсон миясига тўғри тақсимланган ва ташкил этилган медиа-парҳез керак"лигини кўрсатади[75]. Шу билан бир қаторда "рақамли авлод"нинг ўзидан олдинги авлодлардан бир қанча устунликлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Булар: бир вақтнинг ўзидан бир неча вазифа билан шуғуллана олиш, маълумотни тез қабул қилиш, бир ишдан бошқа ишга юқори тезликда киришиш ва шу кабилар.

Ўсиб шаклланиб келаётган "Рақамли авлод"нинг психологик ва социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилиши бизга келгусида уларнинг ижтимоийлашувида учраши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан билиш ва ёшларни катта реал ҳаётга тайёрлаб боришда ёрдам беради. Шунингдек бу каби илмий тадқиқотлар авлодлар ўртасида ўзаро алоқа ва бир-бирини тушунишга замин яратади.

[75]. Гринфилд А. Радикальные технологии: устройство повседневной жизни / Пер. с англ. И. Кушнаревой. М.: Дело, 2018. Б.424.

"UzBridge" электрон журнали

I – СОН
НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ
116–119
САҲИФАЛАР

# УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК СТАТИСТИКАСИ, ҲИСОБОТЛАР, ТАҲЛИЛЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

***Эрназаров Гулам Бекбаевич***
*Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари номзоди (PhD)* тел. 90.134-00-65

**Аннотация:** Ушбу мақолада уй-жой коммунал хўжалиги статистикасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган бўлиб, рақамли иқтисодиёт шароитида бу соҳани модернизация қилиш ва бозорни ҳар томонлама ўрганиш орқали соҳани янада такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

**Аннотация**: В данной статье раскрывается социально-экономическая значимость статистики жилищно-коммунального хозяйства, и в условиях цифровой экономики показаны пути дальнейшего совершенствования сферы путем модернизации этой сферы и всестороннего изучения рынка.

**Abstract:** This article reveals the socio-economic significance of housing and communal services statistics, and in the conditions of the digital economy shows ways to further improve the sphere by modernizing this sphere and a comprehensive study of the market.

***Калит сўзлар:*** уй-жой коммунал хўжалиги статистикаси, уй-жой фонди, уй-жой коммунал хўжалиги, турар-жой, аҳоли турмуш шароити, намунавий уйлар, кўп қаватли уйлар, муниципал сектор, халқаро тажриба, шериклик механизмлари, шериклик модели, дастурий таъминот, қиёсий таҳлил.

**Ключевые слова:** статистика жилищно-коммунального хозяйства, жилищный фонд, жилищно-коммунальное хозяйство, жилье, условия жизни населения, типовые дома, многоэтажные дома, коммунальный сектор, международный опыт, партнерство, модель партнерства, програмное обеспечение, сравнительный анализ.

**Key words**: statistics of housing and communal services, housing stock, housing and communal services, housing, living conditions of the population, standard houses, multi-storey buildings, communal sector, international experience, partnership, partnership model, software, comparative analysis.

**Кириш.** Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Бунда уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг янги механизмларини жорий этиш фуқаролар турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида янги лавозимга киришишдаги нутқида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди: « ... Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди деганидир. Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган "Янги Ўзбекистон" массивларини бунёд этамиз. "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари изчил давом эттирилади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади, ... »[1].

Айтиш жоизки, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган бир қатор қонунлар, қарор ва Фармонлар мазкур соҳани тараққий топтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ шиддат билан ўтиб бораётган давр уй-жой коммунал соҳасини янада - такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди десак муболаға бўлмайди, деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «….якунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди ... »[2].

**Мавзунинг долзарблиги.** Жаҳонда ижтимоий тараққиётга йўналтирилган самарали уй-жой билан таъминлаш сиёсатини олиб бориш, аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш самарали механизмларини ишлаб чиқиш, кўп омилли статистик таҳлил қилиш ва прогнозлаш, статистик баҳолаш услубини такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истиқболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ–4947-сонли[3], 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5017-сонли Фармонлари[4], 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ–2922-сонли[5], 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ–4040-сонли қарорлари[6], шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республикамизда муайян ишлар олиб борилмоқда.

**Асосий қисм (таҳлил ва натижалар)**. Уй-жой коммунал хўжалиги статистикаси ижтимоий-иқтисодий статистиканинг таркибий соҳаларидан бири бўлиб, уй-жой фондининг мавжудлиги, таркиби ва ҳолатини, яхшиланишини, аҳолининг уй-жой шароити ва сув, иссиқлик, газ таъминоти, меҳмонхоналар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга дахлдор бошқа йўналишларни ўрганадиган статистика соҳаси ҳисобланади. У шунингдек, уй-жой хўжалиги ва яшаш шарт-шароитларни, яъни, уй-жой фонди соҳаси ва ишловчилар сони статистикаси, уй-жойлардан фойдаланиш статистикаси, уй-жой шарт-шароитлари статистикасини ўрганади.

Шунинг учун Республикамизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Коммунал хўжалиги фаолиятини статистик баҳолашда ҳамда истиқболини прогнозлашда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур бўлади. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда таҳлил учун танланадиган кўрсаткичлар тизими қуйидаги тамойилларга таяниши лозимлиги олимлар томонидан таклиф этилган.

бир бутунлик ва яхлитлик;
халқаро ва мамлакатда қўлланиладиган стандартларга мос келиши;
мантиқий боғлиқлиги – интерактивлиги;
эҳтимолий баҳолаш ва ахборот базаларига кириш мумкинлиги;
ташкилотларнинг сифатли ва тезкор ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

кўп вариантлилик ёки баҳолашнинг кўп ўлчамлилигини ва тизим таркибий хусусиятларини очиб бериш;

интеграл кўрсаткични баҳолаш ҳамда интерпретация қилиш ва бошқалар.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари томонидан тузиладиган ва улар жойлашган ҳудуд статистика бўлимларига топшириладиган статистик ҳисобот шакллари (2-уй-жой, 1-ком, 2-ком, 3-ком) барча учун амалдаги тартиблар бўйича мажбурий ҳисобланади. Уларни тузиш ва топшириш тартибларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари ушбу статистик ҳисоботлар ўзлари учун ҳам қанчалик муҳимлигини англашлари зарур.

1-ком ҳисобот шаклида, уй-жой коммунал хўжалигини ободонлаштириш тўғрисидаги статистик ахборотлар ўз ичига совуқ сув қувури мавжудлиги, марказлашган иситиш, яъни канализация, ҳаммом (душ), газ, иссиқ сув таъминоти, электр плита ва шунингдек, имтиёзли маиший хизматлардан фойдаланувчи кишиларни олади. Шу билан бирга статистик ҳисоботда уй-жой хўжалиги корхоналари даромадларининг умумий суммаси ҳам акс эттирилади.

Уй-жой коммунал хўжалиги фаолияти бўйича давлат статистик ҳисоботи шакллари **1-жадвалда** келтирилган.

Уй-жой фонди ва бошқалар мавжудлиги, фонд фаолияти, ҳолати ва ҳаракати бўйича статистик кузатиш 2-уй-жой фонди шакли орқали амалга оширилади. Мазкур статистик шаклда уй-жой фондининг умумий ва яшаш майдони кўрсаткичлари, шакллари бўйича фонд таркиби ва ҳаракати кўрсаткичлари ҳамда ободонлаштириш кўрсаткичлари мужассамланган бўлади.

Статистика ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартиблари бўйича муҳим ўзгаришларни белгилаш уй-жой коммунал хўжалигини юритишда қулайликлар яратишда ҳам муҳим алоҳида аҳамиятга эга.

**1-жадвал**

**Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича давлат статистика ҳисоботи шакллари**[76]

| **Шакллар** | **Номланиши** | **Даврийлиги** |
|---|---|---|
| | **Уй–жой фонди бўйича:** | |
| 2 уй-жой | Уй-жой олиш учун ҳисобда турган ва уй-жой олган оилалар сони тўғрисида | Йиллик |
| | **Коммунал хўжалиги фаолияти бўйича:** | |
| 1-ком | Шаҳар аҳоли пунктларини ободонлаштириш тўғрисида | Йиллик |
| 2-ком | Ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида | Йиллик |
| 3-ком | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида | Йиллик |

Шу сабабли ушбу мақолада бу борада қилинадиган муҳим ўзгаришлар қаторига қуйидаги таклифларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартибларининг соддалаштирилган шаклларини, бу шакллар дастурий таъминотларининг меъёрларга мос келувчи тизимини шакллантириш;

2. Маъмурчилик харажатлари ошишига йўл қўймаслик мақсадида статистик маълумотларни йиғиш ва жамлашнинг ягона меъёрларини шакллантириш;

3. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларини тузиш ва тақдим этишнинг хўжалик субъектларининг бошқарув йўналишига мос келувчи тартибларини белгилаш;

4. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларининг қиёсий таҳлилийлигини таъминлаш мақсадида, корхоналар фақат ахборот берувчилар эмас, балки ахборот олувчилар бўғинига ҳам айланиши лозим.

Фикримизча, уй-жой хўжалиги статистикасида статистик ҳисобга олишнинг бошқа турлари (асосий массивни кузатиш, фурсатли кузатиш, анкета орқали кузатиш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш, танланма кузатиш ва бошқалар)дан самарали фойдаланиш лозим.

Шу боис мақолада қисман кузатишнинг асосий турларидан бири ҳисобланган танланма кузатиш усулидан уй-жой фондини статистик таҳлил қилишда кенг фойдаланиш

---

[76]Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz).

тавсия этилди. Бу уй-жой статистикасининг ҳисобга олиш тизимини услубий жиҳатдан такомиллаштиришга шарт-шароит яратади.

Уй-жой статистикасида танланма кузатиш – ўрганиладиган бош тўплам (уй-жой фонди)дан етарли миқдордаги бирликларни махсус йўллар билан танлаб олиб, уларни кузатиш маълумотлари асосида бошланғич тўплам ҳақида қониқарли ахборотлар олиш имконини берувчи статистик текшириш усулидир.

Ёппасига статистик кузатиш (ҳисобот тизими)дан фарқли равишда уй-жой хўжалиги статистикасида танланма кузатиш усулида ҳисобга олишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Бунда хусусан: маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва уларни бош тўпламга тарқатиш кўп вақтни талаб этмайди, бошқача айтганда, ишчи кучи тежалади; молиявий маблағлар ва қоғоз сарфи тежалади; тезкор ва сифатли статистик ахборотларни олиш имкониятлари кенгаяди; кузатиш маълумотлари асосида ёппасига кузатиш жараёнларини текшириш ҳамда баҳолаш имкониятлари туғилади.

Аслида ҳам уй-жой хўжалиги фаолиятини танланма кузатишнинг асосий мақсади кам куч ва молиявий маблағлар ҳамда иш вақтини иқтисод қилиш орқали бош тўплам (уй-жой фонди) ҳақида кўпроқ ва сифатлироқ ахборот тўплашдир. Шу муносабат билан уй-жой хўжалиги статистикасида танланма текшириш назариясининг катта бўлими танланма асосида бош тўплам (уй-жой фонди)ни таърифловчи кўрсаткичларни статистик баҳолашга бағишланади. Бошқа соҳалар каби уй-жой хўжалиги статистикасида ҳам танланма бўйича бош тўплам (уй-жой фонди) кўрсаткичларини статистик баҳолаш усуллари кўп, улар бир-биридан яхши жиҳатларга эга. Бундай масалаларни тадқиқ қилиш билан баҳолаш идоралари шуғулланади.

**Хулоса қилиб айтганда,** бу тавсия ва янгиликлар уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини янада такомиллаштиришда ҳамда янги уй-жойларни қуришда стратегик режаларга асосланиши, назоратнинг кучлилиги, сифатнинг юқори даражада таъминланиши ва ўз-ўзини молиялаштириш тизимининг қатъийлиги, хусусий секторнинг юқори ўрин эгаллаши ва бошқалар билан изоҳланади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз", янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // "Янги Ўзбекистон" газетаси 2021 йил 7 ноябрь

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://uza.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган "2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ –5017-сонли «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2922-сонли қарори. // www.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4040-сонли қарори. // www.lex.uz

7. Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе. – М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.

8. Алексеев, Ю.П. Социальная политика: учебник / Алексеев, Ю.П., Берестова, А.И., Бобков, В.Н. и др.; – 2-е изд. – М., Экзамен, 2014. – 416 с.

9. Социальная инфраструктура: вопросы теории и практики (Под ред. А.И. Кочерги. – Киев: Наукова думка, 2010. – 468 с.

10. Эрназаров Г.Б. ва бошқалар. Миллий иқтисодиётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. – Т.:ДСҚ босмахонаси, 2018.–111-128 б.

11. www.gorogl.gomel.bu – Уй-жой коммунал хўжалиги расмий сайти .

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz).

Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй

uzbridge@eyuf.uz

www.uzbridge.eyuf.uz